

10/6

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Mahalla

№ 37 (1772-1775) 2019 йил 22 – 29 август

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

info@mahalladosh.uz

www.mahalladosh.uz

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«КИМДИР БИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗГА ШУБҲА ҚИЛСА, МҲЙНОҚҚА КЕЛИБ КҲРСИН»



БУТУНГИ СОНДА:

3. **Раҳбарлик — бу халқнинг энг қуйи қатлами турмуш даражасида яшашга розилик дегани**

«Қурол тўғрисида»ги қонун бизга нима беради?

8.

10. **Обод қилиш мажбурий меҳнатми?**

Ички ишлар органлари ходимларига нега қаршилиқ кўрсатилди?

19.

16. **Оилавий муносабатлардаги муаммоларнинг туб илдизи нимада?**

Ўт билан ўйнашганлар ҳалок бўлади

29.

28. **Олти ойда талоқ тушиб қоладими?**

Саратон сўнги ҳукм эмас

26.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН —

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

«КИМДИР БИЗНИНГ ИСЛОХОТЛАРИМИЗГА ШУБҲА ҚИЛСА, МҲЙНОҚҚА КЕЛИБ КЎРСИН»

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЙИРИК ЛОЙИ-
ХАЛАР ИЖРОСИ БИЛАН ТАНИШИШ, ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА 20-21 АВГУСТ КУН-
ЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

Президентимиз дастлаб Мўйноқ туманида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. 2019-2022 йилларга мўлжалланган бу йўналишдаги лойиҳа сув ҳавзаларини самарали бошқариш орқали ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Мўйноқни иқтисодий ривожлантириш, Орол фожиясидан азият чеккан ҳудуд аҳолиси ҳаётини яхшилаш бўйича илгари сурган ташаббуси доирасида кейинги йилларда бу ерда улкан ишлар бажарилди. Ҳукуматнинг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида ҳудудда 2019-2021 йилларда жами 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилган.

Бандлик масаласи доимий эътиборда

«Мўйноқ порлок текс» МЧЖ жорий йил июль ойида тикувчилик корхонаси ташкил этиб, 350 кишини иш билан таъминлади. Замонавий тикув машиналари ўрнатилган янги корхона йилга 1 миллион дона тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқариш қувватига эга. Шавкат Мирзиёев мазкур корхона фаолияти билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди.

— Мўйноқда рўй бераётган ўзгаришлар, кўзларингиздаги ҳаётдан мамнунийлик кишини қувонтиради. Бу узок-узок ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижасидир. Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин, — деди Президент.

«Мўйноқ аква санаот» корхонаси балиқчиликка ихтисослашган. Лойиҳа киймати 20 миллиард сўм бўлган бу корхона келаси ой ишга туширилади ва йилга 4 минг тонна балиқни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Президентимиз корхонанинг салоҳияти, бу ерда тайёрланадиган маҳсулот турлари ва уларни экспорт қилиш имкониятлари билан танишди.

Шу ерда Қорақалпоғистонда балиқчиликни ривожлантириш, Орол денгизининг қуриган тубида яшил бутазорлар барпо этиш ва минтақада экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Тебинбулоқ қони негизига кон-металлургия комплексини қуриш лойиҳаси билан танишиб, хорижий компаниялар мутахассислари билан суҳбатлашди. Мажмуа қурилишига илмий жиҳатдан пухта ёндашиш, металлдан маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос мактаб яратиш кераклигини таъкидлади.

«Бир келиб кетинг, Мўйноғимизга»

Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманидаги Маданият марказида қорақалпоғистонлик фаоллар билан учрашди.

— Қорақалпоғистонда ҳамма соҳада ўзгариш бўляпти. Бунинг замирида шу заминда яшаётган буюк халқнинг меҳнати, интилишлари мужассам. Сизлар билан биргаликда катта ҳаракат бошладик. Ҳар бир ҳудуднинг дардини ўрганаёлик, ҳар бир инсоннинг калбига кириб бораёлик, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайлик, деб чуқур ислохотларни амалга оширяймиз. Одамлар эртага эмас, олис келажақда эмас, бугун яхши яшаш керак, — деди Президент.

Шундай яхши ниятлар билан олиб борилаётган ишлар натижаси Мўйноқ туманидаги ўзгаришларда яққол намоён бўлаётгани таъкидланди. Ҳудуд қисқа вақтда улкан бунёдкорлик, қурилиш майдонига айланди, қиёфаси мутлақ ўзгарди. Бу маҳаллий аҳоли қўнглини тоғдай кўтарди. Одамлар машҳур қўшиққа ҳамоҳанг қилиб «Бир келиб кетинг, Мўйноғимизга» деб баралла гапирмоқда. Негаки, Оролбўйи аҳолиси турмушини яхшилаш ҳақидаги гап-сўзлар ўтган асрнинг 50-йилларида бундан айтиб келинаётган бўлса-да, бирор тайинли ишга қўл урилмаган эди. Кейинги икки йилда бажарилган ишлар тўғрисида эса бугун, таъбир жоиз бўлса, Мўйноқ билан қайтадан танишишга тўғри келмоқда.

Учрашувда Нукус шаҳри ва барча туманлардан келган вакиллар Мўйноқдаги ўзгаришларга ҳавас қилганини таъкидлаб, ўзлари яшайдиган жойлардаги камчиликлар, ечимини қутаётган муҳим масалаларни тилга олди. Уларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

— Катта-катта иморатлар, замонавий техника билан мактабни керак эмас. Аклли, билимли, фидойи фарзандларни тарбияласак, улар Ватанга садоқат билан хизмат қилса, энг катта бўйлик, бахт мана шудир, — деди давлатимиз раҳбари.

«Дунёқарашини ўзгартирмаган сектор раҳбарлари оёғимизга қишан»

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

— Бу ерга қарсак учун эмас, ишлаш учун, халқимизнинг кўзига қараш учун келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Дунёқарашини ўзгартирмаган сектор раҳбарлари оёғимизга қишан. Ишга кирган битта хотин-қизнинг бахтини тасаввур қиласизларми? Ёшларни ким етаклайди, уларга тўғри йўналиш бера-

ди? Мўйноқ мисолида кўрдиларингиз. Одамларнинг кўзларида «қилса бўлар экан-ку», деган нур бор. Лекин энди бу тарих. Ҳамма туманларда шундай ўзгаришлар қилиш керак.

Биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистонда санаот ишлаб чиқариш ҳажми атиги 0,5 фоизга ўсгани, Тахтақўпир, Шуманай, Нукус, Чимбой, Тўртқўл, Кегейли туманларида санаот деярли йўқлиги танқид қилинди. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик ривожини ҳам сўс.

— Охириги уч йилда туб ислохотлар натижасида қўллаб соҳаларни эркинлаштирдик, уларнинг ривожига ҳалакит берган чекловларни бекор қилдик. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар бир сектор раҳбари чекловларини бекор қиламан, тадбиркорга хизмат қиламан, деган қоида, шпор билан ишлаш керак, — деди Президент.

Ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққи эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Биринчиси — санаотни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат. **Иккинчи** устувор йўналиш тадбиркорлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир. Қишлоқ хўжалигида илгор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш **учинчи** устувор йўналиш этиб белгиланди. **Тўртинчиси** — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфрақурилишни яратиш. Оролбўйи аҳолисининг яшаш шароити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса **бешинчи** устувор йўналиш сифатида эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир йўналишда назарда тутилган масалаларга алоҳида тўхталиб, улар бўйича фаол ишлаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди.

«Президент мактабининг ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам энг намунали бўлиши лозим»

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга

алоҳида тўхталиб, Президент мактаблари юртимизда таълим сифатини оширувчи локомотив бўлишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев мактабнинг биноси ҳам, матрифати ҳам мукаммал бўлиши кераклигини, шунинг учун уни шомшадан, сифатли қуриб, Конституция байрамида фойдаланишга топшириш зарурлигини таъкидлади. Унгача ўқувчилар бошқа бинода ўқиб туради. Давлатимиз раҳбари мазкур билим дарағи учун педагоглар қандай танлангангани билан қизиқди.

— Бу мактабларнинг ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам энг намунали бўлиши лозим, — деди Президент. — Чуқур билим билан бирга маънавият, ватанпарварлик туйғуси ҳам синдирилиши зарур. Бу ерга билимли болалар келиши учун ҳар бир туманда базавий боғча ва мактаблар шаклланиши лозим. Шунда умумий билим, савия, таълим муҳити ўзгаради.

Янги энергия қувватлари санаот ривожига таянч бўлади

Шавкат Мирзиёев Тахياتош туманидаги «Мадед Ботир» фермер хўжалиги даласида ғўза ривожини кўздан кечирди. Президентимиз дала агротехникасидаги камчиликларни кўрсатиб, пахта пишишини тезлаштириш, ҳосилга ҳосил қўшиш бўйича ўз тавсияларини берди. Қишлоқ хўжалигида илм-фандан кенг фойдаланиш, Қорақалпоғистоннинг иқлимга мос навлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Тахياتош иссиқлик электр станциясида қувватни 230-280 мегаватт бўлган иккита буг-газ қурилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари буг-газ ускунаси қурилишини кўздан кечирди. Мазкур янги қувватларни барпо этишда иштирок этаётган корейлик мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширяймиз. Санаотни ривожлантириш борасида катта марра олганмиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Булар учун, аввало, мустаҳкам инфрақурилиш керак. Таллимаржон, Навой, Тўрақўрғон, Тахياتош иссиқлик электр станциялари модернизация қилиниб, қувватлари оширилаётгани ана шундай асос бўлади. Аҳолини, корхоналарни электр энергияси билан барқарор таъминлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Президентимизга Устюрт минтақасида нефть ва газ захираларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган геология-кидиров ишларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

Мўйноқда 5,7 миллиард сўмлик ёпиқ сузиш ҳавзаси ва спорт зали қурилди.

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Хар йили мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини турли соҳалар бўйича ўн минглаб мутахассислар битиради. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги берган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўзига 64 417 нафар йигит-қиз бакалавр, 5937 нафари эса магистр дипломига эга бўлган. Бироқ шунга қарамай юртимизда раҳбар-кадрлар муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатнома йўллаган пайтда ҳам ўзини энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири кадрлар масаласи эканини таъкидлаганди. 14 август куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган йўғилишда ҳам кадрлар масаласига яна бир бор тўхталиб ўтди.



РАҲБАРЛИК — БУ ХАЛҚНИНГ ЭНГ ҚУЙИ ҚАТЛАМИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДА ЯШАШГА РОЗИЛИК ДЕГАНИ

Хўш, биз шу вақтга кадрар ўзимизга керакли бўлган кадрларни нега тайёрлай олмадик? Кадрлар тақчиллигининг келиб чиқишига қандай омиллар сабаб бўлди?

— Раҳбарни тайёрлаш, раҳбарни етиштириш — анча оғир ва мураккаб масала. Бироқ келиб чиқишдан катти назар, ҳатто генетик коди заиф бўлса ҳам, изчиллик билан ўқитилса, керакли билимлар берилса, ҳар қандай одамдан раҳбар тайёрлаш мумкин — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори Ақтам Жалилов. — Афсуски, маълум муддат олий таълимга қабул қилишдан тортиб, талаба дипломи кўлга олгунгача бўлган жараёнда таниш-билишчилик, порахўрлик авж олди. Айрим устозлар таъмагирликдан ор қилмай қўйди. Ана шу коррупцион ҳолатдан манфаатдор шахслар таълимни ислох қилишга йиллар давомида монелик қила олди. Оқибатда ўтган давр мобайнида малакали кадрлар етарлича тайёрланмади. Баъзи ўғил-қизларимиз хорижда таълим олиб, ўша ёқда қолиб кетди. Бу муаммолар мутахассисларга бўлган эҳтиж билан бозор муносабатларидаги қондиларнинг бир-бирига мос келмаслиги оқибатида пайдо бўлди.

Бир мисол, биз халқаро иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, давлатлараро савдо алоқаларидаги шартномаларни тузиш учун хорижий адвокатлик тузилмаларига мурожаат қиламиз. Ваҳоланки, бундай юридик хизмат арзон эмас. Шу ўринда савол туғилади: нега шу пайтгача юртимиздаги таълим даргоҳларида халқаро тижорий ҳуқуқ, халқаро хусусий ҳуқуқ каби факультетлар очилмаган?

Афсуски, юқорида таъкидлаганимиз — коррупцион ҳолат мана шу каби йўқотишларга сабаб бўлди. Чунки маълум соҳадаги порахўрлик ўша йўналишдаги ўсишга тўсқинлик

қилса, таълимдаги коррупция барча соҳага салбий таъсир қилади.

Иккинчи тарафи — давлат бошқаруви йўналишида фундаментал, профессионал таълим берадиган, бакалавр даражаси олинган олий ўқув юрти илгари бўлмаган... ҳозир ҳам йўқ. Бу йўналишда махсус факультетлар етакчи давлатларда, жумладан, ғарбдаги етакчи университетларда мавжуд. Давлат хизмати бўйича Public Service ёки Public Management, давлат сиёсати бўйича Public Policy, ижтимоий сиёсат бўйича Social Policy, деб номланган бакалавр ва магистратура дастурлари бор.

Биз бугуннинг талабидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат хизматчиларига шу йўналишда фундаментал таълим берилиши керак.

Раҳбар-кадрларнинг тез-тез алмашинуви нима сабаб бўлмоқда?

— Кадрларнинг тез-тез алмашинуви соҳалар глобал ўзгаришларга ҳамохан тарзда юра олаётгани-йўқми, деган саволга жавоб билан белгиланади. Кадрлар ўзгаришининг бошқа жиҳатлари ҳам бор, албатта. Яъни давлат хизматчиси давлат сиёсатини тўғри талкин қила олиши, ишонч билдириши ўта муҳим. Ўн нафар кадрдан тортиб кета олади. Икки нафар тасодифий ходим жараёнга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, лекин тўхтатиб қолмайди.

Шунинг учун жаҳондаги глобал ривожланиш қондаларини илғайдиган, янгиллик қила оладиган ходимга имконият ва яхши шароит яратилган бўлиши керак эмас. Хорижда илм олган ёшлар ёрдамида глобал тажрибадан фойдаланишимиз зарур. Уларнинг аксарияти Ўзбекистонга қайтаётганидан ҳурсанд бўлишимиз керак. Бунга биргина пойтахтимиздаги «Akfa Medline» хусусий клиникасини мисол қилиб айтадиган бўлсак, бу ерда хориждан қайтган ватандош-

ларимиз энг мураккаб жаррохлик амалиётларини бажариб, минглаб юртдошларимизнинг саломатлигини сақлаб қолмоқда. Энг муҳими, халқимиз чет элга минглаб АҚШ доллари сарфлашдан халос бўляпти.

Яхши маошни шундоғам минглаб одамлар ишлайдиган, бюджет ҳисобидан фаолият юритадиган тизимлар олиб ётибди. Шундай қатта тизимлар борки, уларсиз ҳам иқтисодиёт ўзгаришдан тўхтамаслиги мумкин. Балки, аксинча, бюджетга кўпроқ маблағ тушиши мумкин.

Шунинг учун илгор тараққиёт билан халқимиз ўртасида боғловчи бўладиган етук кадрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Агар хориждан қайтиб келган мутахассисга лавозимнинг йўлини бўғсак, эртага улар ҳеч нарса қила олмастлиги мумкин. Уларга имкон, вақт бериш керак. Саволга ҳулоса шу — кадрлар алмашинуви табиий, бозор муносабатларини эркинлаштира олсак, бир кун ўзининг йўлига тушадиган жараён.

Давлат хизматчиси қандай бўлиши керак?

— Давлат хизматчиси давлатчилик тафаккурига эга бўлиши керак, яъни давлатнинг тараққиёт стратегиясини, соддарок айтганда, халқ кўзлаган манзилни аниқ тасаввур қилиши лозим. Давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифани фрагментар тарзда эмас, балки мамлакат миқёсида талкин қила олиши, тўлақонли тафаккур эта олиши муҳим. Акс ҳолда, давлатчилик тафаккури, носоғлом, тасодифий раҳбарлардан ҳар доим халқ азият чекади. Бунақалар қаердан келиб қолади? Уларни мафкураси бузуқ одамлар олиб келди. Бу қандай бўлади? Битта носоғлом тафаккурли раҳбар ўз манфаати йўлида хизмат қиладиган одамни ёнига олади. Бунақа кишилар, аввало, ўзини

давлат хизматчиси сифатида ҳис қилмаган бўлади.

Давлат хизматчиси масъулиятини ҳис қилиш дегани — «мен халқнинг энг қуйи қатлами турмуш даражасида яшашга розиман», дегани. Агар раҳбарнинг моддий ҳаёти оддий халқкидан кескин фарқ қилса-ю, у ўз ҳудудидаги оддий халқ дастурхони ҳақида қайғурмаса, у раҳбарлик лавозимига лойиқ эмас. Бундай ҳислат фақат тарбия, миллий эътикод, шу йўналишдаги фундаментал билим билан етиштирилади.

Раҳбар бўлиш учун Президент маърузасини тушунишнинг ўзи етмайди, маъруза кенг оммага қаратилган, уни барча эшитади ва давлат раҳбарининг умуммиллий стратегиясини, йўналишларини англайди. Раҳбарлар учун эса талаб жиддий: улар давлат раҳбарининг сиёсатини, унинг юқини ўз зиммасида, лавозими тақозосига кўра ҳис қилишга мажбур. Ҳис қилиш билан амалга оширишда тўлақонли иштирок этиш бошқа-бошқа нарса. Бунинг учун том маънодаги «давлат хизматчиси» эътиқоди зарур.

Раҳбар ходимларнинг «бузилиши»га қандай омиллар таъсир қилмоқда?

— Жамиятимизда қатта ишонч билдирилиб, юқори лавозимларга тайинланган айрим раҳбарлар ўзини номуносиб тутаётгани сир эмас. Хусусан, қатта миқдордаги поралар билан қўлга тушаётган ҳолатлар учраб турибди. Шу боис тезлик билан бозор муносабатларини ривожлантиришимиз, давлат ўз масъулиятидаги жуда кўп ваколатларни бозор тизимларига бериши керак. Яъни давлат бошқарувчиликдан кўра, кўпроқ мувофиқлаштирувчилик вазифасини сақлаб қолиши зарур. Бошқача айтганда, давлатнинг мумтоз вазифалари бор, давлатга шуларнинг ўзи етади.

Иқтисодиёт бозор қонунлари асосида ривожланиши зарур. Ҳокимлар фақат очилиш маросимига «лента» қирқиш учун бориши керак. Яъни, қурилиш бўладиган бўлса, ҳокимнинг ўзи кечаю-қундуз бошида туриб қурдириши шарт эмас. «Отанг бозор, онанг бозор», деган гап бекорга айтилмаган.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида Европа Иттифоқининг етакчи давлатларида почта, темир йўл, ҳаво йўллари каби соҳаларни хусусийлаштириш борасида савол муҳокама қилинганда, баъзи парламент аъзолари бу соҳаларни хусусий секторга топшириш хато эканини таъкидлаган. Бугун Европада бориб, почта, темир ва ҳаво йўллари сингари соҳаларни яна давлат тасарруфига ўтказмас бўладими, деб сўрасангиз, «бу одам ақлдан озибди», деб айтишади. Бу ҳолат шундан далолат берадики, давлат фақат давлатгагина хос бўлган вазифаларни ўзига қолдириши зарур. Албатта, бу осонлик билан бўладиган иш эмас. Давлат хусусий секторга ишонмайди, зеро давлат назарида халқнинг тақдирини уларга ишонтириш ижтимоий адолатнинг бузилишига олиб келиб, кўплаб соҳаларда монополия ўрнатилиб, ижтимоий таранглик юзага келиши мумкин.

Хозирги ҳолатда эса, эркин бозор муносабатларини тақозо этадиган вазифалар расмий ваколатлар билан ҳал этиладиган бўлса, давлат тизимлари раҳбарлари атрофида хусусий манфаатлар тўплангани ва ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бунга мисолларни ҳар кун ижтимоий тармоқлардан қўриб турибмиз.

Ҳулоса шуки, кадрлар етишмаслиги, деган тушунчага кенгрок қараш лозим. Кадрлар кўп, фақат уларни топиш керак. Бу эса мунтазам изланиш талаб этади, сараланганларни қисқа муддат бўлсам ўқитиб, уларга ишониш, вазифа бериш керак ва бир муддат йўналтириш керак.

Рустам ЮСУПОВ ёзиб олди.

Бирдамлик, эзгулик, ободлик ва аҳиллик ифодаси

Халқимиз азалдан кўчаю маҳаллаларни озода сақлашга эътибор қаратган. Энг улуғ, энг азиз айём арафасида ўтказилган бу галги умумхалқ ҳашари ҳам халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги, аҳиллигини яна бир қарра намоиш этди.

Ҳашар кунлари худудларни ободонлаштириш, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 13 мингта яқин кам таъминланган оиланинг 388 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 13 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оиллага моддий кўмак кўрсатил-



ди. Хайрия тadbирларига 4 миллиард сўмдан зиёд, шундан 140 миллион сўмга яқин маблағ «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан ажратилди.

Шунингдек, ҳашар давомида 26 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилиб, 50 минг тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб ташланди. 25 минг километрга яқин узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланиб, қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилди. 9 миллионга яқин дарахт оқланиб, уларга шакл берилди. Ушбу тadbирларни амалга ошириш учун 13

мингта яқин техника воситаси жалб этилди.

«Тўйга тўёна», деганларидек, ҳашар кунлари маҳаллаларда 150 тага яқин савдо, 126 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 6 та ишлаб чиқариш цехи, 14 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси, 4 та болалар спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Умумхалқ хайрия ҳашарида 13 миллион 800 минг нафардан зиёд фуқаро, шундан 7 миллион 809 минг нафардан ортиқ ёш қатнашди.

Мухбиримиз.

Финал остонасида: якуний босқич иштирокчилари аниқ бўлди

Университетга имтиҳонсиз қирмоқчимисиз? Хорижга саёҳат қилиш орзуингизми? Кун келиб газетаю журналлар муқовасида расмингиз чиқишини истайсизми? Ҳеч қачон касал бўлмай, соғлом ва тетик кўринишга эга бўлишни-чи? Ота-она, кўни-кўшинию юртдошлар фахрига айланишни хоҳламайдиган инсон бўлмаса керак. Хуллас, уларнинг барчасини биргина қизиқиш ва иштиёқ билан амалга ошириш мумкин. Қандай дейсизми? Жавоби оддий — спорт билан шуғулланинг!



Яшил майдонларда тўп сураётган, қалбида катта спортга меҳри баланд, чакқон ва эпчил ёшларни аниқлаш, уларни янги марралар сари рағбатлантиришда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ўтказилаётган аъёнавий спорт ўйинларининг салмоғи катта. Айниқса, спортнинг оммабоп тури — футбол бўйича ташкил қилинган мусобақаларга қизиқувчилар сони ортиб бораётгани қувонарли.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги йиғилиш баёнига асосан, мамлакатимизда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари ўртасида «Чарм тўп» аъёнавий футбол мусобақасини ўтказиш белгиланган эди. Турнир беш босқичда ташкил этилиб, маҳалла, туман, вилоят босқичларидан муваффақиятли ўтганлар минтақавий ўйинларда тўп суриш имконига эга бўлишди. Ўзбекистон, «Чарм тўп»нинг ҳар бир босқичи мурасасиз кечди.

Мезбон жамоа ғолиб

— Ҳудудимизда спорт, айниқса, футболга қизиқиш катта, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгаши бош мутахассиси Мансур Ўрозов. — Вилоятимиз мезбонлик қилган «Чарм тўп» мусобақасининг минтақавий босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятлари жамоалари қатнашди. Соғлом рақобат ва ўзаро дўстлик муҳитида ўтган баҳсларда вилоятимизнинг Янгибозор туманидаги «Олтин қўл» маҳалласи жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Навоий шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласи жамоаси иккинчи бўлди. Энди ушбу жамоалар якуний — Республика босқичида иштирок этишади.

Финалдан олдинги финал

Сирдарёда ўтган навбатдаги минтақавий босқич финалдан олдинги финалга айланди. Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари ғолиблик учун майдонга тушди.

— Вилоятимиздаги «Гулистон» марказий ўйингоҳида турнирнинг минтақавий босқичи ўтказилди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши бош мутахассиси Ойбек Рустамов. — Натижаларга кўра, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Беги қайрағоч» маҳалласи биринчи, Жиззах вилоятининг «Қатортол» йиғини жамоаси иккинчи ўринни қўлга киритди. Сирдарё ва Тошкент вилояти вакилларидан эса бу сафар омад юз ўғирди. Улар кейинги ўринлар билан қийоғланишди.

Қашқадарё вилоятида ўтган навбатдаги ўйинларда Самарқанд ва мезбон вилоят жамоаларининг қўли баланд келган бўлса, водий вакиллари Наманган ва Фарғона вилоятлари жамоалари якуний босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, «Чарм тўп» аъёнавий футбол мусобақасининг Республика босқичи жорий йилнинг 24-28 август кунлари пойтахтимиздаги «Бунёдор» стадионида бўлиб ўтади.

Тургун КИРГИЗБОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича
Республика кенгаши раиси
ўринбосари.

Юртимизда нечта «Ватанпарвар» маҳалласи бор?

Шимоли-ғарбий ҳарбий округи
Нукус гарнизонидаги «Ватанпарвар»
маҳалласида фуқаролар йиғини раислари
иштирокида кўргазмали услубий йиғин
бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда мамлакатимиздаги 11 та «Ватанпарвар» маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этди.

Қайд этиш ўринли, юртимиздаги «Ватанпарвар» номили маҳаллаларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари истиқомат қилинмоқда. Уларда умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим

муассасалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ўқув бинолари, кутубхоналар фаолият олиб бораётир. Болалар учун рус ва инглиз тиллари тўғрақлари, спорт майдончалари ташкил этилган.

Тadbир иштирокчилари йиғин ҳудудида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган шароитлар билан танишди.

— Ҳудудда округ қўмондонлиги ёрдамида амалга оширилаётган кенг қўламли маънавий-маърифий ва бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдик, — дейди Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳридаги «Ватанпарвар» маҳалласи раиси Салижон Аҳмедов. — Албатта, бундай тadbирларнинг ўтказилиши ўзаро таъриба алмашишида муҳимдир.

ДАБИБУЛЛАЕВ.

Маҳаллага маҳалла беллашамиз!

Пойтахтимиздаги 508 та маҳалла
фуқаролар йиғини ёшлари ўртасида илк
бор «Маҳаллага маҳалла» мини-футбол
мусобақаси ўтказилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда «Coca-Cola» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирнинг Бектемир тумани босқичи қизиқарли беллашуларга бой ўтди.

1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган учрашулар том маънода футбол байрамига айланиб кетди. Худуддаги 12 та маҳалланинг 12 та жамоаси ғолиблик учун майдонда кураш олиб борди.

Мурасасиз баҳслар якунида «Рохат» маҳалласи биринчи, «Зилола» йиғини вакиллари иккинчи, «Чашма» ва «Нурафшон» маҳаллалари жамоалари учинчи



ўринни эгаллади. Энди турнирнинг Тошкент шаҳар босқичида «Рохат» футболчилари туман шарафини ҳимоя қилишади.

Мусобақанинг туман босқичлари жорий йилнинг 29 августига қадар давом этади.

Гулом ХИДИРОВ
«Mahalla»

Хитойда Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очилди.

Кексалар тажрибаси — ибрат мактаби

Куни кеча Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Бўстон» маҳалласида «Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кекса авлод вакилларининг ўрни» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ИИБ раҳбарлари, маҳалла раислари, йиғинлар раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, нуронийлар, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарда «Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш», «Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги», «Жамоатчилик назоратининг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамияти» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

«Оилалардаги низолар ҳали ҳам юзаки кўриб чиқилмоқда»

Маҳаллалар қадимдан тарбия ўчоғи, эзгулик бешиғи, урф-одатлар, анъана ва қадриятлар эъзозланадиган маскан сифатида эътироф этилади. Бинобарин, ушбу ошён инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бекиёс макондир.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда маҳалла институти янада тақомиллаштириш, унинг тизимли фаолияти юретиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада маҳалла ҳалқ ишончини қозониб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланимолда.

— Юртимизда жамиятимизга дахлдор барча масалаларда маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг ҳалқчи ҳама одамлар дари ва таъминоти билан яшайдиган тизимга айлантиришга қатъий эътибор қаратишмоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари Ботир Парпиев. — Аммо тан олиш лозим, соҳада ҳали қилиниши бўлган муаммолар етарлича. Жумладан, маҳалла раиси ва фаоллари томонидан ҳали ҳам оилалардаги низоларнинг юзаки кўриб чиқилаётгани, яқка тартибда суҳбатлар фақатгина қозғаларда аке этиштирилган, профилактика таъсирини чоралар кўришмаслиги, оилаларда соғлом муҳитни тизимли ўрганиш жараёнида мутасадди идоралар масъул ходимлари муаммоли ҳолатлар билан ишладаги етарли билми ва малакага эга эмасликлари турли салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўл-

моқда. Шунингдек, оилавий ажримлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, нотиқ оилалар ва нокбил ота-оналар билан ишлаш, давлат органларининг тегишли фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш, «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», «Отанг маҳалла, онанг маҳалла», «Боланинг бегонаси бўлмайди» каби ширқона тарбия тамойилларини амалий ҳаракатга айлантиришда кексалар ва фахрийларнинг ўрни сезилмаяпти. Айниқса, энг оғирлиқ масала — ишисизлик, оила даромадининг етарли эмаслиги жамиятимизда кўпал салбий иллатлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боис масалага глобал муаммо сифатида қараш ва унга барҳам беришнинг барча чораларини кўриш керак. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишисиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, дастлабки маблағи йўқлиги боис тадбиркорлик ишини йўлга қўя олмаётган фуқароларга амалий ёрдам бериш, «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини ҳаётга татбиқ этиш лозим. Шунингдек, нуронийлар билан бирга ажралиш ёқасига келиб қолган оила ёки низоли кўни қўйинларнинг ярашиб кетишига ҳисса қўйиш жамиятимизни мустаҳкам бўлишига замин яратади. Шу сабабли маҳалла раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари ҳафтада икки марта кўни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга инсонларни йиғиб, содир этилган салбий ҳолатларни муҳокама қилиш, бу масалада уларнинг шахсий муносабатини шакллантириш керак. Қолаверса, Мухтарам Президентимиз ҳам жамоатчилик, кексалар, нуронийлардан ижтимоий фаоллигини, уйғоқлигини, ислохотлар жараёнида камарбаста бўлишни кутмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки,

БИРОҚ БУГУН МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАР, ОИЛАЛАРДАГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА УЛАРНИНГ ЎРНИ УНЧАЛИК ҲАМ СЕЗИЛМАЯПТИ

бугун айрим маҳаллаларда аҳоли муносабатлари билан ишлаш, одамлар дардини тинглаш, мавжуд муаммоларга ечим топиш каби масалаларда ҳали ҳам камчиликларга, сансалорликка йўл қўйилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан муаммоларнинг янада илдиз отишига замин яратаётди.

Маърузада таъкидланганидек, аслида муаммосини ўрганиш мақсадида қилинган ҳар бир оилага тегишли тартибда амалий ёрдам кўрсатиш, одамлар дилида «Мутасаддилар келгани билан нима ўзгаради?» қабилда фикр уйғонишига йўл қўймаслик шарт. Агар бундай иш услубини ҳар бир йиғин раиса ўз фаолиятига татбиқ эта олса, тизимдаги кўпал муаммолар барҳам топади.

« 7 ойда 5 346 та маҳаллада жиноят содир этилмади»

Бугунги кунда жамиятимиз устуни бўлган ҳар бир оилада ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш, айниқса, фуқаролар муаммоларига ечим топиш, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг эрта аниқлаш, бартараф этиш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш барча давлат ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини талаб қилади. Айниқса, бу борада ички ишлар органлари тизимига қатта масъулият юкланади.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 28 минг 599 та низоли оила ўрганилиб, 17 минг 188 та нотиқ оиладаги келишмовчиликларга барҳам берилди, — дейди **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари Мухиддин Жўраев**. — Ташкил этилган ҳамкорлик тадбирлари натижасида жорий йилнинг 7 ойи давомида 9 минг 098 та маҳалланинг 5 минг 346 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Аммо соҳада амалга оширилган ижобий ишлар қаторида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганига ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Уйбу камчиликларни бартараф этиш учун биринчи гада маҳаллаларда «Жиноят ҳақиқати ва адолати» тамойили асосида ишларни йўлга қўйиш мақсадаги мувофиқ. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳар кун эрталаб ўз ҳудудини айланиб чиқиб, вазиятга баҳо беришни назарда тутибчи режа билан фаолият юритишни зарур. Шунингдек, носоғлом оилаларнинг рўйхатлари тўлиқ шакллантирилиб, маҳалла фаоллари, сектор аъзолари, кўчабошиларига ва профилактика инспекторла-



ри ҳамда уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига бириктирилиши керак. Бу борада уларнинг уйбу хонадонларни кунлик ўрганиш, мавжуд муаммоларини бартараф этиш борасида амалга оширган ишларининг ҳисобдорлигини ошириш мақсадаги мувофиқ. Мазкур тадбирларда нуронийлар, кекса ёшдаги инсонларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.

«Маҳалла, аввало, ўз «иши» билан шуғулланиши лозим»

Семинарда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўра Жалилов ҳам сўзга чиқиб, ушбу тадбирнинг аҳамияти, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, кексалар фаоллигини ошириш ҳақида ўз тақлифларини билдирди.

— Амалий семинар маҳаллаларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ҳамда ҳудудлардаги турли муаммоларни ҳал этишда кексалар фаоллигини оширишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли бўлди, — дейди **Ж.Жалилов**. — Бироқ билдирилган фикрларни амалиётга татбиқ этиш учун, аввало, тизимда меҳнат қилаётган одамларга зарур шароит яратиш, улар фаолиятига ҳалал бермаслик зарур. Эътибор берсақ, кейинги пайтлар маҳалла раислари туман ва вилоят миқёсидаги тизимга алоқадор бўлганда турли тадбирларга асоссиз равишда жалб этилмоқда, улар кераксиз ҳужжатларга «кўмиб» ташланмоқда. Бу билан соҳадаги муаммолар янада илдиз отишига замин яратилмоқда. Шу боис маҳалла энг биринчи гада ўз «иши» билан шуғулланиши лозим. Қолаверса, мавжуд муаммоларни кекса ёшли инсонлар, ҳаёт тажрибасига эга нуронийлар иштирокида ҳал этиш ижобий самара беради. Бунинг учун ҳафтаининг шанба кун «Маҳалла кун» деб белгиланиб, 8 та жамоатчилик комиссиялари, «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари, кўчабоши, уйбошилар фаолияти таҳлил қилиниши-

ни йўлга қўйиш лозим.

Семинарда камчиликларни бартараф этишда кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича раис ўринбосарларининг асосий вазифалари тушунтирилиб, жамоатчилик комиссиялари ишини жонлантириш, давлат органларининг тегишли йўналишдаги фаолияти устидан Жамоатчилик назоратини кучайтиришда «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг масъулиятини ошириш бўйича вазифалар белгилан берилди.

Тадбир якунида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони штатларининг фуқаролар йиғинидан олингани, бу эса маҳалланинг оилавий ажримлар ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани, айрим ҳудудларда профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорликда ишламаётгани, фуқаролар йиғини раисининг жамоатчилик асосида фаолият юритадиган 4 нафар ўринбосари — ёшлар масалалари, кексалар ва фахрийлар ишлари, ижтимоий ва маънавий-маърифий масалалар ва тадбиркорлик, томорка ер эгалари фаолиятига кўмаклашиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича маслаҳатчиларига маош тайинлаш, ҳашарлардан тушаётган маблағлар маҳалла тизими эхтиёжларига етмаётганлиги сабабли аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларнинг ундирилишида амалий кўмаклашгани учун муайян (10 %) фойз маҳалла фуқаролар йиғини ҳисоб рақамига ўтказилишини жорий этиш ҳамда давлат хизматлари агентлигидаги навбатлар одамлар норозилигига сабаб бўлаётгани каби бир қанча масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди. Шунингдек, маҳалла кенгашлари ва ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда «Йўл харита»си ишлаб чиқилиш масаласи ҳам муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилан берилди.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

«Ўзбек-афғон» дўстлик оромгоҳи ташкил этилди.

«Yoshlar – kelajagimiz» дастури:

БИЗНЕС ҒОЯЛАР, СТАРТАПЛАР,
ИЛҒОР ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Қарши шаҳридаги «Гулшан» маҳалласида яшовчи Собитжон Жўраев олийгоҳни тамомлагач, тадбиркорлик ишини йўлга қўйишга анча вақт ҳаракат қилди, аммо керакли дастоянинг йўқлиги боис ўйлаган орзулари ҳадеганда ушалавермади. Кредит олиш масаласида бир неча бор банкка мурожаат қилди, бироқ сўраётган маблағ салкам бир миллиардга яқин бўлгани учун кўпчилик унинг тўлов қобилиятига ишонмади.

Собитжон 2018 йил «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси томонидан ташкил қилинган тадбирда ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, якунда унга 850 миллион сўм банк кредит маблағи ажратиб берилди. Шундан сўнг у туғилиб ўсган шаҳрида ўзи орзу қилган «Дармон» хусусий тиббиёт клиникаси фаолиятини йўлга қўйди. Бу орқали Собитжон 27 нафар фуқарони доимий иш билан ҳам таъминлади.

5 019 та лойиҳага 8
миллиард сўмдан ортик
маблағ ажратилди

Юртимиз ёшларини тадбиркорлик фаолиятини билан шугулланишга фаол жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, иктидорли ўғил-қизларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассислар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, бир сўз билан айтганда, уларни ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида 2018 йил 27 июнь санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Қувонарлиси, бугун дастур доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузурида ташкил қилинган «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси Собитжон Жўраев каби янгилликка интилувчан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларига яқиндан қўмаклашиб келмоқда.

— Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап-ғоялари ва лойиҳаларини реализация қилиш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талаб-номаларини бирламчи кўриб чиқиш ва

танлаб олиш махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади, — дейди «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси ижро этувчи директори ёрдмчиси Қасҳамон Мауленов. — Қиймати 2 миллиард сўмдан юқори бўлган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш эса Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилгандан сўнг тасдиқланади. Ҳозирги кунда жамғарма кўмаги билан ташаббускор ёшларнинг бизнес-режаларини амалга ошириш учун уларга йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредитлар ва 5 йил муддатга 12 ойгача имтиёзли давр билан мол-мулк лизингга берилмоқда. Агар лойиҳа эгасининг етарли маблағи бўлмаса, унга кафилиятни ҳам жамғарма ўз зиммасига олади. Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, бугунга қадар жамғарма маблағлари ҳисобидан 5 019 та лойиҳага жами 8 миллиард сўмдан ортик миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада республика бўйича 26 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Жўмладан, 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 373,2 млрд. сўмлик 1710 та

қилинди.

— Анча вақтдан буён тадбиркорлик билан шугулланишни мақсад қилиб юрардим, — дейди Ирода Хошимова. — Қувонарлиси, «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси уйиб ташаббусимга «лаббай» дея жавоб бериб, менга яқиндан кўмак берди. Бугунги кунда «AVTO BEST SCHOOL» инновацион автомактабимизнинг 1 босқичида 225 нафар ёшлар ўқиш имконига эга. Қолаверса, ҳар бир гуруҳда 1 нафардан ижтимоий химояга мухтож ёшларни бепул ўқитиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, лойиҳа ишига тушигач, 12 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Иш керакми? Муаммосиз!

Дастурнинг ёшларга бераётган яна бир имконияти, бу шубҳасиз, минглаб интилувчан ўғил-қизларни ўз бағрига жалб қилган ва уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш билан бир қаторда бандлигини таъминлашга хизмат қилаётган «Yosh tadbirkorlar» қоворкинги марказлари ва «Yoshlar mehnat guzari» комплексларидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



лойиҳа реализация қилиниб, 5,6 мингдан ортик янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, 47 та ёш тадбиркорнинг 16,1 млрд. сўмлик лойиҳаларига жамғарма кафилиги тақдим этилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига қўмаклашилди.

Инновацион автомактабда
ижтимоий химояга мухтож
ёшлар бепул таълим
олмоқда

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани «Хастимом» маҳалласида яшовчи Ирода Хошимова бошқа қизлардан фарқли ўларок, техникага қизиқади. Айниқса, болалигида дунёга машҳур автомобилларнинг маркаларини йиғиш унинг жону дили эди. Эътиборли жихати, у ана шу ишқибозлиқни тадбиркорлик соҳасига йўналтиришни мақсад қилди. Ўзининг инновацион мактаб очиш бўйича бизнес лойиҳасини «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасига тақдим этди. 2019 йил 31 май куни жамғарманинг Учтепа туман филиали кўмаги билан 265 млн. сўм банк кредит маблағларини олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига ўқув автомобиллари, автосимулятор ҳамда зарур жиҳозлар харид

Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бугунга қадар республика бўйича 19 та ана шундай қоворкинги-маркази ҳамда 125 та гузар фойдаланишга топширилиб, уларда жами 1 814 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, 2019 йил якунига қадар яна 35 та «Yosh tadbirkorlar» қоворкинги маркази ва 200 та «Yoshlar mehnat guzari» комплекслари ёшлар ихтиёрига берилиб, уларда жами 6 мингга яқин янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Оққўрғонлик қизга нега
кредит берилмаяпти?

Соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Тошкент вилояти Оққўрғон туманида яшовчи Шахноза Эргашева дастур доирасида 2019 йилнинг март ойида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасига кредит сўраб мурожаат қилган. Бироқ жамғарманинг туман филиали ходимлари ташаббускор ёшнинг лойиҳаси учун керак бўлган маблағ ажратилишини 5 ой давомида «эртага ҳал бўлади, индинга ҳал бўлади» қабилда ортага суриб келмоқда. Хўш, нега?

— Ёшлар ўз бизнес-режаларини йилнинг 25 декабрь санасидан кечиктирмасдан Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш республика комиссиясига топиришлари лозим, — дейди «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси Тошкент вилояти Оққўрғон туман филиали раҳбари Суннат Жалолов. — Давлат дастури доирасида туман ва шаҳарларда реализация қилинадиган бизнес ташаббуслар, стартаплар ҳамда лойиҳаларнинг манзилли рўйхати тасдиқланади. Тасдиқланган рўйхатга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш Республика комиссияси билан келишилган ҳолда комиссиялар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу сабабли 2019 йил 19 мартида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси Оққўрғон туман филиалига «Автомобилларни ювиш ва техник хизмат кўрсатиш шохбчаси ҳамда пластик ром ясаш» фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида жами 210 млн. сўмлик лойиҳа билан мурожаат қилган фуқаро Шахноза Эргашевага 2019 йилги манзилли рўйхат тасдиқланиб бўлганлиги учун маблағ ажратилмади. Аммо унинг тадбиркорлик лойиҳаси келгуси йилги манзилли рўйхатга киритилган.

Бир сўз билан айтганда, «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси замонавий билим ва кўникмага эга, мамлакат келажаги учун жавобгарлиқни ўз зиммасига ола билладиган, етук, мақсад сари интилувчан ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этишга шарафит яратиш ҳамда истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча эзгу ишларни амалга оширмоқда. Бу сазй-ҳаракатлар яқин келажакда ўзининг ижобий самараларини беради, албатта.


Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси филиаллари орқали 643 нафар ёшга 51,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилишига қўмаклашилди. Натижада, кейларда 1 360 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, «Yoshlar – kelajagimiz» дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган 2300 нафардан ортик ёш тадбиркор иштирокида 193 та туман (шаҳар)да улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Жорий йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон 3,4 млрд. долларлик олтин сотди.

УЛУҒ САФАР САОДАТИ:



Ўзбекистон ҳожиларга яратилган шарт-шароитлар бўйича дунёнинг энг илғор бешта давлати қаторида

Умри давомида бир марта Умрага, бир марта Ҳажга бориб, Мадина мунавварада Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг раъзаи шарифларини зиёрат қилиш, Масжидун Набавийда бошини саждага қўйиш, Маккаи мукаррамани зиёрат қилиб, Раббимиз фарз қилган ҳаж амалларини бажариш ҳар бир мусулмон ва муслимининг орзуси саналади. Мамлакатимизда юртдошларимизнинг ана шундай орзуларини рўёбга чиқариш йўлида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ҳаж сафари нархи арзонлаштирилди

Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби диний-маърифий йўналишда ҳам туб ислохотларга қўл урилди. Жумладан, Ҳаж ва Умра амалларини адо этишга зарур шароит ва кенг имкониятлар яратиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина 2016 йилда беш минг нафар зиёратчи Ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилдан буён уларнинг сони икки минг нафарга кўпайиб, умумий кўрсаткич етти мингга ошгани катта ютуқ бўлди. Илгари Умра зиёратига фуқароларимиз чекланган квота асосида юборилган бўлса, ўтган йилдан эътиборан уларнинг йил давомида квотасиз Умра зиёратига юбориш имконияти яратилди.

Мўмин-мусулмон борки, Ҳаж ибодатини адо этишни орзу қилади. Аммо ҳаммамнинг ҳам бунга қурби етавермайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларига асосан, фуқароларимизга Ҳаж ва Умра сафари мобайнида кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш, сарф-харажатларни арзонлаштириш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Саудия Арабистонидаги ширкатлар билан музокаралар олиб борилди.

Бунинг натижаси ўларок, Саудия Арабистонида барча турдаги хизматларга 5 фоизлик қўшимча қиймат солиғи ва меҳмонхоналарга 2,5 фоизлик солиқ киритилган, хизмат кўрсатиш нархлари ошгани ҳолда, ўзбекистонлик

зиёратчилар учун белгиланган хизматлар нархи сезиларли даражада туширилгани, бу йилги Ҳаж мавсуми учун сарф-харажатлар ўтган йилга нисбатан 5 миллион сўмга арзонлаштирилгани барчани бирдек қувонтирди.

Бу йил етти мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж ибодатини адо этди

Бу йилги Ҳаж мавсумида Ўзбекистондан жами етти минг нафардан зиёд мўмин-мусулмон юртдошимиз ҳаж ибодатини адо этишди. Уларга 35 нафар ишчи гуруҳи, 35 нафар шифокор, 15 нафар ошпаз ҳамда 140 нафар гуруҳ раҳбари аъло даражада хизмат кўрсатишди. Куни кеча ўзбекистонлик ҳожиларнинг дастлабки гуруҳи таркибда «Жидда — Тошкент» йўналиши бўйича юртимизга қайтган ватандошларимизнинг юз-кўзларидаги қувончдан ҳам буни англаш қийин эмас эди.

Ҳожиларимизнинг тилидан бол томиб яратилган шароит ва имкониятларини эътироф этишлари бежиз эмас. Зеро, Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги томонидан Ўзбекистон ҳожиларига яратилган шарт-шароитлар бўйича Малайзия, Индонезия, Туркия сингари биринчи бешталик давлатлари сафига киритилди. Ушбу эътироф ҳам бу йил Макка ва Мадина шаҳарларида ҳожиларимиз учун яратилган шароитлар ва хизматлар сифати аввалги йилларга нисбатан анча юқори бўлганини кўрсатиб турибди.

Замонавий меҳмонхона, қулай транспорт

Бу йил зиёратчилар Мадина шаҳрида биринчи маротаба «Масжид ан-Набавий»дан 50 метр узоқликда жойлашган беш юлдузли «Pullman Zamzam» меҳмонхонасига жойлашди. Макка шаҳрида эса Ҳарамдан оқ бўлмаган тўрт юлдузли «Abroju Hidoya» меҳмонхонасининг барча шароитларга эга хоналарида истикомат қилишлари йўлга қўйилди.

Шу ўринда, биргина «Abroju Hidoya» меҳмонхонасида юртдошларимизга яратилган шароитларга тўхталиб ўтсак, Аввало, барча хоналар тўрт кишилиқ қилиб тайёрлангани, ҳар бир

хона совуткич, музлаткич, стол-стул, журнал столи, телефон, телевизор ва замонавий мебеллар билан жиҳозланганини таъкидлаш керак. Меҳмонхонанинг 4 та буржи (биноси) ўзбекистонлик ҳожилар ихтиёрига берилди. Ҳар бир бурж 23 қаватдан иборат. Меҳмонхона ошхонасининг умумий сифими 3 минг 850 та ўринга эга бўлиб, зарур ҳолларда икки сменали жадвалда ҳожиларимизга хизмат кўрсатилди. 3 маҳал иссиқ овқат (шпириликлар, мевалар, сутли маҳсулотлар) тақдим этилди.

Зиёратчилар меҳмонхонадан Ҳарамга катнашлари учун янги русумдаги автобуслар ҳар куни, 24 соат

давомида хизмат кўрсатди. Бу йилги Ҳаж мавсумидаги ютуқлардан бири ҳам Маккаи мукаррамадаги меҳмонхонадан «Масжидул ҳаром»га элгувчи автобусларнинг тўғридан-тўғри Ҳарам шарифдаги «Марва» бекатига олиб бориб қўйиши бўлди. Олдинлари бу йўналишда иккита автобуга чиқишга тўғри келарди.

Тайёргарлик ишларининг эрта бошлангани аини муддао бўлди

Арафот майдонида ўзбекистонлик ҳожилар учун ажратилган хайма (чодир)ларда яратилган шароитлар ҳам эътиборга молик. Улардаги қулайликлар бир неча юлдузли меҳмонхоналардаги имкониятлардан асло қолишмайди. Ҳар бир чодир коммуникация тармоқларига уланган. Ўтган йиллардагидан фаркли ўларок, бу йил ўзбекистонлик ҳожилар кўним топадиган Арафот майдонидаги хаймаларни салқинлаштириш мақсадида ҳамкор ширкатлар томонидан жами 175 донга янги, замонавий кондиционерлар ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги Ҳаж мавсумига тайёргарлик ишлари нисбатан эрта бошланиб, юқори тажрибага эга ширкатлар билан шартномалар тузилгани, энг замонавий меҳмонхоналар ижарага олингани аини муддао бўлди. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаж амалларини муваффақиятли, тўлақонли бажариши ва мамнун ҳолда Ўзбекистонга қайтиб келишларига замин яратмоқда. Сўзимиз сўнггида ҳаж амалини адо этиб келган ҳожилар буви ва буваларимиз кейинги фаолиятларида ҳам яхши амаллари билан барчага ўрнак бўлишни ҳамда Ҳаж зиёратига боришни ният қилганлар орзу-умидларига етишишларини тилаб қоламиз.

Саиджамол МАСАЙТОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари
идораси Халқаро бўлими ходими.

ДАРВОҚЕ...

Ҳожиларни қандай кутиб олиш керак?

УЛАМОЛАР АГАР ҲОЖИ ҲАЖГА БОРГАНИНИ ХАЛҚКА ОВОЗА ҚИЛИШ ВА ШУ ОРҚАЛИ ШУҲРАТ ТОПИШНИ КЎЗЛАБ МЕҲМОН ЧАКИРСА, БУ, АЛБАТТА, РИЁДИР ДЕГАНЛАР

Аллоҳ таолога беадал шукрлар бўлсинки, яқин фурсатларда азиз ватандошларимиз исломнинг бешинчи устуни ва фарзи саналмиш Ҳаж амалини бажариб, бағримизга қайтишди. Улардан дуо олиш, Байтуллоҳ, Арафот, Мино ҳақида, шунингдек, жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг масжидлари ҳамда раъзалари ҳусусида эшитиш мақсадида узоқ-яқиндан қариндош-уруғ, танишу нотанишлар ҳожиларнинг зиёратига чоғланади.

Табиийки, урф-одатларимизга кўра, ҳожиларни кутиб олиш учун дастурхонлар ёзилади. Аслида халқимиз «ҳожилар тўй» деб атайдиган бундай йиғинлар динимизда мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, сўнгги пайтларда «ҳожилар қачирди» ва «ҳожилар тўй»лар кўпаймоқда. Мазкур зиёратларнинг эса фойдали жиҳатларидан кўра зарарли оқибатлари кўпроқ. Жумладан, уламолар агар ҳожиларга борганини халққа овоза қилиш ва шу орқали шукрат топишни кўзлаб меҳмон чақириб, йиғин қилса, бу, албатта, РИЁДИР деганлар.

«Ҳожилар тўй»ларнинг яна бир салбий жиҳати ундаги исрофгарчилик ва зиёфатда ҳалдан ошинишидир. Динимизда ҳар қандай амалда мўътадилликка риоя этиш тарғиб қилинади, исрофгарлик эса қаттиқ қораланади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: «Қариндошга, мусулманга ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтоннинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди» (Исро сураси, 26-27-оятлар). Яна бир оятда эса: «Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) эҳсон қилганларида исроф ҳам, ҳасислик ҳам қилмаслар, (нутган йўллари) бунинг ўртасида — мўътадилдир» (Фурқон сураси, 67-оят) дейилади.

Демак, ҳожиларимизни кутиб олар эканмиш, манманлик, кибр ва мактаниш билан, «одамлар кўриб қўйсин ҳожилар бўлганимиз» ёки «ота-онамнинг ҳожилар бўлганини ҳамма билсин» деган фикрлардан ироқ бўлиб, исроф, такаббурилик ва гурурдан холи, Аллоҳ таолонинг шариати ва Пайғамбаримиз суннатларига мос амалларни кўпайтириш ҳақиқий ҳожиларга ҳосилдир. Чунки Ҳаж амалини бажариб, эсон-омон Ватанига қайтган мусулмон ўзгаларга ибрат ўларок ҳаёт кечирмоғи, такводор кишилардек амал қилмоғи лозим.

Саидабдор УМАРОВ.

«Темурбеклар мактаби» ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ойлик маоши ошади.

Яқинда АҚШда кўплаб қурбонларга олиб келган отишмалар юз бергани юртодошларимиз ўртасида мамлакатимизда қуроладан фойдаланишга рухсат берилиши бўйича ваҳималарнинг бироз кучайишига сабаб бўлди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 29 июль куни имзоланган Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонун ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг эркин ҳолда турли қуролларга эга бўлишига имкон яратадими? Бундай ҳавотирлар қанчалик асосли?



«Қурол тўғрисида»ги қонун бизга нима беради?

Нимага рухсат берилди?

— Қурол ва ўқ-дорилар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мулкни ҳимоя қилиш ҳамда жамоат ҳафсизлигини таъминлаш мақсури қонуннинг мақсади ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар бошқармаси назорат-рухсат бериш фаолияти бўлими бошлиғи, лейтенант Қасҳамон Бегимқулов. — Қонунга мувофиқ, қуроллар мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсифларига кўра фуқаровий қурол, хизмат қуроли ва жанговар қурол турларига бўлинган ҳамда уларга қиммат қилиниши мумкин, қандай шартлари бор, ҳаммаси белгиланган бўлиши керак. Одамларни таъминлаш соҳасида нарса фуқаровий қуроллари экани маълум. Улар қандай қуроллар? Янги қабул қилинган қонунда ов қуроли, спорт қуроли ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли фуқаровий қурол сифатида белгиланган.

тида белгиланган.

Аслида бугунги кунгача ҳам фуқароларнинг мазкур қуролга эга бўлишига ҳеч қандай ҳуқуқий чеклов йўқ эди. Янги қонун эса буни умумий тартибга солади. Ҳатто маълум даражада чеклайди ҳам. Мисол учун, шу кунгача пневматик милтик, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ баллончалари қурол жумласига киритилмаган. Бу каби воситалар ҳеч қандай рухсатномасиз дўкандан сотиб олинган ва кўчада бемалол олиб юрилган. Қонун кучга киргач, хизмат қуроллари, фуқаровий қурол сифатида ов ва спорт қуроллари қатори ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроллари (электрошокер, газ пушқалчи каби) ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан берилган рухсатнома асосида сотиб олинади. Шунингдек, қуролларни кўчада очик ҳолда олиб юриш тақиқланади.

— Қонун кучга киргандан кейин фуқароларнинг қуролга эга бўлиш тартиби энгиллашадими ёки оғирлашадими, деган савол туғилиши табиий, —

дейди Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Абдулҳамид Омонов. — Шубҳасиз, оғирлашади. Шу пайтгача Ички ишлар вазирлигининг махсус низоми билан бу борадаги тартиб йўлга қўйилган ва унга ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан ўзгартириш киритиш мумкин эди. Қонунга ўзгартириш киритиш эса бирмунча мураккаб ва у қўллаб жараёнларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай шахс қуролга эга бўлиши мумкинми?

18 ёшга тўлган фуқаролар спорт ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини, 21 ёшга тўлган фуқаролар ов қуролини олиш ҳуқуқига эга. Аммо муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар, жиноий жазони ўтаётганлар, доимий яшаш жойига эга бўлмаганлар, жиноят иши қўзғатилганлар ва илгари қурол билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларда бундай ҳуқуқ йўқ.

Фуқаровий ва хизмат қуроли Миллий гвардия органлари-

нинг 3 ойлик рухсатномалари асосида олинади. Мазкур рухсатнома қуроли ва унинг ўқ-дориларини олиш, рўйхатдан ўтказилганига қадар уларни ташини ва сақлаш ҳуқуқини беради. Қурол олингандан сўнг 10 кунда Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилади ҳамда қуролини сақлаш ва олиб юриш учун 3 йиллик рухсатнома берилади. Рухсатнома олиш учун фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича Миллий гвардия органига тегишли ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Қуролни истаган жойда олиб юриш мумкинми?

Фуқаровий қуролларни олиб юриш мумкин бўлмаган жойлар белгиланган. Мисол учун, фуқаро ўзини ўзи ҳимоя қилиш

«Қурол олингандан сўнг 10 кунда Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилади ҳамда қуролни сақлаш ва олиб юриш учун 3 йиллик рухсатнома берилади.»

қуролини рухсатномаси билан бирга кўчада олиб юриши мумкин. Лекин оммавий тадбирлар пайтида, кўнгилочар ва ҳордик чиқариш жойларида, таълим, тиббиёт муассасаларида, шунингдек, маст ҳолдаги фуқарога гарчи унда қуролга эгалик қилиш ҳуқуқи бўлса-да уни олиб юриш тақиқланади.

Ов қуролларидан ов қилиш мўлжалланган жойларда, аҳоли яшаш ҳудудидан узоқда, ов мавсуми пайтида фойдаланишга рухсат этилади. Бошқа пайтда эса ов қуроли унга эгалик қилувчи шахснинг уйида алоҳида сейфда қисмларга ажратилган ҳолда сақланиши керак. Сейфнинг қалити фақат қуролнинг эгасида бўлади. Фарзандлари ёки бошқа яқинларига бериши мумкин эмас. Спорт қуролларидан ҳам фақатгина спорт машғулотлари ва мусобақалар чоғида фойдаланиш мумкин.

Самолёт ва поездда-чи?

Қуролларни рухсатномани кўрсатган ҳолда самолёт ёки поездга ёйлоғда олиб чиқишга йўл қўйилади. Албатта, қуролни ёнида олиб юришга рухсат берилмайди, юкхонага топширилиши шарт.

Қандай вазиятда пневматикадан фойдаланилади?

Жиноят кодексига «заруррий мудофаа», «охирги зарурат» деган тушунчалар бор. Дейлик, пневматик қуролга эга бўлган шахсга тажовуз бўляпти. Айни вазиятда у ҳужумни кучи билан қайтара олади. Бунда қуролни ишга солиш чекланади. Бу ҳолатда ушбу тартибга амал қилмаслик тегишли тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Нима бўлганда ҳам ҳавф даражасига қараб иш тўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, икки фуқаро кўчада уришиб қолди. Иккаласида ҳам қурол бор. Биринчиси иккинчисига нисбатан қурол билан таҳдид қилди. Бу вазиятда иккинчи шахс ўзига бўлган ҳужумни бошқа йўл билан қайтаролмайди, қуроладан фойдаланишга тўғри келади. Агар қурол орқали бошқа шахсга зарар етса, қурол эгаси мазкур ҳолат бўйича ҳудудий ички ишлар органига хабар бериши шарт.

Шу билан бирга, ҳомилдорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан фуқаровий ва хизмат қуролини қўллаш тақиқланади.

Хулоса ўрнида

Мухтасар айтганда, шу вақтга қадар эркин олиб юрилиши мумкин бўлган қурол энди назорат остида бўлади. Қонун кучга киргач, Ўзбекистонда ҳам ўқотар қуроллар эркин сотилади, уларни бемалол олиб юриш мумкин, чет эллардаги-дек отишмаларга сабаб бўлади, деган ўй-хаёллар асоссиз. «Қурол тўғрисида»ги қонун аслида ҳавфли вазиятларни вужудга келтиришга эмас, бизни улардан ҳимоялашга қаратилган.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

АҚШ фуқароларида қанча қурол бор?

АҚШда фуқаронинг қуролланиши Конституцияга биноан ҳимояланади. 2017 йилда ўтказилган сўровга кўра, америкаликларнинг 40 фоизи хонадонларида қурол сақлашларини маълум қилишган. АҚШ фуқаролари қурол сақлашда жаҳонда етакчи саналишади. Мисол учун, бу ерда ҳар 100 фуқарога 120 дона қурол тўғри келади. Расмий хабарга кўра, ҳар 100 нафар фуқародан 88 таси ўз қуролига эга.

Жаҳон давлатлари орасида АҚШ қурол ёрдамида оммавий қирғин уюштирилаётган биринчи рақамли мамлакат. Мисол учун, 2016 йилда 11 минг нафар фуқаро маъна шундай фалокат қурбони бўлган. Уларнинг аксарият қисми бегуноҳлар ва болалардир.

Сўнгги 60 йилда АҚШ фуқароларининг қуролга нисбатан фикрлари ўзгариб келди. Гулур таҳлил ва сўров компанияси маълумотларига кўра, 2003 йилларда фуқаролар қурол олиб юриш ҳақида ижобий фикрда бўлишган. Ўшанда сўровдагиларнинг 50 фоизидан ошмиги ҳукуматнинг фуқароларга қуроладан фойдала-

ниш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлашларини билдиришган. Ўша йилларда иштирокчиларнинг 35 фоизи қурол сақлаш ҳуқуқини бекор қилиш тарафдори бўлган.

2012 йилдан бошлаб аҳолининг фикри ўзгара бошлади. Бугун иштирокчиларнинг 39 фоизи қурол олиб юриш сиёсатини маъқулласа, 46 фоизи бу ҳуқуқни бекор қилиш учун овоз берган. Аммо халқнинг овози ва хоҳиши ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

АҚШ «Ўқчилар жамияти» ҳар йили қурол сиёсатини муостаҳкамлаш учун 3 миллион доллар сарфлайди. Бу жамиятнинг фикрига кўра, фуқароларга қуроладан эркин фойдаланиш ҳуқуқини бериш жамият ҳавфсизлиги ва тинчлигига хизмат қилади. Албатта, бу жамият қурол савдосидан ҳам яхшигина даромад олади. Биргина 2013 йилнинг ўзида фуқаролар учун қарийб 11 миллион нафар ўқотар қуроллар савдога чиқарилган.

Аҳоли ва оммавий ахборот воситаларининг фикрига кўра, АҚШда қурол савдоси жуда йирик бизнесга, ҳукуматга яқин «лоббистлар»нинг даромад манбаига айланиган учун ҳам, бу саноат ривожланиб келмоқда.

«Йилнинг энг яхши тарбиячиси» ғолиблари олий таълим олиш учун имтиёзга эга бўлади.



кишлоғини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда меҳмонхона, халқ кутубхонаси, ёшлар ижодиёт маркази, халқ ўйинлари ва спорт намоёишлари майдончаси, ўтовлар шаҳарчаси, туризм ахборот марказлари, сувенирлар ва хунарандчилик маҳсулотлари дўкони, замонавий санитар-гигиеник шохобчалар, сайёҳлар учун тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси, сунъий шаршаралар ҳамда 7 та мавсумий дам олиш масканларини ташкил қилиш ва бошқа тadbирлар амалга оширилади. Бунинг натижасида 450 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади,

қилиш бўйича масъулиятни ўзиммасига олади. Зеро, меҳмон уйлари қанчалик тўғри ташкил этилса, қўйилган мақсадларга ишончалик тез эришилади. Қолаверса, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Қумушкон» маҳалласи ҳудудида 50 та меҳмон уйи фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг эгалари учун махсус тренинглар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасидан мажбурий ҳудудларни яхши биладиган йўлбошловчиларни тайёрлаш, ҳудудлар бўйлаб экскурсия марирутларини тайкил қи-

мамлакатимизда агротуризмни ҳам ривожлантиради. Этибор берсак, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг табиий ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби жуда юқори. Уйлаيمانки, янги лойиҳа мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавотларни чет давлатларга экспорт қилишга ҳам катта туртки беради.

Интернет сифати сайёҳлар талабига жавоб бермайди

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши

Ўзбекистонда туризм соҳаси янада ривожланади

ЭНДИЛИКДА ЮРТИМИЗДА ТУРИСТИК МАҲАЛЛАЛАР, ОВУЛЛАР, ҚИШЛОҚЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Тошкент метрополитени, Бухоронинг мовий гумбазлари, Самарқанднинг қадим обидалари, Жиззахнинг пурвиқор тоғлари, Фарғона водийсининг гўзал ва бетакрор табиати юртимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳни ўзига мафтун этади.

Сайёҳлар сони янада ортади

Қувонарлиси, сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида чет элликларнинг Ўзбекистонга саёҳат қилишлари анча осонлашди. Бу йўлдаги бюрократик тўсиқлар бутунлай бартараф этилди, турли тилларда сўзлашадиган гид-таржимонлар

туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига мувофиқ, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизга сайёҳлар кизикишини янада ошириш мақсадида туристик маҳаллалар, овуллар ҳамда қишлоқлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Унга кўра, 2019 йилнинг 1 ноябидан эътиборан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда маҳаллалар) рўйхатини шакллантира бошлайди.

— Фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20тадан кам бўлмаган ошлавий меҳмон уйлари яратилган ва сайёҳлар учун қамқода беш хил хизмат тури (яшаиш ва овқатлантириш хизматларидан ташқари) кўрсатилган тақдирда, уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилади, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Экоагро туризм бўлими бошлиғи Баҳром Пардаев. — 2020 йилдан бошлаб эса «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилган фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига кириштилади.

Тошкент вилоятида биринчи «Туризм қишлоғи» ташкил этилади

Лойиҳага кўра, мажбурий ҳудудда 50 та меҳмон уйи, 20 та хонадон негизда этноқишлоқ, 20 та хонадонни ўз ичига олувчи миллий таомлар қишлоғи, 15 та хонадонни қамраб олган хунарандлар қишлоғи, 10 та хонадон жалб қилинган санъаткорлар қишлоғи ва 20 та хонадонда агротуризм

сайёҳлар сони йилига 250 минг (хорижий сайёҳлар 60 минг) нафарга, туризм хизматлари ҳажми эса 50 миллиард сўмга етказилади ҳамда бюджетга солиқ тўловлари қўшимча йилига 3 миллиард сўмдан тўланиши таъминланади.

«Қумушкон» маҳалласида 50 та меҳмон уйи қурилади

— Бугунги кунда дунё бўйича 30 мингта туризм қишлоғи бор, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходими Санжар Имомов. — Жумладан, қўйиш Қозғистонда 4 та, Тошкис-

«Бундан ташқари, селфи зоналарни яратиш, интернет тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали Қумушконга келаётган сайёҳлар сони янада ошириш мумкин.

тонда эса 1 та ана шундай қишлоқ очилган. Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси «Туризм қишлоғи» лойиҳасини амалга оширишда меҳмон уйлари фаолиятини тўғри ташкил

лиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, селфи зоналарни яратиш, интернет тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали Қумушконга келаётган сайёҳлар сони янада ошириш мумкин.

Олтиариқ узуми, Қува анори, Наманганнинг олмаси...

Айтиш лозимки, ушбу лойиҳанинг амалиётга таътиқ этилиши ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилайди. Юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи аҳолининг урф-одат ва анъаналари, яшаш тарзи, умрбоқий кадриятларини дунё бўйлаб тарғиб этиш, дурадгорлик, чилангарлик, дўппидўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги каби қўллаб-қўллаб қўйилган ҳунарларимизни янада ривожлантириш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини ошириш имконини беради.

— Бутун дунё юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини эътироф этади, — дейди Санжар Имомов. — Олтиариқ узумлари, Қува анорлари, Наманганнинг олмаси ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожасти йўқ. Айтиш мумкинки туристик маҳаллалар, овуллар, қишлоқларнинг пайдо бўлиши

одамларни дунё бўйлаб эркин ва мароқли саёҳат қилишига имкон бери. Бугунги кунда сайёҳлар керакли тугмачани босиш орқали узоқдаги яқини билан мириқиб суҳбатлашиши, зарур маҳсулотга пул тўлаш, керакли маълумотни бир зумда қўлга киритиши мумкин. Агар интернет бўлса, албатта. Шу нуктага назардан олиб қараганда, глобал тармоқдан тез ва осон фойдаланиш саёҳатчининг ушбу мамлакат ҳақидаги таассуротларини яхши ёки ёмон томонга ўзгартириши турган гап.

Аммо тан олиш лозим, бугун биз бу жиҳат билан мактана олмаймиз. Нафакат юртимиздаги чекка қишлоқлар, балки йирик шаҳарларда ҳам интернет сифатини юқори деб бўлмайди. Яқинда Ирландиянинг Ookla компаниясига тегишли Speedtest.net интернет-сервиси 2019 йил июнь ойи якунлари бўйича жаҳонда мобил ва симли интернет тезлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган Speedtest Global Index ойлик рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон мобил интернет тезлиги бўйича ўз позициясини янада пасайтирди ва 9,63 Мбит/с. тезлик билан 132-ўринни эгаллади. Шунингдек, симли интернет тезлиги бўйича 17,07 Мбит/с. тезлик билан 177 давлат орасида 116-ўриндан жой олди. Бундан қўринадики, ҳали ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Агар мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантиришни истасак, интернет тезлигини ошириш, Ўзбекистонни жаҳон рейтингидagi ўрнини яхшилаш зарур.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Ҳаёт қишлоғида чет эллик сайёҳлар учун «Туризм қишлоғи» ташкил этилган. Ҳар йили бу ерга дунёнинг кўплаб давлатларидан ўртача 15 мингта яқин сайёҳ ташриф буюриб, юртимизнинг бетакрор табиатидан баҳраманд бўлмоқда. Қолаверса, лойиҳа орқали ҳудудда яшовчи аҳоли бандлиги таъминланиб, қишлоқ инфратузилмаси яхшиланмоқда.

мактаби шакллантирилди, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари такомиллаштирилди. Кўплаб чет давлатлар фуқаролари учун виза бекор қилинди.

Эътиборли жиҳати, бугунги кунга қелиб, тизимдаги ислохотлар янада жадаллашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ҳиндистоннинг «Vistara» авиакомпанияси журналининг июль ойи сонига Бухоро шаҳрининг тарихи, маънавий-маданий бойлиги ҳамда сайёҳлик салоҳияти ҳақида батафсил хикоя қилувчи мақола чоп этилди. Унда муаллиф Бринда Гил кўҳна кентини Буюк Инак йўли марказидаги маданиятлар ва цивилизациялар чоррахаси сифатида алоҳида эътироф этади. Жумладан, журналист шаҳарнинг 140 дан ортиқ меъморий мажмуаси, Бухоро ғиламлари ва халқ амалий санъатининг ноёб асарлари сотиладиган анъанавий бозорлар ва кўчалар ҳақида сўз юритади.

Сирдарё вилоятида туристик ахборот марказлари очилмоқда.

Болалигимизда ёлланма ишчи (ёки мардикор) тушунчасини тасавуригимизга ҳам сиғдира олмасдик. Айниқса, уй-жой тиклашда. Пойдевор ишлари ҳашар билан битарди. Фақатгина дурадгор хизмати тўловли эди. У ҳам келиб, синч, қалама, йўғи, заборав ва болорларни қотирарди-да кетарди. Шундан кейинги кулўқчин(ғиштин иморатда қаламалар орасини хом ғишт, гувала билан тўлдириш), панжакаш, андава, том ёпиш ишлари бари ҳашар билан битарди.

Кўча вакили бўлган отам кўпинча ҳашар хабарига «ёғи енгил» деб мени югуртирардилар. Ҳали кишлоқ катта ариғини қазиб, ҳали йўл йиғидаги янтоқларни чопиш, қабристонни тозалаш ёки бирор маҳалладош тўй-маъракасида стол ташиш...

Бирор марта бўлса-да, ёши улуг кишиларнинг ҳам мен болакайга «ҳашарга бормаймиз, бор тошингни тер» деган гапини эшитмаганман. Дарвоқе, бир гал шунга ўхшаш воқеа бўлганди. Айни ҳашарга чакриб борганимизда, эндигина уйланган йиғит хотин томондаги қариндошиникида тўй борлигини айтиб узрини сўраганди. Ишонмайсиз, ўшандан сўнг бир йилча вақт давомда ўша йиғитни маҳалладошидан хотинининг қариндошларини устун қўйди, дея давраларига яқин олишмади.

Нари-бериси 20-22 йил илгари бўлган бу одағлар баъзилар учун эртақдек туюлиши мумкин.

Ҳа, давр ўзгарди. Шунга мутаносиб равишда одағлар, кадрятлар ҳам... Энди бировнинг уйига бошқани ҳашарга чакролмайсиз. Жавоб тайин: «ўзи яшайдиган уйни ўзи қурсин...» Энди бировни мажбурлаб ҳашар ҳам қилолмайсиз.

Шу даражага бориб етдикки, эндиликда бирор тугул, ўз хонадонимиз атрофинида тозалаш баъзи ўринларда эриш туюлиб қоляпти.

Худудларда «Обод кишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида катта қўламда бунёдкорлик ишлари олиб борил-



Обод қилиш МАЖБУРИЙ МЕХНАТМИ?

КАДРИЯТЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

моқда. Мактаб, боғча, оилавий поликлиника, маҳалла идораси замонавий дизайнда қайта қурилмоқда. Йиллар давомида техника қирмаган йўллар капитал таъмирланмоқда. Электр тармоғи янгиланмоқда. Ичимлик суви олиб келинмоқда. Ҳаммом, болалар майдончаси, савдо расталари тармоғи ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Бирок кишлоқ фақатгина давлат томонидан қурган иморатлар билангина обод бўлмайди. Обод кишлоқдаги хонадонлар кўриниши, оилалар ички муҳити ҳам обод бўлиши керак.

раиси, кўча вакилларининг ўз хонадони атрофини тозалаш, тартибга келтириш борасидаги даъвати, ундовини мажбурий меҳнат дея бонг уради.

Ободонлаштириш мажбурий меҳнат бўлса, уни қонунийлаштириш керак

Сўнгги вақтларда қабристон, кўчаларда ўтказилган ҳашарлар «мажбурий меҳнат» номи остида ижтимоий тармоқларда кўлаб муҳокама, танқидларга сабаб бўлмоқда.

«Қабристонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларда ҳар бир оилага ўз пушта жойларини тозалаб туриш бора-сидаги мажбуриятлар хусусида банд қилиниши, тегишли чораларни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.»

Шу боис, кишлоқни обод қилиш учун катта-катта маблағ сарфлаган давлатнинг ушбу кишлоқ аҳолисида талаби битта бўляпти. У ҳам бўлса ўз уйи, ўз хонадони, ўз ховлисини тартибга келтириш.

Аммо натижа-чи. Кун бўйи кўчада тўланиб нарда ва карта ўйнаган эркаклар хонадонининг ташқи фасади бўялмаганига вақти йўқлигини пеш қилади. Бутун бошли томоркасини беғона ўт бостириб қўйган сўлокмондай йиғитлар томи шифер қопланмаганига маблағ йўқлигини рўқач қилади. Маҳалла

Хусусан, «Troll.uz» сайти томонидан бонг урилган Бухородаги Ҳазрати Имом қабристонидан олиб борилган ҳашар ишларининг мажбурий меҳнат эканини кейинчалик кўпчилик блоггерлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Аммо савол тугилади. Ўша блоггер мазкур қабристонда ётган яқинлари ва қариндошларининг қабрлари атрофини бирор марта тозалоганими? Жавобнинг қониқарсизлиги эса ҳеч кимни қизиқтирмайди. Факт шу: ўз яқинининг қабрими ё ўз кўчасинини ҳокимлик томонидан марказлашган ҳолда тозалаш ишларига жалб этилган экан, ушбу ишлар бирор қонун ёки қарорда киритилмаган экан, демак у МАЖБУРИЙ МЕХНАТ!

Масаланинг яна бир жиҳати борки, ҳуқуқларимизни пеш қилиб, тозалик ишларига беварқ бўлиб турсак, ана шундай бошбошдоқликлар натижасида худудлар ободлигига путур етиши мумкин. Шу боис ҳашар ва ободончилик борасидаги кадрятларимиз бугун эскиликка айланган бўлса, у ҳолда ишлайдиган Қонун нормаларини ишлаб чиқиш, ижрога йўналтириш керак!

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг худудларда тозалаш,

ободонлаштириш ишларини ташкил этиш борасидаги Қарори қабул қилиниб, ана шу қарор асосида ҳар бир шаҳар, туманининг ички имкониятлари, ўзига хослигидан келиб чиқиб худуд бош меъморий қиёфаси, санитария талабларини белгилловчи Низомлар ишлаб чиқиш керак. Муайян шаҳар ёки туман Низомиди ҳар бир хонадон (ҳеч бўлмаса ташқи қисми) учун ободонлаштириш, архитектура нуқтаи назаридан аниқ талаблар, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган чоралар, жарималар миқдори ҳам белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ.

Тўғри, уй-жой шахсий мулк, дахлсиз бўлиши мумкин, аммо у муайян шаҳар ёки туман худудиди жойлашган экан ўша худуднинг умумий қондаларига ҳам риоя этилиши шарт ва зурурдир.

Шунингдек, ушбу Низомда фермер хўжаликлар, ташкилотлар, корхона-муассасаларнинг ўз худудлари, унинг атрофини тозалаш ва ободонлаштириш борасидаги мажбуриятларини қиритиш талаб этилади. Негаки ҳар бир ташкилот-муассаса ҳам ўзига хос оила. Қолаверса, ердан, бинодан фойдаланган субъект унинг ободончилиги мажбуриятини ҳам олиши керак. Ана шунда тозаланадиган барча худудлар ўз эга-эгасини топади. Бюджет ташкилоти ҳодимлари овора бўлиб фермер худудидан ўтувчи катта йўл ёқасида дарахт оқламайди, йўл қурилиши ташкилотига тегишли бордорларни бўймайди...

Кейин маъмурий жазо ёки оила, ташкилот бюджетига иқтисодий зарар хавфидан қўрқиб ҳам айрим масъуллар ўз уйи, ташкилоти атрофини тартибга келтириш ҳаракатига тушиб қолишади.

Қабристонни тозалаш давлат чекидами?

Сўнгги вақтларда мажбурий меҳнат масаласида мунозараларга сабаб бўлаётган ҳолатлардан яна бири қабристонлар билан боғлиқ. Афсуски, ушбу маскандаги кичик «хонадон-

лар эгалари» ўз атрофини ўзи тозалай олмайди. Улар қўз тутган, бир бор келиб фотиҳа қилишини кутган яқинлари эса, юқорида айтиб ўтилганидек, аждодларини йўқлаш тугул давлат ҳодимлари томонидан қўтарилган ташаббусни қоралашмоқда. Начора, қонуний жиҳатдан улар ҳақ.

Тўғри, қабристонларни тозалаш, ободонлаштириш учун давлат бюджетидан маош олувчи алоҳида ҳодим ажратилган. Аммо бир кишининг қўлидан нима ҳам келади. Қабристон атрофи, йўлакларини тозалаш, у ердаги дов-дарахтларни тартибга келтириш, келиб-кетувчилардан хабардор бўлиш, қурилиш-таъмирлаш ишларига қўмаклашиш... Эпласа, бир киши шу ишларни эплайдида...

Аммо гектар-гектар масофага ёйилган қабрларнинг ҳар бири атрофини тозалашга улгуролмайди. Штатлар сонини кўпайтиришда эса давлат газнаси бўшамайди-ю, аммо бюджетнинг ҳам бошқа ташвишлари, харажатлари бор. Қолаверса, шу бюджет сизу бизнинг солиқларимиздан шаклланади. Давлат бюджетдан кўпроқ харажат қилишини истасак, ўзимиз ҳам даромадимизнинг кўпроқ қисмини солиққа ажратишимиз керак. Бунга эса ҳамма кўнмайди.

Шу боис илгари ота-боболаримиз қилган, бутун унутилган бир кадрятни қонунийлаштириш таклифи этилади. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, қабристонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги ҳужжатларда ҳар бир оилага ўз пушта жойларини тозалаш туриш бора-сидаги мажбуриятлар хусусида банд қилиниши, тегишли чораларни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ана шунда айрим фуқароларимизнинг ўз аждодлари руҳи олдидаги масъулияти қайта уйғониши, отаси етовида борган болаларнинг ўз бобоси, бобокалони, бутун шаҳараси билан танишиши, улар руҳига нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланармиди...

Ақбар РУСТАМОВ
«Mahalla»





Жасур Хайитов Навоий кончилик коллежини тамомлагач, бир муддат ишсиз юрди. Ниҳоят, у «Электрохим» заводи тасарруфидagi «Элкиме-Сувтаминот» корхонасига ишга жойлашди. Бироқ унинг секинчи узоққа чўзилмади. Корхона томонидан 2018 йилнинг декабрь, 2019 йилнинг январь ва февраль ойларида ходимларга маош тўланмади.

Натижада бир гуруҳ ишчилар ўзлари учун ҳисобланган, аммо тўланмай қолган иш ҳақини ундириб беришни сўраб Навоий шаҳар адлия бошқармасига мурожаат қилишди. Ўрганишлар натижасида 37 нафар ходим манфаати юзасидан Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, ишчиларнинг 119 миллион 792 минг сўм миқдоридagi пул маблағлари ундириб берилди.

Ходимнинг ҳуқуқи бузилса иш берувчи жавобгар бўлади

КОНУНИЙ ШАРТНОМАСИЗ, ОҒЗАКИ КЕЛИШУВ АСОСИДА ИШЛАЁТГАН ИШЧИЛАР БЕЛГИЛАНГАН МЕЎРДА МЕХНАТ ҲАҚИ ОЛИШМАЙДИ. УЛАР ТўРТ БОҒ ҒўЗАПОЯ ЁКИ ИККИ АРАВА ЧАНҒАЛОҚ (ЧАНОҚ) ЭВАЗИГА ФЕРМЕРНИНГ ХИЗМАТИНИ ҚИЛАДИ

Боғча ходимларига нега маош тўланмади?

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамай, бугун иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳуқуқлари бузилаётган юқоридаги каби ҳолатлар кўп учраяпти.

Жорий йилнинг апрель ойида Кармана туманидаги 3-сонли «Куёшжон» ва 8-сонли «Пахтаой» мактабгача таълим муассасаларида инвестиция дастури асосида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мазкур даврда фаолияти вақтинча тўхтатилган ушбу боғчаларнинг ишчи-ҳодимларига апрель ойи учун ойлик иш ҳақи тўлаб берилмаган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 159-моддасида ходимнинг айбисиз яроқсиз махсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолingan вақтда унинг ўртача иш ҳақи сакланиши белгиланган. Кармана туман адлия бўлими томонидан шу асосда мактабгача таълим бўлимига тақдимнома киритилди. Ниҳоят, афлат қарор топиб, 3-сонли «Куёшжон» МТМнинг жами 61 нафар ходимга 37 миллион 468 минг 238 сўм, 8-сонли «Пахтаой» МТМнинг жами 37 нафар ходимга 29 миллион 241 минг 438 сўм ойлик иш ҳақи тўлаб берилди.

Фермер хўжалигида маош қанча?

Навоий вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашида ҳудуддаги мавжуд 2,5 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида неча нафар ишчи меҳнат қилаётгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Қарийб 700 минг гектар майдонда ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва

полиэтилен, боғдорчилик каби йўналишларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларининг ҳар бирида 5 нафардан доимий ишчи бўлса, уларнинг сони 12,5 минг нафардан ортиқ бўлади, ёзи экин парвариши даврида яна 10 нафардан мавсумий ишчилар меҳнат қилаётгани ҳисобга олинса, жами ходимлар сони 37,5 минг нафардан ошади.

Афсуски, бу биз ўйлагандек эмас. Чунки аксарият фермер хўжаликлари чопиқчи, сувчи, тракторчи, ҳосил йиғиштирувчи ва бошқалар билан қонуний меҳнат шартномаси тузмасдан, уларни оғзаки келишув асосида ишга ёллабди. Бу иш берувчи, яъни фермер учун асқатади. Масалан, айни мавсумда ишчиларга ҳар бир гектар майдондаги экин чопиғи учун 300 минг сўм, яғана учун 200-250 минг сўм маош берилиши белгиланган. Қонуний шартномасиз, оғзаки келишув асосида ишлаётган ишчилар эса белгиланган меъёрга меҳнат ҳақи олишмайди, улар тўрт боғ ғўзапоая ёки икки арава чанғалоқ (чанок) эвазига фермернинг хизматини қилади.

— Қишлоғимизда яшовчи фермернинг ўлимиз ёнидаги даласида ишлаётган. 30 та эгачи менга бириктирилган, — дейди Кармана туманининг «Арава-хона» маҳалласидан Сурайё Гаффарова. — Шу эгачилардаги ғўза унинг чиққанидан ҳосили йиғилгунча ўзим жавобгарман. Пахта йиғим-терими вақтида фермер пул тўлайди, аммо бошқа пайт бундай эмас. Пахта терими тугагач, ўзимга бириктирилган 30 қаторнинг ғўзапоаяси ва чаногини йиғиб оламман. Рўзгоримга ўтин, чорва молимга озуқа бўлади.

Юртимизда суҳбатдошимизга ўхшаб, маош бермасан-да, ўтин ва чорва озуқаси илмижида фермер хўжалигида тер тўкаётганлар кам эмас. Ачинарлиси эса, бугунги кунда

фермер хўжаликларида ойлик маош олиб ишлаётганларнинг даромади ҳаминқадар бўлиб, уларга нари борса 400-500 минг сўм иш ҳақи тўланади. Бу маошга ким ишлайди? Ўрта ёшли, қўлидан бошқа иш келмайдиган, аммо рўзгори учун пул топишга мажбур одамгина ишлаши мумкин. Ёшлар эса ана шу сабаблар боис фермер хўжалигида ишлашни исташмайди. Натижада фермер хўжаликларида ривожланиш ҳам ўзига яраша бўлади. Чунки ташибус йўқ жойда юқалишга эришиб бўлмайди.

Биргина Навоийда эмас, барча вилоятлардаги аксарият фермер хўжаликларида ахвол шундай. Демак, бу масалада кишлоқ хўжалиги бошқармалари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари, шунингдек, аҳоли бандлигига кўмалашувчи марказлар мутасаддилари ҳамкорликда вазиятни ўнлаш чорасини кўришлари зарур бўлади.

Маҳалла раисларининг маоши ошганди, аммо...

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 5-бандига биноан, фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи жорий йилнинг 1 майдан 1,25 бараварга ва 1 октябрдан 1,2 бараварга оширилиши назарда тутилган эди. Бу нима дегани? Айтайлик, шу пайтгача 1 миллион сўм маош олиб келган йиғин раиси 2019 йил 1 майдан 1 миллион 250 минг сўм, масъул котиб эса 1 миллион 200 минг сўм маош оляпти, дегани. Аслида-чи?

Навоий вилояти адлия бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлиmlари томонидан фармон ижроси манзилли

ўрганилганда, йиғинлар ходимларининг ойлик маошлари, афсуски, ҳалигача оширилмаган ҳолда тўлаб келинаётгани аниқланди. Биргина Хатирчи тумани адлия бўлими томонидан ҳудудда мавжуд 68 та маҳалла раисларининг 12 миллион 448 минг сўм, масъул котибларининг эса 11 миллион 362 минг сўм миқдоридagi маошлари тўланмасдан келинаётгани бўйича туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасига кўра, жами 23 миллион 810 минг сўм маблағ маҳалла йиғинлари ходимларига тўлаб берилди.

Бугунги кунда вилоят адлия бошқармаси томонидан қолган ҳудудлардаги вазият ҳам ўрганилмоқда.

Хулоса ўрнида...

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилояти адлия бошқармасига фуқаролардан жами 740 дан ортиқ, шунингдек, бошқарма раҳбариятининг сайёр ҳамда шахсий қабуллари давомида

500 га яқин мурожаат келиб тушган. Мурожаатлар мазмунини шунинг кўрсатмоқдаки, фуқароларни қийнаётган асосий масалалар меҳнат муносабатлари ва пенсияга доир. Ушбу масалалар бўйича бошқарма томонидан тегишли органларга 314 та тақдимнома, 148 та маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритилиб, натижада 275 нафар мутасадди интизомий жавобгарликка тортилди, 2 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 102 нафар шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Мухтасар айтганда, ҳар бир раҳбар, мутасадди, иш берувчи давлатимиз қонунларига бўйсунмас, фармон ва қарорлар ижросини таъминламас экан, юртимизда инсон манфаатлари устувор, дея айта олмаيمиз. Зотан, қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар ижроси билангина қучлидир.

Холбиби САҒАРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Розилигимсиз ишдан бўшатишмоқчи...»

— Мени раҳбарим ҳеч бир сабабсиз, иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатмоқчи. У ҳатто қорхонамиз қасаба уюмиса билан ҳам ҳисоблашмапти. Шу тўғрисида?

Зилота АЛИЕВА,
Навоий вилояти.

Жонибек ШУХРАТОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси матбуот котиби:

— Факат иш берувчининг хоҳиш-истаги билан ишдан бўшатиш мумкин эмас. Бунинг учун қонуний асос бўлиши шарт. Иш берувчи ўз ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин бўлган сабаблар Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмида баён этилган. Техноложиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни тақшил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони қисқаргани, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам буюши

ёки бир марта қўпол равишда бузгани иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига асос бўлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай ташкилот раҳбари бунга амал қилиши шарт. Агар қорхонада жамоа шартномаси ёки жамоа келишуви тузилган бўлса ҳамда ушбу ҳужжатларда иш берувчининг ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда раҳбар ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб олиши шартлиги белгиланган бўлса, раҳбар бунга амал қилишга мажбур.

«Рақобат тўғрисида»ги қонун талаблари нега бузилмоқда?

АЙРИМ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРГА АСОСЛАНМАГАН ИМТИЁЗЛАР, ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР ВА БОШҚА БОЗОР ИШТИРОКЧИЛАРИГА НИСБАТАН УСТУНЛИК ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ КИМГА КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛДИ?

Иқтисодий ислохотлар, жумладан, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш туфайли хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Ишбилармонларнинг бизнеси ривожланиши, қамровининг кенгайиши нафақат бир инсонга, балки жамиятга-да наф келтиряпти. Уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши, маҳаллий ва жаҳон бозориди ўз ўрнига эга бўлиши эса табиийки, яратиб берилган меҳнат шароитига боғлиқ.

Хўш, юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ўзаро соғлом рақобатга киришишига ҳеч ким тўсик бўлмаптими? Ёки бир томон манфаати ўзгаларникидан устун қўйилмаптими? Маҳаллий ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарорлар-чи, уларнинг оёғига тушов эмасми? Шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Монополияга қарши курашиш қўмитаси Қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш бошқармаси бошлиғи Санжар Абдукодировга мурожаат қилдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Корхонани қандай ҳолларда банкрот деб эълон қилиш мумкин?

— Анча йил олдин корхона ташкил этиб, иш бошлаганим. Бироқ ишлаб чиқариш жараёнида сарфлаган маблағлар ўзини қопламади. Натижада ҳатто олган кредит маблағларини ҳам тўлай олмай қолдим. Ишлаб чиқаришни тўхтатдим. Айтинг-чи, корхонамни банкрот деб эълон қилсам бўладими? Банкротлик аломатлари нималардан иборат?

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
Сирдарё вилояти.

Жамшид ТОҲИРОВ,
Давлат активлари агентлиги
Банкротлик масалалари бошқармаси бошлиғи:

— Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли тўловлар мажбурият юзига келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар


218 та қарорда қонун талаблари бузилган

Айни пайтда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг рақобатга таъсирини баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу кунга қадар республикамизнинг 56 та шаҳар ва туманида ўрганишлар ўтказилди. 218 та ҳолатда маҳаллий ҳокимликлар томонидан рақобатни чеклайдиган ҳужжатлар ҳамда ҳаракатлар содир этилгани аниқланди. «Рақобат тўғрисида»ги қонун талаблари бузилганлик аломатлари юзасидан 37 та шаҳар ва туман ҳокимликларига нисбатан тўпланган ҳужжатлар қонуний қарор қабул қилиш учун иш юритувига олинган.

Рақобатни чеклаган ким?

Аниқланишича, Андижон вилояти Асака тумани ҳокимлиги «Қишлоқ ку-



рилиш инвест» инжиниринг компанияси Андижон филиали директори номига жорий йилнинг 7 январиди 01/21-сонли хат йўллаган. Унда Асака туманининг Хумо кўчаси ва А.Темур мавзесида қурилиш режалаштирилган 24 хонадонли тўрт қаватли уй-жой қурилиши учун тавсия қилинган «Шаҳрихон юлдузи» МЧЖ ва «Сапфир Бўстони» МЧЖ ўрнига «Моҳир меймор қурувчи» МЧЖ ва «Идеал Бунёдкор» МЧЖни бош пудратчи сифатида алмаштириш сўралган. Бу билан рақобат чекланган. Яъни айрим тадбиркорлик субъектларига шартномалар тузишда устунлик бериш ҳаракатларига йўл қўйилган.

Ҳокимлик тадбиркорга шарт қўйди

Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани ҳокимлиги эса Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига 2019 йил 13 апрелда йўллаган 01/292-сонли хатда эътиборсизликка йўл қўйган. Яъни доломит казиб олиш учун «Kvarts» АЖ Дехқонобод туманидаги «Отқамар» маҳалласидаги 31 гектар ер майдонида геологик қидирув ишлари учун лицензия олиш бўйича танловда ғолиб чиққан. Бироқ ҳокимлик тадбиркорлик субъектига Дехқонобод туманидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши, кейин ер ажратилиши тўғрисида кафолат хати берган. Бу тадбиркорлик субъектига ортиқча шартлар жорий этиш, унинг фаолияти учун бошқа камситувчи шартлар белгилашга олиб келган.

Қонун талаби нега бузилди?

Тошкент вилоятида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича тендер савдоларини ўтказиш комиссияси таркибини шакллантиришда ҳам қонун талаблари бузилган. Маълум бўлишича, вилоятда тендер савдоларини ташкил этиш комиссияси таркибида «Тошвилтранстерминал» уюшмасининг вакили бўлган. Бу эса тендер савдоларида рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатган.

Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 22 апрелдаги 317-сонли қарори асосан, жами 13 кишидан иборат бўлган вилоят комиссияси таркиби тасдиқланган. Бироқ бу жараёнда комиссия тўғрисидаги Намунавий низом талабларига риоя этилмаган. Хусусан, комиссия таркибига бошқа идоралар вакиллари билан бир қаторда вилоят транспорт бошқармасидан 4 нафар вакил ва «Тошвилтранстерминал» уюшмаси раиси киритилган.

Маълумот учун, Тошкент вилоятида йўловчи ташиш билан шугулланувчи 306 та хўжалик юритувчи субъектдан 59 таси «Тошвилтранстерминал» уюшмаси аъзоси ҳисобланади. Мазкур уюшма раисининг комиссия таркибига киритилиши тендер савдоларида уюшма аъзоларининг бошқа хўжалик субъектларига нисбатан афзал ҳолатга эга бўлиши мумкинлигига олиб келади.

Бундан ташқари, комиссия аъзоларига транспорт тизимидан жами 5 киши (комиссия таркибига 38,4 фоиз) киритилиши, ўтказилаётган танловларда овоз беришда манфаатлар тўқнашувига олиб келган. Мазкур ҳолатлар Монополияга қарши курашиш қўмитасининг махсус комиссияси томонидан «Олмалик Исузу Транс» МЧЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлиги вакиллари иштирокида кўриб чиқилди. Натижада Тошкент вилояти ҳокимлиги «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси тегишли қисмлари талабларини бузган, деб топилди. Қонун бузилиш ҳолатини бартараф этиш бўйича кўрсатма берилган.

Ҳужжатлар нега бекор қилинди?

Ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 37 та шаҳар ва туманларга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатини бартараф

«Маълум бўлишича, вилоятда йўловчи ташиш йўналишлари бўйича тендер савдоларини ташкил этиш комиссияси таркибига «Тошвилтранстерминал» уюшмасининг вакили бўлган.»

этиш ҳақида тақдимнома киритилган. Рақобатни чеклашга олиб келган 10 та ҳужжат бекор қилинган.

Қўмитага жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 193 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари киритилган. Улардан 78 фоиз (153 та) ҳолларда рақобатни чекловчи, биринчи навбатда, айрим хўжалик юритувчи субъектларга асосланмаган имтиёзлар, преференциялар ва бошқа бозор иштирокчиларига нисбатан устунлик ҳуқуқини беришни кўзда тутувчи нормалар киритилгани аниқланди. Ўз навбатида, вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларида «Рақобат тўғрисидаги қонун талабларига зид бўлган нормалар киритилгани юзасидан ҳулосалар берилган.

Садокат МАХСУМОВА ёзиб олди.

«Ақлли ҳисоблагичлар» ошириб ҳисоблайдими?

АГАР ИСТЕЪМОЛЧИ ЯНГИ ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧ ЎРНАТИЛГУНИГА ҚАДАР ҚАНДАЙДИР НОҚОНУНИЙ ЙЎЛЛАР БИЛАН ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНГАН БЎЛСА, ЯНГИ ҲИСОБЛАГИЧ УНИ ҲАМ ҲИСОБЛАЙ БОШЛАЙДИ

Айни пайтда республикамиз бўйлаб автоматлаштирилган электр ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бироқ бу юмушлар охирига етмасдан туриб, истеъмолчилар: «Ҳисоблагич кўрсаткичларни ошириб қайд этипти», «Ақлли ҳисоблагичга ўтиш бизга нима учун керак?», «Электр ҳисоблагичларни алмаштиравериб чарчадик» қабилдаги фикрларни билдиришмоқда. Ҳисоблагичларнинг масъуллар томонидан текинга ўрнатиб берилаётгани ҳам кўпчиликда шубҳа уйғотмоқда.

Хўш, ўзи нима гап? Автоматлаштирилган электр ҳисоблагичлар аввалгиларидан нимаси билан фаркланади? Маҳсулотлар халқаро талабларга жавоб берадими? Унинг истеъмолчиларга яратадиган қулайлиги нимада? Яқин 4-5 йил ичида улар яна янгисига алмаштирилмаслигига ким кафолат беради? Бу билан электр етказиб беришдаги муаммолар ечим топадими? Шу каби саволларга Энергетика вазирлиги томонидан ўтказилган пресс-турда жавоб олдик.

Янги ҳисоблагичлар неча йил хизмат қилади?

— Автоматлаштирилган ҳисоблагичлар 25 йил давомида хизмат қилиш имконига эга, — дейди энергетика вазир ўринбосари Шерзод Хўжаев. — 4-5 йилдан кейин янги технология чиқди, ҳисоблагичларни яна алмаштириш керак, деган таъбирига тўғрисида учун ўрганишлар олиб бордик. Автоматлаштирилган ҳисоблагичлар ўрнатиш лойиҳаси шу кунга қадар қозғалди. Бу жараён аслида 2006 йилда бошланган. 2000 йилда эса жаҳон тажрибасида қўлланилган. Ушша пайтда бизда, биринчидан, ҳисоблагичларнинг аниқ ҳуқуқий талаблари бўлмаган. Иккинчидан, мутахассис етишмаган. Айрим ҳолларда эса ишлаб чиқарувчиларга ишониб қолганмиз. Шунинг

учун электр ҳисоблагичлар сўнги йилларда кўп марта алмаштирилди. Ушбу ҳисоблагичлар икки томонлама ўлчаш хусусиятига эга.

Яна бир ҳолат. Ҳар биримиз реактив энергияни истеъмол қиламиз, бироқ ҳаммамиз ҳам унга тўлов амалга оширмаймиз. Шу кунгача факат белгиланган тоифадаги истеъмолчилар бу учун тўлов тўлаган. Автоматлаштирилган ҳисоблагичларда уни ўлчаш функцияси ҳам қўшилди. Бу электр токининг сифатли бўлишини таъминлайди. Тўғри, битта ҳисоблагич ўлчagan реактив энергия билан ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо тизим бизга бутун ҳолатни таҳлил қилиш имконини беради.

Ҳисоблагич нархи тарифга қўшиладими?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳисоблагичлар текин ўрнатиляпти, унинг нархини ким тўлайди? Зеро, унинг нархи ҳисоблагични ўрнатиб бериш билан бирга 770 минг сўмни ташкил этмоқда.


— Айтиш керакки, ҳисоблагичларни ўрнатиш бўйича қилинаётган харажатлар 8-9 йил ичида ўзини қоплайди, — сўзида давом этади Ш.Хўжаев. — Аммо бу истеъмолчи шунча мuddат мобайнида янги ҳисоблагич қўйилгани ҳам тарифга қўшилган ҳолда тўлаб боради, дегани эмас. Чунки

биз бу масалага бошқачароқ ёндашганмиз. Яъни олинadиган халқаро кредитларнинг барчаси узок мuddатли бўлиб, 20-25 йилни ташкил этади.

Шунингдек, ҳозирги кунда ҳисоблагичларни алмаштириш бўйича иккита асосий манба бор — булар Осиё Тараққиёт банки ва Мажбурий ижро бюроси жамғармаси маблағларидир. Жамғармадан ажратилadиган маблағлар бегараз ёрдам сифатида келгани бонс, тарифга қўшилмайди. Тарифнинг бир қисми эса Осиё Тараққиёт банкидан олинган маблағларни қайтаришга йўналтирилади.

Қурилмалар халқаро стандартларга жавоб берадими?

— Корхонамизда кунига 6 минг дона электр ҳисоблагич ишлаб чиқарилади, — дейди «Электрон ҳисоблагич» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Қаҳрамон Нурматов. — Керакли хомашёларни



шу йўналишида тажрибага эга корхоналардан оляймиз. Хусусан, ҳисоблагичларнинг ташки ҳимоя қобилитини олайлик. У аслида ҳисоблагичдаги рақамларга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Бироқ йиллар давомида тусини ўзгартириб, аҳолига ноқулайлик туғдириши мумкин. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун сифатли хомашёдан фойдаланялмиз. Ўзбек-хитой қўшма корхонамиз Европа андозаси асосида ишлайди. Маҳсулотимизнинг асосий қисми ички бозорга йўналтирилган. Биз тайёрлаётган маҳсулотлар халқаро меъёрларга жавоб берадиган электр ҳисоблагичлардан пухтароқ. Боиси мамлакатимиз иқлими ўзига хос. Баъзи ҳудудларда қундузи ва кечки ҳаво ҳарорати кескин фарқ қилади. Биз ишлаб чиқараётган ҳисоблагичларда ишларнинг барчаси ишобатга олинган.

Электр токи симларини алмаштиришга ким масъул?

Электр ҳисоблагичлар янгисига алмаштириляпти. Аммо баъзи жойларда электр токи симлари эскирганига эътибор қаратилмаяпти. Аслида уларни янгисига алмаштиришга ким масъул?

— Ходимларимиз кўп қаватли уйга ҳисоблагич ўрнатишга боради, — дейди Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари Даврбек Имомов. — Баъзи жойларда симлар эскирган ва талабга жавоб берамайди. Бизда уларни алмаштириб бериш ваколати йўқ. Бу хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг вазифаси. Кўп қаватли уйлarning деярли барчасида симлар талабга жавоб берамайди. Ниҳоятда абзор ҳолатдагиларни алмаштирялмиз, чунки бошқа илoзжимиз ҳам йўқ.

— Биз аҳолига электр энер-



Эски ҳисоблагичларнинг аниқлик даражаси эскирган... (ми?)

Ўрнатилаётган янги ҳисоблагичларда аниқлик даражаси аввалги индукцион ёки биринчи авлодга мансуб айрим электрон ҳисоблагичлардан бирмунча юқори. Мисол учун, индукцион ҳисоблагичда аниқлик даражаси $\pm 2,5$ фоизни, янгисида эса $\pm 1,0$ фоизни ташкил этади. Индукцион ҳисоблагичларнинг аниқлик даражаси хар беш йилдан сўнг ± 5 фоизга камаяди. Демак, биз айни пайтда фойдаланаётган айрим индукцион ҳисоблагичларда аниқлик даражаси ± 10 фоизга ошиб кетган.

Шу ўринда савол туғилади: янги ҳисоблагичлар электрни нотўғри ҳисоблаётгани юзасидан бўлаётган эътирозлар қаердан келиб чиқаяпти?

— Агар ушбу истеъмолчи янги электр ҳисоблагич ўрнатишга қадар қандайдир ноқонуний йўллар билан электр токидан фойдаланган бўлса, янги ҳисоблагич уни ҳам ҳисоблай бошлаган, — дейди Ш.Хўжаев. — Янги ўрнатилган ҳисоблагичларга дастур ўрнатиб, у ноқонуний йўл билан улангани сезганида электрни ўчириб қўядиган қилас бўларди. Лекин биз бундай қилмадик. Ҳисоблагич истеъмолчининг ноқонуний тарзда тармоққа уланганини аниқласа, ўчиб қолмайди, ишлашда давом этади. Бироқ ноқонуний тарзда фойдаланишини ҳам тегишли тартибда қайд этади.

«Аниқлик синфи», «сезгирлик даражаси» деган тушунчалар бор. Эски электр ҳисоблагичлар ўрта ҳисобда 30 йил хизмат кўрсатган, унинг ички механизмлари эскирган ҳамда электр истеъмолини тўғри ҳисобламаган. Шунинг учун, табиийки, янги турдаги электр ҳисоблагичларга ўтилганидан сўнг улар хонадонда мавжуд барча электр истеъмолини ҳисоблай бошлаган. Эски ҳисоблагичлар бу миклорни қайд этмаган.

Садокат МАХСУМОВА
«Mahalla»



Осиё Тараққиёт банки фотоэлектр станцияси қуриладиган лойиҳасини қўллаб-қувватлайди.

Нукус шаҳар ҳокимлиги диққатига: мутасаддилар муаммоларга нега бефарқ?

АГАР АХВОЛ ШУ ТАРЗДА ДАВОМ ЭТАВЕРСА, ШАҲАР АТРОФИ ЧИКИНДИХОНАЛАР БИЛАН ЎРАЛАДИ



Аввал чикиндилар ёқиб юборилар ёки чуқур қовналиб, кўмиб қўйиларди. Бу атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши баробарида аҳоли соғлиғига ҳам хавф туғдирарди. Эндиликда бу каби ҳолатлар барҳам топди. Чикиндиларни олиб кетиш учун махсус машиналар бириктирилди. Йўналишдаги ишларга масъул «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонасининг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик.

Хўш, унинг ҳудудлардаги филиаллари ишидан ҳам кўнгли тўладими? Биргина Нукус шаҳридаги маҳаллаларга «Тоза ҳудуд» корхонаси филиали ва тўртта тадбиркорлик субъекти хизмат кўрсатмоқда. Уларга шаҳардаги 59 та фуқаролар йиғини бириктирилиб, аҳоли билан шартномалар тузилган.

Ҳаммаси жойида эди, бироқ...

Бир неча йил чикиндиларни олиб кетиш ишлари рисоладагидек бажарилди, бундан фуқаролар ҳам мамнун эди. Аммо Нукус шаҳри ташқарисидан чикиндилар ташланадиган ҳудуднинг ёпиб қўйилиши билан ҳаммаси бошланди. Махсус ҳудуд эшиклари нега ёпилиди, аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналаридан чиққан чикиндилар энди қаерга ташланади, деган саволлар эса очиклигича қолди. Мурожаатларга ҳудудга яқин аэропортга самолёт қўниши пайтида каттик шомол туриб полиетилен халтачаларни ҳавога учуриб, ён-атрофга ёяётганини сабаб қилиб келтириш билан қийолашилди. Шу баҳона бўлди, хонадону корхоналардан чикиндиларни олиб кетиш тизими ҳам издан чиқди. Орадан икки ой вақт ўтди. Ҳокимликдан бирон қим маъмур масала билан қизикмади.

Рейд нимани ўзгартирди?

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Нукус шаҳар бўлими ва инспекция ходимлари ҳамкорлигида ҳудудда рейд ўтказилди. Жараёнда «Нукус тозалаш» МЧЖ хайдовчиси маиший чикиндиларни белгиланмаган жойга тўкаётгани аниқланди. Афсуски, бу каби ҳолатлар кундан-кунга кўпаймоқда. Ўзбошимчилик билан олиб келинган чикиндилар уюми эса аллақачон тоғ каби кўтарилиб улгурган. Ён-атрофни эса бадбўй хид тутган. Полиетилен пакетлар ниҳоятда катта ҳудудни эгаллаган.

Чикинди ташлаганлар жаримага тортилди

— Чикинди ташлаш учун махсус ҳудуд ажратилиш бўйича Нукус шаҳар

ҳокимлигига хат юборганимиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи Камал Сейтқиязов. — Оммавий ажратилган воситаларида бу бўйича бир неча мартаба чикиндилар ҳам қилинди. Аммо шаҳар ҳокимлиги бундан тегишли ҳулоса чиқармади. Натижада шаҳар яқинидаги бир неча кўш ҳудудда чикиндилар юзага келиди. Афсуски, бу ҳозир ҳам давом этмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ходимлари ҳам чорасизликдан чикиндиларни тўкиб кетишмоқда. Рейд давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учун 3 кишига жарима солинди.

Нукус шаҳри ишлаб чиқариш ривожланган ҳудуд. Табиийки, бу ердан кунига 2-3 машинада чикиндилар олиб кетилади. Шаҳар яқинидаги «чикиндихона» эса тобора кенгаймоқда. Хўш, чикиндиларни олиб кетишга масъул ташкилотлар бу вазиятга қандай изоҳ беради?

Мурожаатларимиз эътиборсиз қолдирилмоқда

— Нукус шаҳридаги 13 та маҳалладан чикиндиларни йиғиш ва ташини бизга юклатилган, — дейди «Нукус тозалаш» МЧЖ раҳбари Жолтибай Тормуратов. — Айни пайтда 4 та махсус транспорт тўлақонли фаолият олиб бормоқда. Экология қўмитаси томонидан ўтказилган рейдда хайдовчимиз белгиланмаган жойга чикинди тўкани учун жаримага тортилди. Бу биз учун сабоқ бўлди. Бироқ чикиндиларни қаерга тўкайлик, деган саволимизга ҳеч қим жавоб бермапти. Шаҳар ҳокимлигига қилган мурожаатимиз ҳам жавобсиз қолмоқда. У ерга олиб бориб тўкаверинг, деб айтилган оғзаки жавоблар эса ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. Яна бир ҳолат бизни ташвишга солмоқда. Яъни авваллари ташланган чикиндилар алоҳида йиғилиб, қайта ишлаш учун сараланарди. Бугун эса бу билан бирон қимнинг иши бўлмаяпти. Экология қўмитаси эса фақат рейд ўтказиб, жарима солиш билан оқора. Улар шу каби масалаларга эътибор қаратиб, бизга керакли шароитларни яратиб беришса, яхши бўларди.

— Вазиятдан хабаримиз бор, — дейди Нукус шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Султон Бойниязов. — Чикиндилар полигонини қуриш учун «Roodell-recovery» МЧЖга 50 гектар ер ажратиб берилган эди. Бироқ икки ой олдин мазкур ташкилот ўз фаолиятини тугатди. Ажратилган ер ҳам балансидан чиқарилди. Ҳозирда тадбиркорлик субъектлари билан шартнома тузиш ишлари олиб бориляпти. Тез орада чикиндилар полигони «Мингбай Нукус» МЧЖ балансига ўтказиб берилди. Шу билан ҳудуддаги муаммолар ҳам барҳам топади.

Масъуллардан жавоб кутамиз

Аслида, ҳудудларда махсус чикинди ташлаш жойларини ташкил этишга қим жавобгар? Ҳокимликларми ёки экоташкилотлар?

Жорий йилнинг 7 мартда Президент ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши-

нинг топшириғи асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 95-сонли қарори қабул қилинди. Унда чикиндиларни белгиланмаган ҳудудларга ташлашга йўл қўймаслик масаласига эътибор қаратилган. Жойларда маиший чикинди полигонларини тартибга келтириш ва ҳудудни чикиндилардан тозалаш ишларига шахсан шаҳар ва туман ҳокимлари масъул этиб белгиланган. Шу асосда барча вилоят, шаҳар ва туманларда чикиндиларни ташлаш ва зарарсизлантириш (кўмиш) учун махсус полигонлар ташкил этилиши кайд этилган.

Лекин негизир ушбу талаб Нукус шаҳар ҳокимлиги томонидан бажарилмаяпти. Агар ахвол шу тарзда давом этаверса, шаҳар атрофи чикиндилар билан ўралади. Бу эса ҳудудда турли юқумли касалликлар кўпайишига сабаб бўлади. Бу мавзуга яна қайтамиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



МЕНДА САВОЛ БОР...

Чикиндиларни ҳар ерга ташламанг, йўқса...

— Маҳалламизда чикинди ташлаш учун алоҳида жой ажратилмаган. Шу боис қўни-қўнилар билан келишиб, бўш ётган ердан чуқур қазиб, шу ерга чикиндиларни ташламоқчимиз. Айтинг-чи, белгиланмаган жойда ўзимиз учун чикиндихона ташкил этиштак, қонуний ҳақсизга тортилмаимизми?

Нурли БЕКТОШЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.

Саломат СУЛТОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси назорат инспектори:

— Чикиндилар махсус ажратилган ҳудудларга ташланиши лозим. Уларни белгиланмаган жойларга ташлаш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган жавобгарликка олиб келади. Унга кўра, белгиланмаган жойларга каттик маиший чикиндиларни ва қурилиш чикинди-

ларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чикиндиларни тўкиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг — 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилса, фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг — 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахслар 5 бараваридан 10 бараваригача жаримага тортилади.

Сўнгги йилларда Самарқандда маҳаллий тадбиркорлар томонидан катта йўл ёқасига бекатлар қурилиб, унинг бир томони савдо дўконига айлантирилаётганига кўникиб қолгандик. Аммо Пайариқда бу усул янада «такомиллашибди». Яъни, бекат қурган тадбиркор энди ундаги хоналарни турли идораларга ижарага бера бошлабди. Хусусан, туманнинг Эшимоқсоқ қишлоғида шундай объект бунёд этган Мирвали Хўжанов бекатдаги дўкон учун мўлжаллаган хонани биноси бузилиб кўчада қолган «Халқобод» йиғини фаолларига ойига 250 минг сўм тулаш шарти билан ижарага берибди.

БЕКАТДАГИ МАҲАЛЛА:

«Пайариқча ташаббус» яна қайда бор?



— «Обод маҳалла» ҳудудий дастурига кўра, ўтган йили йиғиннинг эскирган биноси бузилиб, унинг ўрнида 21-оилавий поликлиниканинг эмлаш пункти қад ростлади. — **дейди маҳалла раиси Хушнуд Файзиев.** — Аммо неадир мутасаддилар ўша янги қурилган пункт биносидан жилакўрса биттасини биз учун ажратмади. Ахир у ерда 10 дан ортқ хона бор. Натижада бошпанасиз етимдек кўчада қолдик. Яхшиямки, Мирвали Хўжанов шу жойини бизга берди. Отасига раҳмат!

Битта хонада йиғиннинг барча ходимлари фаолият юритади. Иссиқ ва дим ҳаводан хонада нафас олиш қийин. Деразани очсангиз, бекатдаги одамларнинг шовкинни, транспорт воситаларининг овозидан беҳаловат бўласиз.

— Очиги, бу ерда ишлаш бизларга бир томондан қулай, — **сўзида давом этади Х.Файзиев.** — Чунки бекатга автобус кутини учун чиққанлар бирамўла маҳаллага оид муаммоларини ҳам ҳал қилиб олади. Аммо иккинчи томондан бекат барибир бекат-да. Гоҳида йўловчилар кўпайиб, ишга ҳалақит беришади. Батъан хотин-қизлар бирор масалада маслаҳат сўраб мутасаддиснинг олдига келишса, улар алоҳида гаплашиб олиши учун биз — раис, профилактика нозир, масъул котиб — ҳаммамиз кўчага чиқиб турамыз. Бошқа илокимиз йўқ.

Бошпанасиз йиғинлар кеча ё бугун пайдо бўлган эмас

Раиснинг гапларини тинглай туриб, беихтиёр ўйланиб қолсан киши. Наҳотки, ҳудудий дастурнинг номи «Обод маҳалла» бўлсаю, унда фуқаролар йиғини учун алоҳида бино қуриш кўзда тутилмаган бўлса? Бу ерда мантқ кани? Ёки айб қурувчиларми? Умуман, биносиз йиғинларнинг келажаги нима бўлади?

— Бу ерда айб қурувчиларда эмас, аксинча, маҳалла фаолларининг ўзларида. — **дейди Пайариқ тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Фаррух Омонов.** — Негаки, дастурга кўра, эмлаш пунктнинг биносидан тўртта хона фуқаролар йиғини учун ажратилган эди. Аммо йиғиннинг собиқ раиси Абдухалил Абдурахмоновнинг ўзи бу хоналарни нимагадир қўққўлаб эмлаш пунктига бериб юборган. Бундай маҳаллаларнинг келажагига келсак, вақти-соати билан ҳаммасида бино бўлади. Қолаверса, бу каби йиғинлар фақатгина бизнинг туманимизда эмас, вилоятнинг ҳамма жойида бор.

Хўш, ҳоким ўринбосари айтган ўша «вақти-соати» қачон келади? Ўша кун келгунича бундай маҳаллалар сони кўпайиб кетмасмикин?

Очигини айтганда, бошпанасиз йиғинлар масаласи



вилоятнинг шаҳар ва туманларида, жумладан, Пайариқда кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Тумандаги ўндан зиёд маҳалланинг аксарияти бугунги кунда умумтаълим мактаби, оилавий поликлиника, боғча ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида жойлашган.

— Тумандаги мавжуд 60 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 20 тасининг биноси йўқ ва буни туман раҳбарлари ҳам яхши биладилар. — **дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пайариқ тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Хидиров.** — Чунки бино қуриш учун маблағ етишмаяпти. Айрим жойларда эса бинолар ҳашар усулида қуриляпти. Аммо иккони борича вазиятни яхшилаш чораларини кўряпмиз.

Маҳалла идораси қоронғи тушгунча ишлайди... (ми?)

Вилоятнинг олис Пахтачи туманида ҳам шундай ҳолатга дуч келиш мумкин. Бу ерда 59 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритаётган бўлса, шундан 21 тасининг биноси йўқ, 32 та йиғин биноси эса таъмирталаб. Эътибор қилинг, туманда мавжуд маҳаллаларнинг қарийб ярми бошпанасиз, қолган ярмининг биноси эса яроқсиз аҳволда. Қизик, шу пайтгача туман мутасаддиларини бу ҳолат нима учун безовта қилмади экан? Ахир, бошпанасиз ташкилот қандай қилиб фаолият юритиши мумкин?

Мирзо Улугбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари туман «Тоза ҳудуд»

давлат унитар корхонасининг авария ҳолатидаги биносида ижарада туради. Яроқсиз ҳолатдаги мазкур бионинг йиғинга берилган хоналарида ёритиш ҳамда иситиш тизими йўқ. Мебель ва бошқа жихозлар ҳақида-ку, айтмаса ҳам бўлади. 1-сектор раҳбари томонидан ўтган йили туман маҳаллалар кенгаши ҳамда Мирзо Улугбек номли маҳалла учун икки қаватли бино қуриб бериш ваъда қилинган бўлса-да, ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Яна бир тадбиркорга тегишли бионинг кичкинагина хонасида ижарада фаолият юритаётган «Кештали» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси ҳам худди шу аҳволда. «Тадбиркор» маҳалласининг биноси бозор ичида жойлашгани туфайлими, унинг атрофи маиший чиқиндиларга тўлиб ётибди. «Қоратепа» йиғинининг биноси томини эса термитлар босгани сабабли шифтдаги ёғоч болорлар чирий бошлаган. «Бодой» маҳалласи биноси бундан-да баттар аҳволда. Унинг тоmidан чакка ўтиб, деворлари ёрилган, устига-устак, газ ва электр энергиясидан қарздорлиги сабаб, бино тармокдан узиб қўйилган. Йиғин жамоаси қоронғи хоналарда ишлашга мажбур бўлмоқда.

Бу ҳолат қадим кентга ҳам бегона эмас

Вилоят маркази саналмиш Самарқанд шаҳрининг айрим маҳаллаларидаги ҳолат ҳам Пайариқ ва Пахтачидагидан қолишмайди. Жумладан, қадим кентдаги «Ўллар боғи», «Геологлар», «Шири», «Хўжасоат», «Сартепа», «Шук-

рона», «Ҳаётбод», «Боғичи-нор», «Олтин аср» каби 16 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга бўлмагани боис, уларда фаолият юритиш учун мутлақо шароит йўқ. «Илғор», «Анхор», «Сиебча», «Майса-зор», «Темирийўлчилар», «Сўғдиёна», «Ўлистон» каби ўндан зиёд маҳаллалар бинолари эса юмшоқ қилиб айтганда, жуда таъмирталаб.

Ўз-ўзидан савол туғилади: биноси бўлмаган йиғин қандай қилиб самарали ишлай олиши мумкин? Ахир, маҳалла бутунги кунда жамиятдаги баркарорлик, ҳамжиҳатлик, осейишталикнинг кўрғони, меҳр-оқибат, эзгулик, яхшилик ва мурувват марказига айланиб улгурди-ку! Шундай тузилма автобус бекатида, яна қайсибир тадбиркорга тегишли қоронғу хоналарда фаолият кўрсатсаю, мутасаддилар «бундай аҳвол фақат бизнинг туманда эмас, ҳамма жойда мавжуд» деб ўзларини овутисалар?!

Таъкидлаш жоиз, бошпанасиз йиғинлар ва улардаги вазият масаласи бундан 9 ой муқаддам вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган, махсус «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган эди. Хўш, «Йўл харитаси» номигагина қабул қилинганми? Йўқса, шунча муддат ичида биронта ташаббус кўзга ташланарди-да?! Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар масъуллари мазкур «Йўл харитаси»да белгиланган режаларни амалга ошириш баробарида бу борада йўл қўйлаётган камчиликларини ҳам бартараф этадилар. Биз эса бу мавзуга яна қайтамиз.

Дарвеш А.П.

Оилавий муносабатлардаги муаммоларнинг туб илдири нимада?

ЭРКАК КИШИНИНГ ОИЛАДА ЎЗ ЎРНИНИ БИЛМАСЛИГИ, ОИЛА ТАШВИШЛАРИНИ АЁЛ ЗИММАСИГА ЮКЛАШИ ЁКИ ЭР КИШИНИНГ ИШИ ФАКАТ ПУЛ ТОПИШ ДЕБ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАН УЗИЛИБ ҚОЛИШИ ҲАМ АСЛИДА ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ САБАБЛИ КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА.

Оила — жамият пойдевори. Шу боис мамлакатимизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилади.

Аммо шунга қарамай, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарлича. Халқимиз қадимдан оилавий муносабатларни уйда — бегоналарнинг иштирокисиз ҳал этишни афзал билган. Лекин оила аъзоларининг орасидан бирон киши бу масалага ижобий ечим топа олмас-чи?! Бундай ҳолатда ҳам муаммо уларнинг наздида ҳал этилади. Аслида эса у янаям чигаллашган бўлади.

Шу сабаб халқимиз мураккаб ҳаётини синонга дуч келганида кайвони онахонлар, илму салоҳияти билан элда обрў топган отахонлар кўмагига эҳтиёж сезган. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтиш керак: ўша замон кайвонилари шунчаки ҳаёт тажрибаси бой инсон эмас, балки китоб кўрган, илми рухиятшунос бўлган. Бугун жамиятимизда ана шу билимнинг камлиги сабаб оилавий муносабатларда муаммолар кузатиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустахкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори соҳада ечимини кутаётган шу

каби муаммоларни ҳал этишга замин яратди. Хужжатда оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ҳозирги ҳаёт воқеаларидан узилиб қолган ҳолда ўтказилаётгани ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш қончилиги эмаслиги ўрилли таъкидланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Оилаларда ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, кайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда улар орасида низоли, оғир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш» мавзусида илмий-тадқиқот ўтказилди.

Муаммоларнинг илдири топилиди

Аввал ҳам психологлар томонидан бундай тадқиқотлар олиб борилган. Аммо улар оилавий муносабатларнинг маълум бир жиҳатини ўрганган, ҳолос. Масалан, бунда кайнона-келин, ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратилган. Мазкур илмий-тадқиқот эса оилавий муносабатларнинг барчасини ўзида жамлади. Тадқиқот давомида муаммоларни ҳал этиш учун қандай ишларни бажариш кераклиги ойдинлашди. Бунда, аввало, аҳолининг психологик саводхонлигини ҳамда асрлар оша бизгача етиб келган қадриятлар қадрини ошириш лозимли-



ги аён бўлди. Муаммонинг туб илдири ана шу икки ҳолат — психологик саводсизлик ва қадриятларнинг емирилишида экан!

Илмий-тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида олиб борилди ва жараёнда йиғилган маълумотлар асосида қатор амалий, услубий қўлланмалар шилаб чиқилди. Иш сифатли ва самарали бўлиши учун илмий гуруҳга ўрганилган худудлардан бир нафардан мутахассис жалб этилди. Улар шунчаки психологлар эмас, айнан оила мавзусида илмий иш қилган профессор, фан номзодлари ва доцентлардан иборат катта илмий салоҳиятга эга инсонлардир.

Психологик саводхонлик нимага керак?

— *Ҳар кунни машинада уйдан ишга қатнайдиغان инсон йўлдаги чуқурларни яхши билади, — дейди психологик фанлари номзоди, доцент Нурмат Соғинов. — Шу сабаб у чуқурга яқинлашиши билан беихтиёр тезликни пасайтиради ва йўлнинг бузук жойини айланиб ўтади. Агар ҳайдовчи нотаини йўлдан юрса, у қанчалик маҳоратли бўлмасин, бу чуқурдан беҳабар бўлгани сабаб уни айланиб ўтиши мумкин.*

Оилавий муносабатлар ҳам худди шундай ҳолатга ўхшайди. Психологик саводхонлиги бўлган киши муносабатларда зиддиятли вазиятни олдиндан кўра олади. Аввало, бундай ҳолатни тугдирадиган вазиятларни бартараф этади. Ўзини мураккаб ҳолатга ҳозирлайди. Йўл мўлжаллини олган ҳайдовчи каби ҳаёт муаммоларини четлаб ўтишга уринади. Психологик саводхонлиги бўлмаган инсон эса йўлдаги чуқурдан беҳабар ҳайдовчининг ҳолатига тушади.

Тонгги бараканинг сири аниқ

Одам организмда рўй берадиган физиологик жараёнлар ва уларнинг динамикаси билан куннинг турли вақтлари ўртасида маълум даражада боғлиқлик мавжуд.

Масалан, тонгги соат 4-5 лардан бошлаб организмнинг физиологик фаоллиги кучайиб боради. Бу кучайиш соат 8-9 ларда энг юқори даражага етиб, шундан сўнг яна сусая бошлайди. Бу сусайиш 11-12 ларда энг паст даражага тушади. Соат 11-12 лардан то 15-16 ларгача организм физиологик жаҳатдан нисбатан сокин ҳолатда бўлади. 16-17 лардан бошлаб яна фаоллик кузатилади. Бу фаоллик кечки 20-21 ларгача давом этиб, тунги 22-23 дан то тонггача (тонгги соат 4 ларгача) организм яна сокин ҳолатда бўлади. Организмда рўй берадиган физиологик жараёнлар ва улар билан боғлиқ равишда одам рухиятидаги ўзгаришлар бевосита уйғун-

лашиб кетган. Инсоннинг рухий олами, шахс психикасининг намоён бўлиши қонуниятлари ва механизмлари ҳақида гапирилганда, бу боғлиқликни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Бундан 100 йиллар олдин буиларимиз эрталаб тонгги 4-5 ларданок уйқудан туриб, уй юмушлари — сигир соғиш, нон ёпиш, кўп сонли оила аъзоларига нонушта тайёрлаш, эркакларни ишга кузатиш билан машғул бўлган. Бу пайтда инсон физиологик жихатдан фаол бўлгани боис, улар бундай юмушларни осонликча уйдалаган. Бугун эса аксарият аёлларимиз кунни эрталабки соат 7 лардан бошлайди. Табиийки, кўп юмушга улгурмай, физиологик сулаланиш бошланади. Бу — организм биологик соатининг бузилишидир.

Биологик соат ҳақида ҳамма ҳам етарлича билимга эга эмас. Аммо аждодларимиз биологик соатни нафақат билган, балки унга қатъий амал қилган. Уни қадрият даражасига кўтарган. Эрта тонгдан туриб дарвозани очиб, келинларнинг кўчага сув сепиб, супуриши каби ҳолатлар бунинг далилидир.

Қадриятларнинг қадри топиши муаммолар ечимидир

Оилавий муносабатлардаги муаммоларга қадриятларнинг унутилиши сабаб бўляпти. Масалан, илгари ота ўтирган уй тепасига фарзанд чиқмаган. Оталар шу даражада эъзозланган. Афсуски, бугун бу одат ҳақида ҳатто эшитмаган ёшлар ҳам бор. Оталарни шундай қадрлашни ўрганмаган, ғарбнинг тенг ҳуқуқийлик, демократик жамият ниқобига ўранган тутумларига эргашаётган ёшлар ўз падарига қўл кўтаришдан ҳам қайтмайди.

Эркак кишининг оилада ўз ўрнини билмаслиги, оила ташвишларини аёл зиммасига юклаши ёки эр кишининг иши фақат пул топиш деб фарзанд тарбиясидан узилиб қолиши ҳам аслида қадриятларнинг бузилиши сабабли келиб чиқмоқда. Агар халқимиз қадриятларига, динимиз кўрсатмаларига амал қилсак, жамиятнинг оғрикчи нуқтаси бўлган оилавий муаммолар барҳам топади. Агар қадриятларимизни ўргансангиз эр-хотин, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклиги кўрсатиб берилган.

Илмий-тадқиқот натижаси ўларок, ишлаб чиқилган амалий қўлланмаларда мазкур вазифани қандай бажариш мумкинлиги илмий асослар билан содда тилда тушунтириб берилди. Маҳаллардаги кенгаш аъзолари ва фаоллар бу қўлланмадан унумли фойдаланиб, ундан олган билимларини бошқалар билан баҳам кўрсатишга мақсадга етамиз. Зеро, оилавий муносабатларда юзга келаятган муаммоларни бартараф этиш сизнинг ёки менинг эмас, барчамизнинг бирдек вазифамиздир.

Боборован ҒОЗИДДИНОВ
тайёрлади.

ЛУҚМА

Йигитнинг бойлиги орияти эмасми?

Шу кунларда тўй маросимларида «куёв салом» қилган йигитлар кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўляпти. Вазиятни ўрганиш мақсадида виллоятлардаги танишларимиздан бундай удум ҳақида нималарни билиши ҳақида сўрадик. Афсуски, айрим худудларда «куёв салом»га ҳурмат белгиси сифатида қаралар экан.

Наҳотки, гурури бўйидан балинд деб таърифланадиган йигитларимиз кайнона-қайнотасига шу тарика ҳурмат билдирса?! Ахир йигитнинг бойлиги — орияти эмасми? Қолаверса, улоғларимиз таъкидлашча, Аллоҳ эр кишини аёл бошига раҳбар қилган экан. Сузилиб, етти букилиб, меҳр билан эгиллаётган йигитларимизни кўз олдингизга келтиринг! Улар бундай раҳбарлик лаёқатига эгами? Улар ўша лаҳзаларда нималар ҳақида ўйлар экан...

Дахшатлиси, тарқалган видео лаҳзаларда куёв бола қайнота-қайнонаси, янги қариндошларидан совға-салом олмагунча эгиллаверади. Ғуё йўққилидан қийналгач, пул сўраб ялиниб-ёлвораётгандек. Эркак киши оиланинг моддий таъминотини тўқлиқ ўз зиммасига олиши керак эмасми, ахир?

Алпомиш зиндонда ётганида Қоражон дўсти уни овоз қилиш учун келади. Алпомиш Қоражон узатган арқонни белига боғлайди. Дўсти

уни тортиб, зиндоннинг ярмигача олиб чиққанида Алпомиш кун келиб Қоражон «Сени мен овоз қилганман» деб миннат қилса, ундан кўра ўлганим яхши эмасми, дея арқонни кесиб юборади. Достондаги мана шу ҳолатда халқимизда эр йигитнинг гурури қанчалик қадрланганини кўриш мумкин.

Энди Алпомиш авлодлари деб таърифланадиган йигитларимизнинг тўйи кунни «совға» олмагунча эгилиб-букилиб салом беришини тасаввур қилиб кўринг! Бундай эркаклар эртага хотинига қарам бўлмаслигига қафолат борми? Қизнинг ота-онаси «куёв салом» қилаётган йигитга кейинчалик қандай муносабатда бўлади?

Кишини ўйлантирадиган яна бир жиҳат: «куёв салом»ни ёши улуг, ҳаёт тажрибасига эга, камиди икки-уч нафар боланинг отаси бўлган эркак айтаяпти! Уларга қараб: «Илтимос, бошқа барча жанрлардаги кўшиқларни айтинг. Фақат эр ўғлоннинг бошини эгитишга мажбур қиладиган «ўлан»ингизни айтманг!» дегингиз келади.

Инсон рухиятини тик тутиб турадиган ягона нарса, бу — гурурдир. Ака-укаларим, сиздан илтимос, ориятингизни оёқости қилманг...

Гулчеҳра АШУРОВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий кенгаши Ёш оилалар
ва хотин-қизлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи.

«Malibu Turbo» ва «Tracker» автомобилларига байрамона чегирмалар тақдим этилади.

Турмуш ажрашиш учун қурилмайди-ку?!

Бир оиланинг ярашиб кетиши — ундаги ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, меҳрга муҳтож норасидаларни тирик етимликдан, кўнгли яримликдан асраб қолиш дегани

Онаси оддий келишмовчиликдан аразлаб уйига қайтиб келган Кароматга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига пайшадан фил ясаб, муаммони бўрттириб юборди. «Бир эмас, бешта қайинсинглинг бор. Уй ишларини ўшалар қилсин. Сен кун бўйи ишда чарчайсан», деб қизининг кетишига йўл бермади. Кўп ўтмай, дунёга келган чақалоқ ҳам бу вазиятнинг кўнглини юмшатолмади. Ёшларни яраштириш, келини ва набирасини олиб кетиш илгиркида келган қайнотаннинг сўзлари ҳам оғзида қолди. Қудасининг ёшларни алоҳида яшаш шартини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолди.

Алишер оилада ёлғиз ўғил бўлса, қизлари эртага узатилади-кетди. Ахир, шу уй-эҳой уники. Қолаверса, гўлдек набирасини эркалаб ўстиришини истайди. Шу каби уй-ҳаёллардан боши қотган ота нажот истаб маҳалла фуқаролар йиғинига боради. Лекин афсуски, маҳалла кайвонилари-ю оқсоқолнинг тушунтиришлари ҳам қудасини эзрдан тушира олмади. Икки ўртада сарсон гўдак уч ёшга тўлгунча уларнинг ҳаёти шу зайдла давом этди.



Аризасини қайтариб олди

— Бу оиланинг тақдири чуқур таҳлил қилиниб, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳаётини изга тушириш бўйича мутахассислар томонидан тақлифлар берилди, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Равшанбек Бобожонов. — Аввал улар ўзи яшайдиган тумандаги ФХДБ бўлими қоидада оила қурувчи ва оиласида маслаҳатча муҳтож ёшлар учун ташкил этилган ўқув-семинарларга жасаб этилди. Бошида мажбуран келган ёшлар ярашиб кетган оилаларни кўриб, мутахассисларнинг дўстона маслаҳатларини тинглаб, дарсларга астойдил қатнай бошлашди. Боз устига, бу ўқув маъмулоти лари анчадан бери айрилиқда яшаётган ёшларнинг ёнма-ён ўтиришига, суҳбатлашишига, муносабатларида илқлик пайдо бўлишига имкон яратди. Ота-оналарни эса «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, маҳалла фаоллари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилот мутахассислари муроасага келтиришига ҳаракат қилишди. Ҳар икки ҳонадоннинг ҳам эшикларини такрор-такрор таққилатишдан эринишмади. Бундай айрича яшати бизнинг меънатлигимизга ёт, оиланинг шавъига ярашмаслиги, ажралишдан бахт ҳам, баракка ҳам топиб бўлмаслиги тушунтирилди. Ниҳоят, жорий йилнинг июль ойида Алишер билан Каромат ажралиши учун берган аризасини қайтариб олишди. Ёшларнинг юзиданги қувонч, қудаларнинг бир-бирига илқ муамаласи ва кичиктотининг отаси бағрида шодон вояга етаётганини кўриб, қилган ҳаракатларимизнинг натижасидан кўнглимиз тўлди.

774 нафар гўдакнинг бахтли ҳаёти сақлаб қолинди

Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, Хоразм вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тузилган никоҳлар сони 7 минг 407 тани ташкил қилган бўлса, ажралишлар сони 506 тага етди. Жумладан, ажралиш ёқасида турган оилалар ҳаёти ўрганилганда, улардан 292 тасида ёшларнинг ҳаётга тайёр эмаслиги ва эр-хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, 128 нафариди учинчи шахс аралашуви, 33 нафариди бефарзандлик, 26 нафариди ичкиликбозликка ружу қўйиш, 17 нафариди ташқи олиш борасида олиб борилган ишлар натижасида вилоят бўйича ажрим арасида бўлган жами 713 нафар оиланинг 531 нафари сақлаб қолинди. Бу эса 774 нафар ўғил-қизларимиз ота-онаси бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқда дегани.

Бир оиланинг ярашиб кетиши — ундаги ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, меҳрга муҳтож норасидаларни тирик етимликдан, кўнгли яримликдан асраб қолиш дегани.

Маҳалла биринчи қадамни ташлайди

Ёшларнинг ўз хатосини англаб етаётгани, фарзандларининг бахту қиёли учун оиласини сақлаб қолишга уринаётгани, албатта, қувонарли ҳолат. Лекин орамизда гурурини хар нарсадан устун билиб, эртанги аянчли турмушига боқишга истамаётганларнинг ҳам учраётганидан кўз юма олмаимиз.

Ана шундай низоли оилаларга маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятлар

ни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, кайвони онахонлар, намунали оила вакиллари бўлган оталар, имом-хатиблардан иборат жамоа аъзолари ёшларга тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

— Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишда маҳалла биринчи қадамни ташлайди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. — Қанчадан-қанча оилалар маҳалла мутасаддилари кўмаги билан бахтли ҳаётини давом эттирмоқда. Айниқса,

сак, сабаблар талайгина. Энг муҳими эса уларни илдиз отиб кетишига йўл бермаслик. Бу марсада эришишда таъсирчан видеоролик ва ҳужжатли фильмлар намойиши, айниқса, ўз самарасини кўрсатмоқда.

Хатосини тушунди

Қилинаётган ишларга баҳо беришда кўпинча рақамларга мурожаат қилишга ўрганиб қолганмиз. Тўғри, масалани аниқ фактлар асосида таҳлил қилиш анча самарали усул, лекин гап оилавий ажрим, фарзандларнинг жабр чекиши борасида кетганда, битта ҳолат ҳам кўп. Турмушини тиклаган оилалар сони қанча юқори бўлса ҳам камдек.

— Сирдарё вилоятида 2019

«Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, Хоразм вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тузилган никоҳлар сони 7 минг 407 тани ташкил қилган бўлса, ажралишлар сони 506 тага етди.»

бу борада Яраштириш комиссияларининг фаолияти алоҳида эътиборга молик. Ҳозирги кунда комиссия таркибига ўзоқ йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган, тақдир синовларини бирга енгиб ўтган отахон ва онахонларни жалб этишга ҳаракат қилиялми. Улар ўз ҳаётини тажрибалари мисолида оила қадр-қиммати нақадар юксак эканини ёшларга муносои тушунтириб беришмоқда. Назаримизда, фақат ёшлар эмас, уларни тарбиялаётган ота-оналар билан ҳам ишлаш тизимини кенгайтиришга эҳтиёж катта. Кўпинча улар ҳам фарзандларининг турмуши бузилишига сабабчи бўлиб қолаётганидан кўз юма олмаимиз. Хуллас, санайдиган бўл-

йилнинг 6 ойи давомида 441 та оила яраштирилиб, 743 нафар фарзанд яриметимликдан сақлаб қолинди, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Олия Турдиева. — Ажрим ёқасида турган 342 нафар оилалар билан тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш натижасида 29 нафар оила ўз аризасини суддан қайтариб олишди.

2019 йилнинг 6 июнь кунги Латофат ва Равшан (исмлар ўзгартирилган) келишмовчилик сабаб Оқолтин тумани фуқаролик судига ажралиши ва алимент ундириш учун ариза берган. Аслида бир-бирини тушунмаслик, аёлнинг фар-

зандини алимент пули билан боқилишга қурбим етади, деган хомхаёллари бир оиланинг дарз кетиши учун арзимас баҳона ҳолос. Мутасадди ташкилотлар олиб борган тушунтириш ишлари ва суҳбатлар натижасида эр ва хотин ўз хатоларини тушуниб етилади.

«Ярашиб адашмадим»

— Баъзан инсон қилган хатосидан тўғри ҳулоса чиқариши учун анча вақт талаб этилади, — дейди Тошкент вилоятида истиқомат қиладиган Саломат Воҳидова (исм-фамилия ўзгартирилган). — Мен ҳам оиламни сақлаб қолиш учун анча курашимизга тўғри келди. Турмуш ўртоғим билан уч йилга яқин алоҳида яшадик. 4 нафар фарзандга таълим-тарбия беришда жуда қийналадим. Гарчи ажралишимизга орада учинчи шахснинг аралашуви сабаб бўлган бўлса-да, болаларимнинг келажаси ва оилам ҳурмати учун ҳамма нарсага кўз юмишга қарор қилдим. Адашмаган эканман, ҳозир бағри бутунликда бахтли турмуш кечирялми.

Бир неча йиллар давомида ажримда юриб, бирга яшамаган оилаларнинг яраштириладигани маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилотларнинг олиб бораётган ишлари самараси дейиш мумкин. Zero, бир ҳонадоннинг парокандалиги жамиятда бир неча кўнгли ярим инсонларнинг кўпайишига олиб келади. Шундай экан, хар биримиз муқаддас саналмиш оиланинг бахту саодати учун масъулмиз.

Шахноза РАҲИМХЎЖАЕВА
«Mahalla»

«Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак»



Жорий йилнинг ўтган муддатида Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 768 та маҳалланинг 500 тасида бирорта жиноят қайд этилмади. Бу кўрсаткич ўтган йилда 167 тани ташкил этган эди. Бундан ташқари, вилоят миқёсида ташкил этилган Яраштириш комиссияси томонидан 26 нафар коллеж, ҳатто мактаб ўқувчи қизларининг эрта турмушга чиқишининг олди олинди. «Қайноналар кенгаши», «Бувижонлар мактаби» ва жамоатчиликл нazorати гуруҳлари билан ҳамкорликда қўни-қўшни жанжаллари, иш жойларидаги келишмовчиликлар жойида ҳал этилмоқда.

— Ўрганишларга кўра, эр ёки хотиннинг ишсизлиги, айрим оилаларнинг уй-жойга эга эмаслиги, фарзандлар тарбиясидаги хатоликлар, эркак ёки аёлнинг жиноятига қўл ургани, яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар оилавий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари Омон Хўшмуродов. — Шундан келиб чиқиб, вилоят миқёсида ташкил этилган Яраштириш комиссияси ва ишчи гуруҳлари уйма-уй юриш орқали оғир турмуш шароитида яшаётган ва бу, ўз навбатида, оилада нотинчлик келиб чиқишига сабаб бўлаётган ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Хусусан, 431 оилага комиссия тавсиясига асосан уй-жой берилган ва нотинчлиги бартараф этилган. Нотинч оилаларда истиқомат қилаётган 1576 нафар касалманд хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, 2062 нафари иш билан таъминланган ва уларга 1 миллиард 964,4 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Ўз уйингни ўзинг асра!

Ғузор туманидаги «Апарди» маҳалласи фаоллари бу борада тизимли ишлар олиб бормоқда. Улар тунги навбатчилик гуруҳларининг фаолияти, ҳарбий хизматга қабирилувчи ёшларнинг тайёргарлиги, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамларни ортиқча исрофгарчиликсиз, ихчам ва тинч ўтказиш, ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги иштироки каби кўплаб масалаларни назорат қилиб бормоқда. Ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳолининг тинчлиги ва осойишталиги таъминланмоқда.

Яқин 5-6 йил ичида 5367 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ушбу маҳаллада бирорта ҳукукбузарлик ва оилавий ажралиш ҳолатлари аниқланмади.

— Жиноятчилик, асосан, ишсизлик, бекорчиликдан келиб чиқади, — дейди маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Мехри Сатторова. — Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаш масаласига жиддий ёндашилмоқда. Ёшларимиз ёзи тавтил вақтларида ҳудудимиздаги 28- ва 41-мактаблар қоидада ташкил этилган спорт тўғрисидаги жалб қилинган. Қизларимиз эса тикувчилик ва тўқувчилик билан шуғулланганидан хотин-қизларимизга устоз-шогирд асосида бириктирилган.

Икки ёки уч кишининг саъй-ҳаракати билан маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириб, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириб бўлмайди. Шунинг учун маҳаллада давлат идоралари, зиёлилар, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик тузилмалари ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Натижалар ёмон эмас. Маҳалла ҳудудида ҳамма бир-бирини яхши танийди. Бегона киши келгани, унинг кимлиги, нима мақсада келгани ҳақида бир зумда маълумот тўпланади.

— Маҳалламиз ўртасидан катта йўл ўтгани учун тунги навбатчилик қаттиқ назорат қилиб борилади, — дейди «Апарди» маҳалла раиси Чори Хайдаров. — Агар маҳалладаги қайсибир муаммо «бу менинг ишим эмас», деб ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у яна бошқа кўплаб кўнгилсизликларга сабаб бўлишига шубҳа йўқ. Шу сабабли биз аҳолини «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган шiori билан доим сергак ва огоҳ яшашига, аҳоли онгига «Менинг ма-

Бундай юксак туйғу шу азиз Ватанда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро тафаккурдан чуқур жой олиши зарур

ҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак!», деган тушунчани шакллантиришга ҳаракат қилимиз. Шунингдек, маҳаллада ишсизликни бартараф этиш учун томорқаччиликни ривожлантириш, хонадонларда иссиқхона ташкил қилиш бўйича ҳам тизимли иш олиб боришимиз. Шунингдек, аҳолини жамоат ишларида жалб этиш орқали, уларга давлат томонидан яратилган махсус фонд орқали иш ҳақи тўланапти.

Тубанлик ботқоғи

Айрим маҳаллаларда содир этилаётган жиноятлар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, маҳаллаларда ҳукук-тартибот идоралари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, унинг жирканч оқибатлари ҳақида кенг қамровли тарғибот тадбирлари мунтазам олиб борилаётганига қарамадан, айрим кимсаларнинг бундай ноқонуний хатти-ҳаракати учун ҳар дақиқада имкон кидираётгани ачинарли ҳолдир.

— Вилоят ҳудудида наркотик моддаларнинг ноқонуний айлинишига қарши кураш ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар ходимлари томонидан олиб бориладиган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 84 та ҳолат аниқланди, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Дилинод Акбаров. — Қонунга кўра, гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, олди-сотилишида иштирок этиш, воси-

ўсимликларни, Чирокчи тумани Олмазор кишлоғида яшовчи К.Я. гултувакда 11 туп кўкнор ўсимлигини етиштирган.

Ишсизлик — энг катта сабаб

— Мен ҳаётнинг аёвсиз зарбалари қаршисида оҳиста қолдим, — дейди Китоб тумани Ҳамид Олимжон номи маҳаллада яшовчи Қасрамон Раҳматов. — Иш излаб чет давлатга кетиб, диний маълумотни етарли бўлмагани учун ўша ерда айрим галамис кимсалар таъсирга тушиб, яқинларим, халқимга қарши чиқдим, улар юзига оёқ босдим. Тўғри йўлдан адашганим сабаб оила аъзоларим бошига қанча-қанча қулафат, ғам-таъвишларни солдим. Турмуш ўртоғим касалманд бўлиб қолди. Қолаверса, фарзандларимнинг никоҳ тўйида ота бўлиб ёнида тура олмасам қалбимни тирмайдим. Қани вақтини ортга қайтаришнинг имкони бўлса-ю, қилган хатоларимни тўзата олсам. Аммо бунинг сира иллати йўқ. Ғурусатдан фойдаланиб, бизни афв этган, қилган нотўғри ишларимиздан тўғри хулоса чиқаришга, яқинларимиз бағрига қайтишига имкон берганлари учун Президентимизга, халқимизга беҳад миннатдорлигини билдирмоқчиман. Токи тирикман, бу кунни унутмайман.

Қарши шаҳрида вилоят ҳокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси мана шундай инсонлар билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида ҳоким овоз этилган шахслардан бирма-бир каерга ишга жойлашгани, ўзи ва оила-сидагиларнинг кайфияти, рўзғоридаги камчиликлар ҳақида сўради. Туман ва шаҳар ҳокими ўринбосарлари афв этилганларни ишга жойлаштириш, саломатлигини тиклаш борасида қилинган ишлар ҳусусида батафсил маълумот беришди. Тузалиш йўлига қатъий ўтган инсонларга ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ташкилотлари раҳбарларига топшириқ берилиб, назоратга олинди. Айни пайтда ушбу фуқароларимиз Президентимиз ва халқимиз томонидан афв этилганларга қилинган ғамхўрлик, меҳр ва эътибор уларнинг ҳаёт йўлида оғишмай тўғри боришлари учун берилган яна бир имконият эканини англаб етганиди.

Сўнгги пушаймондан ҳеч кимга наф йўқ. Шунингдек, бирор салбий воқеадан кейин асл айбдорни излашдан ҳам... Ён-веримизда юз бераётган ҳодисалардан ўз вақтида огоҳ бўлсак, локайлик никоҳидан буткул воз кечиб, оилалар, маҳаллалар, қолаверса, юртимиз тинчлиги ва таракқиётига муносиб ҳисса қўшишга татриқсак, ҳудудларимиз жиноятдан холи бўлишига шубҳа йўқ.

Мазкур эзгу амаллар ҳеч биримиздан катта маблағ ёки чексиз жасорат талаб қилмайди. Бунинг учун дахлдорлик ҳиссини қалбан туйиб, руҳимизни эгалаган бефарқлик аталмиш бир қарашда беозор, аслида эса, энг ёвуз иллатдан халос бўла олсак, бас.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

«Икки ёки уч кишининг саъй-ҳаракати билан маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириб, соғлом маънавий муҳитни қарор топтириб бўлмайди.»

тачилик қилиш, сотиш ва ҳоказолар учун тегишли жазолар белгиланган. Шунга кўра, аниқланган ҳолатлар бўйича 90 нафардан зиёд шахс жиноий жавобгарликка тортилди, улардан 40 килограммдан зиёд гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олинди.

Профилактика тадбирлари давомида аниқланишига, Қарши тумани Талликурон кишлоғида яшовчи Н.Ҳамидов таркибида морфин, тебаин ва колден гиёҳвандлик воситалари бўлган 737 туп опийли кўкнор ўсимлигини етиштириб келган. Эксперт-криминалистика гуруҳи хулосасида опийли кўкнорнинг қуритилмаган ҳолдаги соф оғирлиги 90 килограмм 500 грамм дея кўрсатилган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Ғузор тумани «Кераит» маҳалласи Зангтепа кишлоғида яшовчи, 1967 йилда туғилган Ш.Қ. эса ҳовлисида чуқур қовлаб, таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддаси бўлган 6 туп каннабис ўсимлигини парваришлаган. Косон тумани «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Р.Ж. томоркасида 12 туп ўткир хилли, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган

Ички ишлар органлари ходимларига нега қаршилик кўрсатилди?

Кейинги пайтларда халқимиз орасида ижтимоий тармоқлар шу даражада оммалашдики, ҳар ким кўрган-билган, тасдиқланган ва тасдиқланмаган турли хил воқеа ва ҳодисаларни қўл телефони ёрдамида фото ва видео съёмка қилиб тарқатмоқда. Бир томондан бу аҳолини тезкор хабарлар билан таъминласа, иккинчи томондан халқимиз орасида ваҳима уйғотиб, тасдиқланмаган ахборотларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Ижтимоий тармоқ — хатарли қармоқми?

Яқинда ана шундай воқеалардан бири Тошкент вилояти Оккўргон туманидаги «Оккўргон дехкон бозори»да савдо қилувчи аёлларнинг ички ишлар органлари ходимларига норозилик билдириб, жанжаллашганга акс эттирилган видеоларча эълон қилинди.

Унда жорий йилнинг 14 август куни соат 11.00ларда «Оккўргон дехкон бозори» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида хавфсизликни таъминлаш ва ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида бозор ҳудудига А.Навоий кўчаси томондан кириш қисмини девор билан беркиштириш учун туман ҳокимининг 1836-сонли «Оккўргон шаҳри «Бирлик» маҳалласи А.Навоий кўчаси ҳудудидаги бўш турган ер майдонида фуқаро Даврон Курбонов томонидан икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун рухсат бериш» тўғрисидаги қарори асосида қурилиш ишлари бошланган вақтида шу ерда полиз экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан шугулланаётган Э.А., Ю.А. ва Н.Б. исмли аёллар девор қурилса, савдолари юришмаслигини рўқча қилиб, фуқаролар орасида жамоат тартибини бузишган ва бақир-чақир қилиб, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига қаратиб, усталар ва бозор раҳбарини ҳақорат қилиб, қурилатган деворни бузиб ташланган воқеаси акс этган.

Аслида бу жой бозорнинг асосий кириш йўлаги ёки бозор дарвозаси ҳам эмас. Бу ерда ёлғизлар туғайли автомобиллар тирбандлиги вужудга келмоқда.

Воқеага оидинлик қиритилди

Мазкур ҳолат бўйича «Оккўргон дехкон бозори» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти томонидан туман ИИБ навбатчилик қисмига келиб тушган хабарга

кўра, Оккўргон тумани ИИБ масъул ходимлари ва ҳудудий профилактика инспектори тартиббузарликни бартараф этиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойга етиб боришган вақтида бозорда савдо қилувчи юқорида санаб ўтилган аёллар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмасдан, қаршилик кўрсатишган.

Шундан сўнг, ички ишлар органлари ходимлари томонидан фуқаролар Э.А., Ю.А. ва Н.Б.ларнинг тартиббузарлик содир этишларининг олдини олиш чоралари қўрилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ички ишлар органлари ходимлари бозор ҳудудида тартиббузарлик содир этаётган фуқароларга имкон қадар ҳушмуомалалик билан муносабат қилишган. Аммо аёллар ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмай, жамоат тартибини бузишга қаратилган ўз хатти-ҳаракатларини давом эттирганиликлари сабабли, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган салбий оқибатларга чек қўйиш мақсадида ҳукукбузарларни туман ИИБга олиб бориш чоралари қўрилган ва суриштирув ишлари олиб борилган.

Аёлларни махсус автомашинага олиб қилиаётган ҳолати шу атрофда жараёни кузатиб турган фуқаролар томонидан қўл телефони орқали тасвирга олинган, ижтимоий тармоқларда тарқатилган.

Воқеа содир бўлган куни туман ҳокими ва унинг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси шу ердаги аёллар билан суҳбатлашган. Айни вақтда ушбу аёллар ўз юмушлари билан машғул.

Маст ҳолдаги фуқаро ички ишлар органлари ходимига тўққинлик қилди

Юртимиздаги барча давлат ташкилотлари ходими халқимиз фаровонлиги, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устувор бўли-

шини таъминлашга хизмат қилмоқда. Сўзимиз давомида қонуний манфаатлар устуворлиги деган сўзни ишлатганимиз бежиз эмас.

Бойси айрим юртдошларимиз уларга бўлаётган ҳурмат, эътибор ва қўмақларни суниётасанми қилганча, қонунбузарликларга йўл қўйиб, давлат ташкилотлари ходимлари билан қўпол муносабатда бўлмоқда ёки уларга қўл кўтариб, тан жароҳати етказмоқда. Натижада эса бу каби фуқаролар қонун олдида жавоб беришларига тўғри келмоқда.

Бундай ҳолат жорий йилнинг 17 август куни Навоий вилоятида ҳам юз берди. Шу куни соат 19:10ларда Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ЙХХБ инспектори Навоий шаҳри И.Каримов кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келган, давлат рақам белгиси 85 971 SAA бўлган «Cobalt» русумли автомашинани пидега йўл бермагани учун тўхташиб, ҳайдовчидан автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини тақдим этишни сўраган, аммо ҳайдовчи Жасур Сайитовда мазкур автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаган. Шу сабабли, инспектор қонуний тартибда ҳайдовчи Ж.Сайитовга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, автомашинани Навоий шаҳридаги жарима майдончасига олиб келган.

Бундан хабар топган ҳайдовчи Ж.Сайитовнинг 44 ёшли отаси Алишер Ҳайитов жарима майдончасига маст ҳолатда келиб, инспектор томонидан автомашинани жарима майдончасига қўйишга фаол қаршилик кўрсатган. Сўнг уни ҳақоратлаб, унга қўл кўтарган ва тан жароҳати етказган. Натижада жиддий жароҳат олиб, Республика шифолини тез тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалига олиб борилган. Ҳозирда унга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Мазкур ҳолат юзасидан Навоий шаҳар прокуратураси томонидан терговга қадар текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўз ўрнида фуқароларимизга бу каби ҳаракатлар қонунбузарлик ҳолати эканлигини эслатиш билан бирса, ҳар қандай келишмовчилик ва эътирозларини тартиб-бузарликка қўл урмай, қонуний йўл билан ҳал этишга эътибор қаратишларини сўраб қоламиз.

Рашид НАСИЛЛАЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
матбуот хизмати ходими.



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Собик раҳбариятга ҳукм эълон қилинди

2019 йил 19 август куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида судланувчилар — Равшан Ибрагимов (Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг собиқ бошлиғи), Улуғбек Назаров (Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғининг собиқ ўринбосари), Алижон Абдуллаев (Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш масалалари департаменти Чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлганларни топиш ва рўйхатга олиш бўлими собиқ бошлиғи) ва Озод Махсудов (Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Жўнаб кетишдан олдинги мослаштириш ва ўқитиш марказининг собиқ директори)га нисбатан жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни ниҳоясига етди ва суд ҳукми эълон қилинди.

Мазкур жиноий иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Ориф Қиличев раислигида ҳамда халқ маслаҳатчилари Х.Рихсиева ва Г.Қосимовадан иборат суд таркибида кўриб чиқилди.

Суд ҳукмига кўра, **Равшан Ибрагимов** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди, 28,211-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари ва 278-2-моддаси 2-қисми «в», «г» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилиди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, узил-кесил ўташлик учун 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юқлатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, **11 йил муддатга** озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Улуғбек Назаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди ва 28,211-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари, 278-2-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари ва 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилиди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, узил-кесил ўташлик учун 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юқлатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, **12 йил муддатга** озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Алижон Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди, 28,211-моддаси

3-қисми «а», «б» бандлари, 278-2-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари ва 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилиди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, узил-кесил ўташлик учун 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юқлатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, **11 йил муддатга** озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Озод Махсудов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди, 28,211-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари ва 278-2-моддаси 2-қисми «в», «г» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилиди. Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, узил-кесил ўташлик учун 3 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юқлатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, **11 йил муддатга** озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Айбдорларнинг барчасига тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Мазкур жиноий иш бўйича судга раислик қилувчи томонидан судланувчиларга ва бошқа томонларга ҳукм устидан шикоят қилиш тўғрисида муддати тушунтирилди.

Азиз ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди матбуот хизмати
раҳбари вазифасини
бажарувчи.



Чегирманинг ҳам чегараси бўлиши керак

Истеъмолчиларни қизиқтириш билан бирга уларни талаб даражасидаги сифатли маҳсулот ва хизмат билан ҳам таъминлаш зарур

Кучли психологик таъсир

Бугун юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтириши аниқ. Шундай шартларда ҳамма ҳам ўз маҳсулотининг харидоригр бўлиши учун ҳаракат қилади. Айниқса, миқозлар эътиборини жалб этиш мақсадида турли чегирма ва акцияларнинг эълон қилиниши бугун урфга айланган. Бу ҳолат эса бевосита инсон психологиясига таъсир кўрсатишини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.



— Бирор маҳсулот ёки эълон қилинган чегирмалар ҳақидаги хабарнинг инсон психологиясига таъсир жуда кучли, — дейди психолог **Шоира Исоқова**. — Бунинг босиси унда фақат ижобий жиҳатларга ургу берилади. Аслида ҳам реклама психологияси ўз олдига қилишларни бундан беш дақиқа олдин ҳаётига ҳам келмаган нарсаларни харид қилишга ундашни мақсад қилиб олган. Ёки бошқа маҳсулотлардан деярли фарқ қилмайдиган буюмга бўлган талабни оширади. Бу қармоққа тушиб қолмаслик учун эса маркетингда қўлланадиган ўзига хос усуллардан хабардор бўлиш талаб этилади. Шундагина сиз ўзингиз учун зарур ва фойдали харидни амалга оширишингиз мумкин.

Миқозларни рағбатлантириши ва қўшимча соғалар тақдим этиши жуда кўп учрайдиган ҳолат. Харид қилинган буюмга қўшимча тарзда туҳфа этиладиган маҳсулот (гарчи у кичик бўлсада) кўпчиликлда қизиқиш уйғотади.

Шундай усуллардан яна бири муҳассиларнинг тавсиялари асосида суратга олинган реклама роликларни саналади. Таклифларини маълум муддат доирасида чегараланиши ҳам миқозларни жалб этишида жуда фойда беради. Чунки одамлар доим камёб ва тугаб қолиш эҳтимоли юқори бўлган буюмларни харид қилишга ўч бўлишади.

Аслида маркетингга қўйиладиган асосий талаблардан бири истеъмолчиларни қизиқтириш билан бирга уларни талаб даражасидаги сифатли

маҳсулот ва хизмат билан ҳам таъминлаш зарурлигидир. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида сиз энг, аввало, синовдан ўтган, шу кунга қадар ишончингизни қозongan маҳсулотларни танласангиз адашиб қолмайсиз.

Истеъмолчи ҳуқуқи муҳофазадами?

Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бундай вазиятда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига ҳам йўл қўймаслик зарур. Хар қандай маҳсулот ёки хизмат кенг оммага тарғиб этилар экан, шу жиҳатни ҳам ёддан чиқармаслик талаб этилади.

— Маълумки, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан товарларни истеъмолчиларга реализация қилишда сотилишнинг ҳар хил йўллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда турли хил акциялар таъкил этилмоқда, истеъмолчиларга чегирмалар берилмоқда, турли ютуқли ўйинлар ўтказилмоқдаки, мазкур тадбирлар амалдаги қонун нормалари ва талабларини бузмага ҳолда таъкил этилса мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади, — дейди



Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Фарғона вилояти ҳудудий бирлашмаси раис ўринбосари Ғайрат Маматқўлов. — Ушусан, Ўзбекистон Республикасининг

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда истеъмолчилар товар ҳақида, шунингдек, сотувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эгаллиги, сотувчи эса бу борада уларни ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумотлар билан таъминлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, қонунда сотувчилар истеъмолчиларга товар ҳақида нотўғри маълумот бериш билан истеъмолчиларни зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олишларига, сотиб олинган товардан қўзланган мақсадда фойдалана олмаслигига, ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, бу нарса уларнинг истеъмолчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб

бериш бўйича мажбуриятларини келтириб чиқаришини ҳам унутмаслиги керак.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини бузилиши маъмурий жавобгарлиқни, шунингдек, содир қилинган ҳуқуқбузарлик даражаси ва оқибатларига кўра, жиноий жавобгарлиқни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Нотўғри реклама таъкилланади

Яқинда ижтимоий тармоқларда айрим супермаркетлардаги маҳсулот нархлари юзасидан кенг жамоатчилик ўртасидаги қизғин муҳокама қилиниши 10-20 сўм арзон (масалан, 13990 сўм тарзида) кўрсатиб, харидорларни ўзига жалб қилаётгани юзасидан турли мулоҳазалар билдирган. Баъзан арзimas кўринган кайтими ололмаганлар ҳам орамизда анчагина экан. Бу усулни қўллаш ҳам психологик таъсир омилларидан бири. Аслида уни қўллашнинг ҳам қандайдир тартиби ва меъёрлари борми?

— Ўзи ишлаб чиқараётган ёки сотаётган маҳсулотлар нархини белгилаш ҳуқуқи ишлаб чиқарувчи ёки сотувчига тегишли ҳисобланади ва бозордаги талаб ва таклиф муносабатларига кўра белгиланади — дейди **Адлия вазирлиги ҳуқуқдаги ҳуқуқий сўбат тадқиқот институти катта маслаҳатчиси Нурбек Тошканов**. — Нархни 10-20 сўмга арзонроқ қилиб, харидорни жалб қилиш бу — маркетинг. Маҳсулот шу нархда сотилишига эълон берилган ва у шу нархда сотиляпти. Сотиб олиш ихтиёри эса харидорнинг ўзига тегишли.



Бу ерда мажбурлаш ёки харидорни алдашга уриниш ҳолати кузатишмайди.

Лекин агар маҳсулотларга чегирмалар қўлланиши тўғрисидаги эълонда чегирма шартлари тўлиқ кўрсатилмаган бўлса, бу нотўғри реклама ҳисобланади. «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига кўра ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақ-

Яқинда телеграмм каналлари орқали янги кийим дўкони очилиши муносабати билан жуда катта миқдорда чегирмалар эълон қилинаётгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Бозордаги нарх-навоининг тенг ярми миқдорда арзонлаштирилган маҳсулотлар кимда ҳам қизиқиш уйғотмайди дейсиз. Биз ҳам оила аъзоларимиз билан арзimas пулга бир дунё нарса харид қилиш умидида дўкonga бордик.

Одамнинг кўпчилигидан қадам босишга жой йўқ. Бир қарашда кишида нархлар ҳақиқатан ҳам арзон экан-да, деган тасаввур уйғонади. Аммо эълонда кўрсатилган арзон буюмнинг сифати жуда паст, унинг ёнида турган сифатлироғи эса бозордагидан икки баравар қимматроқ. Бу ҳолат кўпчиликлда таажжуб уйғотаётгани уларнинг юз-кўзидан шундоққина сезилиб туради. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қуруқ қўл билан чиқиб кетишди.



ДАРВОҚЕ...

► Ўтказилган талқинот натижаларига кўра, харидорларнинг 90 фоиздан кўпроғи ўзи учун керакли маҳсулотдан кўра, чегирмаларга катта қизиқиш билдиришади.

► Айрим миқозлар эса чегирмага асосан бирор буюм харид қилишдан кўра, ўз нархида хо-надонига етказиб беришларини афзал кўра экан.

► Psychology Today нашри ўтказган сўров натижаларига биноан, инсон психологиясига эълон матни ҳам катта таъсир кўрсатиши аниқланди. Айтилиши, 50 фоизлик чегирмага қараганда харид қилинган буюмга иккинчиси соғва тарикасида берилади, деган хабар самаралироқ натижа беради.

ти, жойи ва услуга нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни жалб қилиш ёки жалб қилиш мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек, давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлгон) реклама ҳисобланади.

Ғуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Мисол учун чегирма деб, чегирма шартлари аниқ кўрсатилмаса, айтилиш, чегирманинг фақат битта маҳсулотга экани аниқ айтилмаса, бу чегирма тўғрисида муҳим маълумотлар қолдириб кетилиши орқали истеъмолчиларни жалб қилиш ҳисобланади.

Демак, берилган эълон нотўғри (ёлгон) реклама ҳисобланади. Мазкур ҳолат юқорида таъкидлаб ўтилганидек жавобгарликка сабаб бўлади.

Қўринадикки, ҳамма нарсанинг ўз талаб ва меъёрлари мавжуд. Шундай экан, хар бир инсон шахсий манфаатларини қўзлаб бирор ишни амалга оширишдан аввал, бошқалар бунинг жабрдийдасига айланмаслигини ҳам ҳисобга олиши зарур. Зеро, ҳалоллик ва тўғрилиқ билан йўлимиз раван ва узун бўлади.

Шахноза РАХИМХЎҲАЕВА
«Mahalla»

Бу йил пахтанинг 1 килограмми учун 800 сўмдан 1400 сўмгача ҳақ тўланади.

Гўшт нархининг ошиши қандай омилларга боғлиқ?

боқининг замонавий технологиясини жорий қилиш, арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди. Келгуси режалар белгилаб олинди.

ХУЛОСА ЎРНИДА...

Президент қарориди халқимизни арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш кераклиги таъкидланган. Қарор ижросини таъминлаш ишлари эса бошлаб юборилган. Хусусан, 6 минг 500 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида 2023 йилгача мах-

МУАММО ДАРРОВ ҲАЛ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ. ЧУНКИ СОҲАДА ЭНДИГИНА ЎЗГАРИШЛАР БОШЛАНДИ. БУ ИШЛАР САМАРА БЕРИШИ УЧУН ЭСА МАЪЛУМ МУДДАТ ЎТИШИ КЕРАК

Яқинда Давлат статистика қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси юртимиз бозорларидаги гўшт нархларини эълон қилди. Расмий маълумотга таянадиган бўлсак, 15 август кундаги ҳолатга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Бухоро вилоятларидаги бозорларда энг қиммат гўштнинг бир килоси 50 минг сўм!

Бу маълумот кенг жамоатчилик орасида муҳокамаларга сабаб бўлди. Аксарият юртдошларимиз бу нархларнинг осмондан олингани, аслида бозорларда гўшт нархи анча қиммат экани ҳақида фикр билдирди. Бу баҳслар қанчалик асосли экани бизга қоронғи, аммо сўнгги вақтларда нарх ошгани ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тўла қондирилмаётгани бор гап.

ГЎШТ НЕГА ҚИММАТ?


— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва

қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди халқимизни арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш назарда тутилган эди, — дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси матбуот қотиби Анвар Суянов. — Унда соҳага масъул вазирлик ва идораларнинг бажариши керак бўлган вазифалари аниқ белгилаб берилган. Тўғри, бугун бозорда гўшт нархи халқимиз хоҳиш-истағига мос эмас. Лекин бу айни пайтдаги ҳолатимиз учун нормал нарх-наво. Чунки наслчиликда ҳам, озуқа маҳсулотларини етказиб беришда ҳам муаммолар бор эди.

Озуқа маҳсулотлари арзон ва чорва молларининг насли тоза бўлмас экан, гўшт бозоридида ижобий ҳолат кузатилаётган. Шу сабаб соҳага замонавий ва илмий асосланган технологиялар жорий этилмоқда. Бу мазкур муаммоларга ечим бўлади. Жумладан, насли моллар подасини яхшилаш, чорва моллари

маҳсулдорлигини ошириш, сунъий уруғлантириш ишларини жадаллаштириш мақсадида жойларга 210 тонна суюқ азот ва 1 млн. 423 минг

Демак, аҳоли ўртасида чорвачиликни ривожлантириш, кам харажат қилиб, кўпроқ маҳсулот олиш сирини ўргатиш зарурати бор. Бу борада ҳам



доза наслдор буқаларнинг музлатилган уруғлари етказиб берилди. Натижада жорий йилнинг шу кунига қадар республикада 1 млн. 50 минг бош сигир сунъий уруғлантирилди.

Чорва молларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида барча тоифа хўжаликларидидаги 342,7 минг гектар майдонга озуқа экинлари, ғалладан бўшаган 187 минг гектар майдонга тақрорий экин сифатида маккажўхори экилди. Шу билан бирга, 38 минг гектар майдонда озуқа-боп экинлари етиштириш учун томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилмоқда. Қолаверса, жорий йил пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида алмашлаб экишни ташкил этиш мақсадида 140 минг гектар майдонга беда экиш белгиланган. Бунинг барчаси гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилади.

амалий ишлар йўлга қўйилмас экан, қўзланган натижага эришиб бўлмайди.

— Халқимизга чорвачилик сирларини ўргатиш қўмитамизнинг асосий вазифаларидан бири, — дейди А.Суянов. — Маҳаллаларда фаолият юритаётган ветеринар врачларимиз аҳоли хонадонларида боқилаётган чорва

сус наслчилик тармоқлари ташкил этилади. Юқорида таъкидлангани каби сунъий уруғлантириш орқали қорамолларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлигини ошириш мумкин. Шу босқич сентябрь ойидан Самарқанд ветеринария медицинаси институтидида сунъий уруғлантириш билан шуғулланувчи мутахассислар

МЕНДА САВОЛ БОР...

«БУҚА БОҚИШДА НИМАГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?»

— Хонадонимизда буқа боқмоқчи эдим. Уни қандай парваришлаш мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Сайидмурод НУРИДДИНОВ,
Сурхондарё вилояти.


Абдуларда МУСАЖОНОВ,
ветеринар-врач:

— Олти-саккиз ойлик буқаларнинг тирик вазни 15-18 ой ичида 400-480 килограммга етиши мумкин. Бунинг учун уларни кўк ўт, силос, сенаж, пичан, илдиз мевалар, терт, дон, пахта шудхаси, кунжара, шрот ва беда билан озиклантириш керак. Кўк ўт мол организми учун энг қимматли озуқа ҳисобланади: енгил ҳазм бўлади ва яхши ўзлаштирилади. Қишда маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимликлар поялари, илдиз мевалар энг арзон ва тўйимли озуқа ҳисобланади.

Вояга етган буқага кунига 40 килограммгача силос, 10-12 килограмм пичан берилади. Илдиз мевалар — қанд ва хашаки далаги, сабзи молга қуз ва қишда 15-30 килограммгача майдалаб берилади. Сомон ва хашак сувда 2-3 марта ювилиб, 25 фойзгача ем ва чорва бошига 30 грамм ош тузи қўшилган, яхшилаб аралаштирилади. Кейин илдиқ сувда 10-12 соат ивтиб қўйиладиган ва битта молга 5-6 килограммдан берилади. Кунжара, шротни эса кунига 2-3 килограммдан берган маъқул.

БОЗОРДАГИ ГЎШТЛАРНИНГ АСОСИЙ УЛУШИ АҲОЛИ ЗИММАСИДА

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қорамолларнинг 94 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 84 фоизи аҳоли хонадонларида боқилади. Бу бозорларимизни аҳолининг ўзи гўшт маҳсулоти билан таъминлашини англатади.



молларини сунъий уруғлантирмоқда. Бу хизматнинг сифатини янада яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилаб олинган. Қолаверса, яқинда Тошкент вилояти Янгийўл туманида Жанубий Корея технологияси асосида боқилаётган қорамолларни баҳолаш жараёнига бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда мутахассислар аҳоли хонадонларида қорамол

малакасини ошириш маркази ташкил этилиши режалаштирилган.

Шу ўринда очик айтиш керак, муаммо дарров ҳал бўлиб қолмайди. Чунки соҳада эндиgina ўзгаришлар бошланди. Бу ишлар самара бериши учун эса маълум муддат ўтиши керак.

Боборовшан
ГОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Яйловлар доимий эгаликка, ижара ва вақтинчалик фойдаланишга берилади.

«Яхшилар кўмагига муҳтожман...»

Турмуш деб аталмиш ҳаёт уммони турфа синовлар, сир-синаотларга бой. Бошига оғир ташвиш тушган кимсалар ўзгалар кўмагига эҳтиёж сезади, меҳр кутади. Баъзан муаммоларнинг охири кўринмаётгандек туюлади. Аммо ҳар бир иш, масаланинг чораси, имконияти, албатта, топилади. Бунинг учун тушунлиққа тушмаслик, машаққат ва қийинчиликларни ҳамжиҳатликда енгиб ўтиш, сабр билан иш тутиш лозим.

Тахририятимизга Фарғона вилояти Бувайда тумани «Жалаер» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Шоҳиста Шокирова (муаллифнинг илтимосига кўра, исм-фамилияси ўзгартирилди) мурожаат қилиб, ўзининг оғир ҳаёт тарзи, ёш бошига тушган қийинчиликлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

«Бир муаммо тугамасдан, иккинчисига дуч келяпман»

— Турмуш ўртоғим билан ажрашганимга 8 йил бўлди, — дейди кўзлари ёшига тўлган она. — Икки нафар фарзандларим билан онам ва укамнинг уйида яшайман. Каталадек довдида 3 та оила, ўн икки жон бирга туришга мажбуримиз. Баъзан ёш болаларнинг ўзаро тортишувлари ва бошқа сабабларга кўра келин билан келинча олмай ижарада турган пайтларимиз бўлади. Бу ҳам ўзига хос маблағ талаб этади. Ёлғиз бошим билан тонганим рўзгордан ортмайди. Катта қизим бир неча йилдан буён хаста. Шифохоналарда доволатдим, фойдаси бўлгани йўқ. Устига-устак уй-жойсиз турли жойларда жон сақлаш ҳар жиҳатдан толиқтириб қўяди. Нима қилиш, қайга бош уришни

тўловни амалга оширишга имкониятими йўқлигини тушуништиришга ҳаракат қилман, фойдаси бўлмапти.

Ёш онанинг арз-додини тинглаб, бехитиёр уйга толасан. Нега бу иш шу қадар илдиз отиб кетди? Унинг амалий ечимларига нима учун чора топиламаяпти? Туман ва маҳалла фуқаролар йиғинида хизмат қилаётган масъуллар нега қўл қовуштириб ўтирибди?

Саволлар кўп, аммо...

— Маҳалламизда тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади, — дейди «Жалаер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дехқонали Йўлдошев.

— Биз бу оиладаги мавжуд ҳолатдан хабаримиз бор. Шу кунга қадар оилага 2 ёшгача бўлган болалар нафақаси берилди. Айни кунда 14 ёшгача бўлган болалари учун моддий нафақа тайинланган. Албатта, бу ишлар бир оила ҳаёт тарзини яхшилаш, уй-жой масаласини ҳал этиш имкониятини бермайди. Лекин фақат талаб қилиш билан иш битмайди. Аввало, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш зарур. Хусусан, «Хар бир оила — талбиркор» дастури доирасида имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашиш ташкифи билан чиқдик. Аммо улар турли баҳоналарни рўқач қилиб, бу имкониятлардан фойдаланганлари йўқ. Маҳалламизда бундан-да оғир аҳволда кун кечириётган фуқаролар, ногирон ва кам таъминланган оилалар бор. Имкон қадар уларга ёрдам беришга ҳаракат қилияпмиз. Яқинда биринчи гуруҳ ногирони Ғайрат Сайфидиновнинг девори тиклаб берилди. Айни кунда Баркахон Тожиқаримованинг уй-жойини капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрганишларимиз давомида маълум бўлдики, Шоҳиста опа туман «Хунарманд» уюшмасига ишга жойлашибди. Ойлик маоши 610 минг сўмни ташкил этар экан. Икки нафар ёш боласи бўлган онага бу сармоя қанчалик муҳим эканини англаб олиш қийин эмас. Хўш, бу ҳолатда аёл рўзгордан ортириб қачон пул жамғаради-ю, қачон уй сотиб олади?

— Шоҳиста оғир шароитда ҳаёт кечиради, — дейди ёш қўниси Махбуба Отабоева. — Икки нафар фарзанд билан бошпанасиз, турли жойларда ҳаёт кечириш аёти киши учун жуда оғир. Шу боис тез-тез онаси ва укасининг уйига келиб туради. Баъзан турли келишмовчилик, уй-жой масаласида келин ва қайнсингил ўртасида мождаролар бўлиб туради. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Ўзаро аҳил-иноқликда ҳаёт кеч

чириш қанчалик муҳимлиги, ҳамжиҳатлик бўлмаган жойдан фойз-баракка кетишини таъкидлаيمиз, сабр қилишга чақирамиз. «Қўл билан берганга қўш тўймас» деган гап бор. Бу оилага амалий ёрдам беришса, қийналган ёлғиз аёлнинг ҳаёти изга тушиб кетарди.

«Нега бу иш шу қадар илдиз отиб кетди? Унинг амалий ечимларига нима учун чора топиламаяпти? Туман ва маҳалла фуқаролар йиғинида хизмат қилаётган масъуллар нега қўл қовуштириб ўтирибди?»

Муаммонинг ечими топилиди

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартда «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва унга илова қилинган низомда ногирон, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш учун бошланғич бадал (25%) Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, талабгор ишлаётган ташкилот томонидан ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб берилиши айтиб ўтилган. Шунингдек, қолган 75 фоизи эса тижорат банкларида имтиёзли кредит олиб қопланади (талабгор томонидан). Борди-ю талабгорнинг бунга қурб етмаса (кам таъминланган бўлса, доимий даромади бўлмаса), у ишлаётган ташкилот, Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидининг маблағлари ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига бу пуллар тўлаб берилиши кўрсатиб ўтилган.

— Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни ўраниши ва амалий ечимлар топишга алоҳида эътибор қаратиб келамиз, — дейди Бувайда тумани ҳокимининг ўринбасари, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси Олиёхон Асқарова. — «Жалаер» маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган, уй-жойига муҳтож Шоҳиста Шокирова бу масалада бизга тўғридан-тўғри мурожаат қилгани йўқ. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўдудларни комплекс ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ва «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари асосида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли билан ўтказилаётган учрашув ва сайёр қабуллар жараёнида бу оиланинг ижтимоий аҳоли, яшаш тарзи, уй-жойга муҳтожлигидан хабар топибди ва 2020 йилда имтиёзли уй-жой билан таъминлаш чоралари белгиланди.

Туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар, ёлғиз оналарга ҳар жиҳатдан амалий кўмак берилмоқда, қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 30 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, ёлғиз аёллар учун ажратилган уй-жойларнинг дастлабки бадаллари тўлаб берилди. Бу йил яна 20 нафар хотин-қиз ана шундай имтиёزلардан фойдаланадилар. Бундан ташқари, 4 нафари ногиронлар аравачаси, 2 та эшитиш мосламаси билан таъминланди, 10 нафар ижтимоий вазияти оғир хотин-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Тадбиркорлик йўналишида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 27 нафар хотин-қизга 627 миллион сўмлик имтиёзли сармоя берилди. Натижада 11 та тикувчилик корхонаси, 4 та иссиқхона, 4 та оилавий боғча, 2 та аёллар гўзаллик салони ишга туширилиб, 4 минг нафардан ортиқ аёллар бандлиги таъминланди.

Хулоса ўрнида

Биз бир мурожаат ортидан оддий оила ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган муаммони ҳаспўшлаш орқали бонг уриш, қимнидир айбдор қилиш фикридан йироқмиз. Ҳаёт бор экан, унинг ўзига яраша қувонч ва шодликлари, қайғу ва аламлари бўлади. Лекин мавжуд вазиятни кўриб, кўрмаслик, билса-да, билмасликка олиб иш тутиш инсонларга хос ғазилат эмас. Шундай экан, бир мушфик она ҳаёт тарзида учраган муаммога барҳам беришга туман мутасаддилари, тегishли ташкилот вакиллари ҳамжиҳатлик билан бир ёқадан бош чиқариб иш тутишларига ишонч билдирамиз ва бу мавзуга яна қайтамиз.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



билмай сарсонман. Оилавий аҳолимини яхшилаш, уй-жой масаласида амалий ёрдам беришларини сўраб туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилдим. Уй учун дастлабки тўловни амалга ошириш зарурлигини айтишди. Сўнг, икки миллион сўм сармоя тўлаб, банкка бордим. Улар мунтазам ойлик олмасам, уй берибмаслигини уқтиришди. Туман «Хунарманд» уюшмасига ишга кирдим. Энди тўлов учун «қафил» бўлиш кераклигини айтишди. Хуллас, бир муаммонинг охири кўринмасдан бошқа бир муаммога дуч келяпман. Ахир мен улардан текинга уй сўраётганим йўқ. Фақат бошланғич

Уйчи туманидаги «Ҳожибод» маҳалласи Наманган шаҳридан қарийб эллик километр олисда, Учкўрғон туманига яқин жойлашган. Ўтган йили «Обод кишлоқ» дастури доирасида мазкур чекка маҳалла обод масканга айланди.

Тахририятимизга айнан шу маҳалладаги Чилангар кўчасида яшовчи Абдуғани Эргашевдан шикоят хати келди. Қисқача мазмунини бундай: шу йил 15 май кунини бўлиб ўтган «Ҳожибод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови талаб даражасида таъкил этилмади. Энг аввало, сайловчилар вакиллари белгиланган меъёрдан оз бўлди, номзодларни рўйхатга олишда маълумоти, келиб чиқishi ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилмади. Энг асосийси, аввал шу маҳаллага бошчилик қилиб келган тажрибали инсон номзодлар рўйхатига киритилмади. Хўшас, сайловни қайта ўтказилиш керак(!). Аризада шу каби даъволар кўтарилган (хат тахрирмаллиги ва айрим шахсларнинг обрўсига нутур етказувчи айбловлар туфайли тўлиқ келтирилмади).

Аризачи ҳақми ёки бошқалар?

Биз шикоят муаллифи билан учрашдик. Унинг айтишича, бўлиб ўтган сайлов жараёнида мавжуд қонун-қондаларга риоя этилмаган. Хусусан, аввалги раис самарали ишлаб келаётган бўлса-да, сайловга унинг номзоди қўйилмади. Сайловчилар вакиллари ҳам кам иштирок этди. Натижада маҳалла фуқаролар йиғинига номуносиб раис

қилдим. Кейин ўйлаб кўриб, фикримдан қайтдим. Лекин А.Эргашев менинг номимга прокуратурадан келган жавоб хати нусхасини мен уйда йўқлигимда келиб, отамдан олиб кетибди. Ҳозирда бу масалада ҳеч қандай эътирозим йўқ. (Бу фикрларини ёзма билдирги билан тасдиқлади).

Аслида сайлов қандай ўтган?

Хўш, «Ҳожибод»да сайлов қандай ўтди ва чиндан ҳам аҳоли ундан норозими?

— Шу кунги сайлов жараёнида шахсан иштирок этганман, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини таъкил этиш ва ўтказиш бўйича туман кўмаклашувчи комиссияси раисининг биринчи ўринбасари Ғанишер Жўраев. — Илгари гуруҳи барча меъёрий ҳужжатларга асосланиб, қонуний иш олиб борди. Аввалги раис, ҳақиқатан ҳам, бир ярим йиллик фаолияти давомида яхши ишлади. Бироқ охириги икки-уч ойда саломатлигидан кўп шикоят қилиб, даволатида бўлди. Номзодларни рўйхатга олишда бу жиҳат ҳам эътиборга олинди. Шикоятчи айнан шу раисни қайта сайлашни хоҳаяпти. «Mahalla» газетасига ёзилган шикоят биринчиси эмас. Ҳозирга қадар бир қатор мутасадди идоралар, вилоят, туман ҳокимлиги мутахассислари келиб, ҳақиқий ҳолатни ўрганиб кетишди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 9 июль кунини Наманган вилояти ҳамда Уйчи тумани ҳокимлиги вакиллари маҳаллага келиб, А.Эргашевнинг аризаси юзасидан ўрганиш ўтказишган. Яқинда шу ҳудуддаги 8-умумтаълим мактабида йиғин вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтган. Унда А.Эргашев ҳам иштирок этиб, йиғилиш жараёнида ўз норозилигини билдириб, кўпчилигини менсимган ҳолда залдан чиқиб кетган. Шундан сўнг фуқаролар йиғини вакиллари унинг доимий равишида юқори ташкилотларга норозилик аризалари ёзиб, кўпчилигини овера қилишини, энг асосийси, бу аризаларни кўпинча асоссиз эканини таъкидлаб, ҳокимлик вакилларида ушбу фуқаронинг аризасини қаноатлантирмаслигини сўрайди. Бу ҳақда далолатнома ҳам тузилади. (Нусхаси тахририятда мавжуд).

Ободлик кўнгиладан бошланади

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Ҳожибод» маҳалласи ўтган йили «Обод кишлоқ» дастури доирасида чинакам обод масканга айланди: йўллар текисланди, кўп қаватли уйлар таъмирланди, 8-умумтаълим мактаби мукаммал реконструкциядан чиқарилди. Хўшас, ўзгаришлардан аҳоли мамнун. Маҳалла гузарига «чакчақлашиб» турган отахонларни суҳбатга тортидик.

Хуллас, «Ҳожибод»да шундай машамашалар. Бу ҳол қачонгача давом этиши эса номалум. Боиси, қайтар чоғимизда тахририятга шикоят ёзган

«Ҳожибод» машамашаси қачонгача давом этади?



— Маҳалламиз ҳақиқий маънода обод бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Эргаш ота Хўшахонов. — Бундан барчамиз хурсандимиз. Лекин, энг аввало, одамнинг кўнгли обод бўлсин экан. Маҳалладошимиз А.Эргашевнинг турли юқори идораларга ёзаётган аризалари бизни уялтирмоқда. Ўша сайловда биз ҳам иштирок этдик ва муносиб номзодга овоз бердик. Ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатини кўрганамиз йўқ. Афсуски, у бизнинг фикрларимизни инобатга олмапти, сўзимизга қулоқ солмапти. Ёши бир жойга бориб, энди кўпчилиikka панд-насихат қилиб ўтирадиган даврида бу каби «ёзди-ёзди»ларнинг нима кераги бор экан?

Отахонлар амалдаги раис одамларнинг ишончини қозонгани ва шу боис сайловда кўп овоз тўплагани, қонуний сайлангани ҳақида гапириб, ўтган қисқа фурсат ичида ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ногиронлиги бор шахслар ва беморлар ҳолидан мунтазам хабар олиш каби ишларни тез-тез таъкил этаётганини эътироф этдилар. Маҳалла фаоллари унинг атрофида жипслашиб, бу каби хайрли ишлар бардавом бўлишини таъкидладилар.

Асоссиз бўхтонлар ишга салбий таъсир қилади

Шинамгина маҳалла фуқаролар йиғини биносига бўлиб, янги сайланган раис Рислиғой Юнусованинг фаолияти билан ҳам танишдик.

— Узоқ йиллар пахта толасини сертификатлаш лаборатория марказида ишладим, — дейди Р.Юнусова. — Шу маҳаллада истикомат қиламан. Шунинг учун унинг муаммолари, одамларнинг дарду ташвишларида хабардорман. Номзодим раисликка қўйилганда, очиги, ўзим ҳам сайланишимга унчалик ишонмаганим. Лекин маҳалладошларимнинг хоҳиш-иродаси боис бу масъулиятли вазифани зиммамга олдим. Афсуски, кейинги вақтлардаги аризабозликлар фаолиятимга халақит қила бошлади. Аммо йиғин ходимлари, фаолларнинг қўллаб-қувватлаши билан ишларимиз давом эттирялди. Энг одил баҳони эса вақт ўтиб халқнинг ўзи беради.

Хуллас, «Ҳожибод»да шундай машамашалар. Бу ҳол қачонгача давом этиши эса номалум. Боиси, қайтар чоғимизда тахририятга шикоят ёзган

А.Эргашев фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилмай, хусусий телеканаллардан бири билан «гаплашиб» қўйганини, яқин орада телевидениега мурожаат этишини маълум қилди. Начора, бу — унинг ҳуқуқи.


Илҳомжон РАХМАТОВ
«Mahalla»

ТАХРИРИЯТДАН

Мазкур шикоят хати ва унинг ўрганилиши билан боғлиқ журналистик суриштирув натижаларини газетамда чоп этишда кўп мулоҳазага бордик. Чунки ўрганишлардан аён бўлдики, ўртага ташиланган масалага бир кишининг норозилиги, маҳалладошлари фикрига қаршилиги сабаб бўлган. Биз бировни айблашдан мутлақо йироқмиз. Аммо сўнгги пайтларда тахририятимизга бундай мазмундаги мактублар, хусусан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловни натижаларида норозилик ифодаланган шикоят хатлари жуда кўп келмоқда. Мурожаатларда аксарият ҳолларда сайлов адолатсиз ўтгани, йиғин раислигига номуносиб одам сайлангани каби иддалар илгари сурилади. Табиийки, мурожаат жавобсиз қолмаслиги керак. Тахририят ходимлари эса асоссиз мурожаатлар учун беҳуда вақт сарфлашига тўғри келмоқда, ортиқча овозгарчиликлар юз бераётир.

Унутмаслик керакки, бугун муҳтарам Президентимиз бошчилигида юртимизда мисли кўрилмаган ҳаётбахш ислохотлар жсадал давом этаётир. Давлатимиз раҳбари маҳалла институтига ишонч билан қарамокда, унинг жамият ҳаётидаги ўрнини юксак баҳолаб, кенг ваколатлар бермоқда. Аммо қадриятлар маскани дея таърифланадиган маҳаллаларимизнинг ўзида юқоридаги каби нохуш ҳолатлар барҳам топмаса, катта оилани эслатувчи маҳалладош одамлар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик, яқдиллик этишмаса, бундай ҳоллар қадрдон тузилманинг обрўйига нутур етказмайдими? Шундай экан, айни пайтда бошқаларга халал бериб, хайри амалларни орта сурин эмас, аксинча, ҳар биримиз йиғинлар ишида фаоллик кўрсатишимиз, бири-биримиз, эзгу сав-ҳаракатларга камарбаста бўлишимиз мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда «ҳалол» сертификатлаштириш тизими жорий этилади.




«АНТИРАДАР» учун жарима қўллаш керакми?

Радар-детектор автоҳалокатларга сабаб бўлмаяптими?

Бугун аксарият ҳайдовчиларнинг радар-детектори — «антирадар»дан фойдаланиши ҳеч кимга сир эмас. Мослама ички ишлар ходимларининг қоидабузарларни аниқлаш учун ўрнатган радарлари тўғрисида ҳайдовчини олдиндан огоҳлантиради. Натижада у тезлики пасайтиришга улгуриб жаримадан қутулиб қолади.

Узоқ сафардан йўловчи транспортда қайтишимга тўғри келди. Ҳайдовчи машинани ўкдек учуриб борар, олд ойналар тагига ўрнатилган «антирадар» сигнал бергач эса зудлик билан тезлики пасайтирарди. Мазкур усул билан шоввоз йўлимиздаги ўнлаб «хавф»лардан безарар ўтиб олди. Аммо бу ҳолатда ҳаракат хавфсизлиги қай даражада таъминланади? Мазкур ҳатти-ҳаракатлар жамиятни алдаш эмасми? «Антирадар»лар тўғрисида Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқар-



масклагани учун жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин. Аммо Ҳамдўстлик давлатлари, жумладан, мамлакатимизда қабул қилинган қоидаларга кўра бу мосламалардан фойдаланиш тақиқлан-

ларидан ўтган қисмлари, хавфли бурилишлар ва бошқа шу каби ҳудудларга ўрнатилади. «Антирадар» тезлики белгиланганидан ошириб ҳаракатланаётган машина ҳайдовчисини олдинда хавфли ҳудуд борлигидан огоҳлантиради. Натижада кўплаб бахтсизликларнинг олди олинади. Агар шунда ҳам ҳайдовчи тезлики пасайтирмаса, тегишли равишда жаримага тортилади. Шу ўринда бугунги кунда жарималар миқдори ошиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳайдовчилар тезлики ошириб, ўзлари ва атрофдагилар ҳаётини хавфга қўйгандан кўра, қоидага амал қилишгани маъқул.

НИМАЛАР ТАҚИҚЛАНГАН?

Шу билан бирга, ҳайдовчи-га автотранспортга ўрнатиш тақиқланган техника воситалари ҳам бор. Масалан, тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига махсус техник жиҳоз — рация, сирена ва шу кабиларни ўрнатиш ман этилади. Транспорт воситаси салонининг олд қисмига, жумладан, приборлар панелига,

қуёш соябонига ва орка томонни кўриш кўзгусига теле, видео мониторлар ўрнатиш ҳам жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Фақат ташқи кўринишни тасвирга оладиган видеокамера, навигатор, видеорегистраторларни, агар улар ҳайдовчига кўришни чекламаса, ўрнатса бўлади.

ЯНГИ ЖАРИМАЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Шу ўринда жорий йилнинг 3 августидан бошлаб янги жарималар кучга кирганини ҳам эслатиб ўтиш керак. Масалан, юридик шахсларнинг йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлмаса, унда улар энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридда жаримага тортилади. Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида, аввало, йўл ҳаракати хавфсизлигини, фуқаролар ҳаёти ва саломат-

МУШТАРИЙ МИНБАРИ

ЖАРИМАЛАР ДАРОМАД СОЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНСА

Ўтган ойда аҳоли орасида энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилиши ортдан белгиланган жарималарнинг ҳам қиймати кўпайгани тўғрисидаги эътирозлар тўғрисида келганди. Шу ўринда жарима тўламаслик учун фуқаро, аввало, қоидаларни бузмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Аммо «беайб парвардондор» дейишарди. Барчамиз ҳам билиб-билмай содир этган ҳуқуқбузарлигимиз учун жаримамиз тортилишимиз мумкин. Шунга қарамай, тўқликка шўхлик боис тартибларга риоя қилмай-диганлар ҳам топилади. Шу боис қоидабузарлик учун жарималар белгиланганда фуқаронинг жамиятда туган мавқеи, даромади ҳисобга олинса, айтиш мумкин бўлар эди.

Жамшид ЭРГАШЕВ.
Фароҳия вилояти
Данғара тумани.

лигини таъминлаш мақсади мужассам. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини кучайтириш, шунингдек, юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш тартибини такомиллаштиришга эътибор қаратилаётгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Улугбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»




маси матбуот хизмати раҳбари Қажрамон Худойберганов билан суҳбатлашдик.

МОСЛАМА ЖАРИМАГА САБАБ БЎЛМАЙДИ

— Тўғри, дунёнинг кўплаб мамлакатларида радар-детекторлардан фойдаланиш қатъиян ман этилган, — дейди Қ.Худойбердиев. — Европанинг аксар ҳудудида ҳайдовчи машинада бундай мосламани

маган. Бу борада, асосан, радар-детекторларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига баъзи ижобий таъсирлари инobatга олинган. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз қоидабузарликни аниқлашгина эмас, балки йўлларимизда бахтсиз ҳодисаларни имкон даражасида камайтириш ҳисобланади. Ходимларимиз томонидан тезлики аниқловчи радарлар, асосан, йўлнинг аҳоли пункт-



ДАРВОҚЕ...

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ўтган йили дунёда автоҳалокатлар сони бир миллиарддан ошиб кетган. Бундай бахтсиз ҳодиса туфайли ҳар йили 1,25 миллион нафар инсон қурбон бўлмоқда. Мазкур рақам ҳар йили урушларда ўлаётганлар сонидан ўн мартача кўп демасдир. Ҳалок бўлаётганларнинг ярми мотоцикл ҳайдовчилари ва пиёдалар ҳисобига тўғри келади. Ёш бўйича таҳлиллар эса қурбонларнинг 48 фоизи 29 ёшгача бўлган ёшлар эканини кўрсатмоқда.

Халқаро кинофестивалларга юбориш учун фильмларни саралаш тартиби тасдиқланди.

Марям ИХТИЁРОВА: «Истеъдод бир умр тарбияланиши керак»

Бор вужудим билан ролга киришиб кетганимдан
сахнада юрак хуружига учраганмаң

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Марям Иштиёрованынг 80 йиллик юбилейи нишонланди. Ўзбек сахнасининг дарғаларидан бўлмиш Марям Иштиёрова ўз ижодий фаолияти давомида театрда сахналаштирилган 100 дан ортиқ спектаклларда бош қахрамонларни ижро этган. Уларнинг ҳар бири мухлислар юрагидан жой олган. Бу гал саҳифамиз меҳмони Марям Иштиёрова билан дилдан суҳбатлашдик.

чалик катта-катта романлар мутолаа қила бошладим. Ҳар бир асардаги бош қахрамон ўрнига ўзимни қўйиб кўрар, муаммолар ечимини излашга тушардим, ҳаёлан асар ичида яшардим. Китобнинг ўзгача сеҳри, образлар тақдири ички оламимни тубдан ўзгартириб юборган, сахнага етаклаб кел-



Баъзан спектаклдан сўнг «мен сизнинг ролингизда ўз онамни кўрдим», «соғинган онамни эслатдингиз» деб ёнимга келадиган томошабинлар ҳам бор. Бу — санъаткор учун энг олий мукофот.

Шогирдларимга машҳурлик ортидан қувши керак эмас, у ўзи сенинг олдинга келади дейман доим. Ҳар бир ўйнаган ролим ўз фарзандимдек, уларни бир-биридан устун ҳам, кам ҳам кўра олмаيمان. Актёр ҳар бир қахрамонига қалб кўрини, саломатлигини, меҳрини, борлигини бериб ижро этади. Барча ўйнаган ролларимда яшайман. «Ойонам — кайнонам» спектаклидаги она ролни энг сеvimли образим.

70 ёшга кирганимда айнан мен учун сахналаштирилган эди. Афишаларга ҳам ёзилганди. Мен бутун ҳаётимни ана шу спектаклдаги зикр сахнасида ижро этганман. Бу ролим мен учун жуда қадри қимматли, машаққатлидир. Бунда ёлғиз ўғли комага тушиб қолган она зикр тушиб, Аллоҳдан унинг ҳаётга қайтишини сўраб илтижо қиладиган сахнаси бор. «Аллоҳим, қайси гуноҳларим учун мени бунчалар жазолаяпсан? Қайси хатоларим учун жазолаяпсан? Бировнинг дилини оғритмасам, бировга озор бермасам, бировга ҳасад қилмасам. Нега? Нега бу жазоларни менга раво кўряпсан?..» Худди ўша она бўлиб бор вужудим билан ролга киришиб кетганимдан юрагимга каттиқ таъсир қилганини сезмай ҳам қолганман. Она учун фарзандидан айрилишдан каттароқ фожиа бўлмаса керак. 2007 йилда ўғлим Элёржондан айрилиб қолганман. Шунинг учунми, айнан шу ролимни ижро этаётган пайтимда сахнада юрак хуружига учраганман. Саккиз ой дард билан олишдим. Оёкка тургач яна театрга қайтдим.

Ҳаёт ва сахна

Буларнинг иккисида ҳам пасту баландликлар, қутилмаган зарбалар, совғалар зоҳир. Буларнинг барчасига тайёр туриш зарур. Устозларимиз: «Ҳаётда келадиган ситамларни ҳам, қувончларни ҳам доимо мардона қарши олиш ва бундан-да ёмонроқ бўлишдан асрашни сўраш керак», дейишарди. Сахнадаги ҳаётда ким-

нингдир оламни кўрсатасиз ва томошабинларни бу ҳаётга олиб кирасиз, биргаликда яшайсиз. Буларнинг барчаси спектаклнинг белгиланган вақтида яқунланади, аммо актёр қалбидан ўз изини қолдиради.

Мен бу икки ҳаётда ҳам доимо барча яхшиликларни олиб қолишга, имкон қадар ёмонликларни унутишга интиламан. Табиатимдаги гўзалликка ташналик, ҳаётсеварлик ижодда ҳам, ҳаётда ҳам олға ундайверади. Ҳақиқий актёр ҳеч қачон шахсий ҳаётини сахнадаги жараёнларга аралаштирмаслиги керак. У театр остонасидан кириб келдими, бугунги қахрамоннинг ҳаёти ва касбига муҳаббат билан яшаш зарур.

Сахнага чиқсам, ҳамма нарсани унутаман. Фақат образимда яшайман. Агар касб танлаш имконияти қайта берилса, яна актриса бўлардим. Менинг тақдирим ва қисматим сахна. Буни қарангки, 1939 йилда Муқимий театри ташкил топган. Худди шу йили мен ҳам таваллуд топганман. Sevimли театрим билан менинг таваллудимга бу йил 80 йил тўлибди.

Театр — умрбоқий санъат

Театрда ижод бошқача қайнайди. Режиссёр Рустам Съездиевнинг «Келганда келин ёки андижонча муҳаббат» фильмидаги она ролимни режиссёр Шухрат Аббосов «экранда иккинчи Фармонбоби пайдо бўлди», дея баҳо берган. Тўғри, кинода тезроқ машҳур бўлиш мумкин. Аммо ижодкор театрда яшайди ва ҳар томонлама улғаяди. Театр катта меҳнат талаб қиладиган ижод майдони. Тинимсиз изланиш ва ўқишни талаб қилади. Кинода қанқонки томошабин юрагига етказиб бера оладиган руҳиятда роль ижро этсагина ёдда қолиш мумкин. Санъаткор ҳар доим ўзини назорат қилиб юриши керак. Театр — умрбоқий санъат. Айнан ўзбекона миллий мусикали театрга ҳар доим халқимизда эҳтиёж бор. Халқимиз санъатсевар. Ҳар доим янги образларни, янги асарларни интиқлик билан кутишади. Театр эса ўз томошабини билан асрлар давомида яшайверади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Тошкентда олиб қолишди. Ётоқхона билан таъминлашди. Шу ерда яна ишни давом эттирдик. Уч йил филармонияда ишладик. 1959 йилда ансамбль тарқала бошлади. Дугонам Гулсара Ёкубова билан бирга Театр институтига мусикали театрлар учун факультет очилган деб эшитдик. Унга халқ артисти Раззоқ Ҳамроев раҳбар экан. Қўшиқларни айтиб, образларга киришиб, театр ҳақидаги билимларимни айтиб берганимни кўрган Р.Ҳамроев ўша заҳотиёқ ўқишга қабул қилинганимни айтди. Ушанда 19 ёшда эдим. Муқимий номли театрга ишга ҳам олиндик. Шунга ҳам олти йил бўлибди.

Китоб инсонни юксалтиради

Сахнага чиқишим мен учун сирли дунё. Илк образим драматург Шуккур Саъдуллонинг «Икки биллакузук» спектаклида бош роль Марям, иккинчи номи Юлдузни ўйнаганман.

Ёзувчи бу асарни айнан мен учун ёзиб келган эди. Бу образ менинг ҳаётимдаги воқеаларга жуда ўхшаш эди.

Ҳақиқий актёр бўлиб шаклланиш учун туғма қобилият, касбга нисбатан муҳаббат бўлса бас. Инсон онгининг шакллана бошлашдан то умрининг охиригача истеъдод тарбияланиши даркор. Бўлажак актёр табиятини, одамлар қисмати ва ҳаётни кузатиши зарур. Унинг қалбиди, шубҳасиз, китобга муҳаббат бўлади. Илк бор ўқишни ўрганган кезларимданок газетадан кичик-кичик мақолалар, ҳикоялар ўқишни бошлаганман. Кейин-

ган ва юксалтирган, десам ҳам муболага бўлмайди.

Устозларим — халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Лутфи-хоним Саримсоқова, Фароғат Раҳматова, Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров. Уларни санай-версам, ҳар қайсиси бир дунё. Касбга содиқлик, ҳаётга муносабатимда улардан олган илмларим дастуриламал. Мен улар билан бир сахнада туриб жуда кўп нарсани ўрганганман. Билим билан бирга ҳаётини сабоқ олганман. Ким мени устозим деса, мен уни шогирдим дейман. Бағримга босиб, актёрлик сирларини ўргатишга ҳаминша тайёрман.

Она — бу энг мураккаб образ

Муқимий театрида нафақат актёрларнинг қобилияти, балки кўриниши ва ширали овози ҳам бирламчи ўрнида турди. Ўйлаб қарасам, ижодимнинг дастлабки йиғирма беш йилда, асосан, бош қахрамонларнинг образини яратганман. Ушбу давр мен учун жуда қадри.

Ижодимнинг иккинчи даврида, 30 йилдан бери турли хил тақдир ва фелъ-атвордаги оналар образиданам. Буюк тарихий шахслардан Заҳриддин Мухаммад Бобур ва Жалолiddин Мангубердиннинг оналарини гавдалантирдим. Она — бу энг мураккаб образ. Чунки унда ғам-алам, дард, қувонч, бахт — барча-барчаси қоришиб кетган. Она образи метёрига етказиб ўйналсагина томошабин юрагига боради. Сахнада туриб йиғлаб роль ижро этаётганимда менга кўпилиб йиғлаётган томошабинларни кўриб таскин топаман.

«Шарқ тароналари» фестивалининг янги логотипи тасдиқланди.

САРАТОН СЎНГГИ ХУКМ ЭМАС

Хар қандай шифо-кор ва табиб мана шундай кўнгил изҳорларига ошфута яшайди. Ахир ҳаётда кимнингдир дардига малҳам топишдан ортиқ бахт борми? Яшашдан умидини узган, дунё кўзига зулмат бўлиб кўринган, эртанги кунига бутунлай ишончи сўнган бемор орадан вақт ўтиб остонангизда пайдо бўлса-ю кучоғидаги гулдастани пойингизга тушаса. Ва яна: «Мен сиздан шифо топдим, бунинг учун тоабад миннатдорман!» дея кўзларига ёш олса. Нақадар ҳаяжонли ва тақорланмас лаҳза бу. Аслида эса Ўзбекистон халқ табobati академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Асқаровга билдирилган ташаккур, таҳсин ва миннатдорликларнинг сон-саног'i йўқ.



«Нега табобат мавзусини танладим!»

Бу шунчаки тақдир ёки қизиқиш учун эмасди. Бироқ кимё фанида ўзига яраша шов-шув уйғотган, Европа ва америкалик ҳамкасблари хавасини келтирган, илм-фан тараққиётида ўз йўлини топган, катор кашфиётлар, ихтиролар яратган забардаст олимнинг кейинчалик халқ табобатига меҳр қўйиши, бутун билими, тажрибаси, ақл-заковати ва борлигини одамларга сихат-саломатлик, тинчлик-хотир-жамлик, руҳий ҳаловат бағиш-лашга бахшида этиши чиндан ҳам тасодиф эмасди.

...Ўшанда 1-синфда ўқирди. Ҳадеб томоғи огрийвергани учун бувиси Зокирхон отинча уни Жалакудукнинг Ҳасанковок кишлоғидаги табибга олиб борди. Табиб оддий камшига унга ўхшаш қуқунни тортиб, кейин томоғига пурқадди. Кайтишларида «Қандай овқатни хуш кўрасан?» деб сўради. «Ширингучруни ёқтираман» деган жавобни эшитиб, энди 41 кун шу таомни емасан, деб қаттиқ тайинлади. Бор муолажа шу билан ниҳоясига етди,

Чиндан ҳам бу касаллик шифоси бор хасталиклар қаторидами?



ўспирин дарддан бутунлай фориғ бўлди.

Кейинчалик 1974 йили кимё фани бўйича изланишлар олиб бораётганида ўша қуқун таркибини аниқлашга уриниб кўрди. Минг қийинчилик билан ижобий натижага ҳам эришди: қуқун таркибида стрептоцид борлигини аниқлади. Буни қарангки, маҳаллий тол барги айни модданинг қони экан. Шу боис табиблар иситмаси кўтарилган беморларни тол шохидан синдириб олинган ҳўл гаврон билан «савалар» эканлар.

Яна бир воқеа олимнинг хотирасига муҳрланган. Иккинчи жаҳон уруши жангҳоқларида қон кечган, собик шўролар тизимида тухмат балосига учраб не қуларни бошидан кечирган Раҳмонжон ота оғир касалликка учради. Андижон ва Тошкентдаги номдор тиббиёт олимлари унга хунук ташхис қўйди. Бу пайтга келиб, табобатга қизиқиб қолган Иброҳимжон отасини ўзи яратган дориворлар билан даволашга киришди.

— Болам, — деди аста-секин ўзига келатган Раҳмонжон ота ўғлининг меҳрибонлиги, ғамхўрлигидан таъсирланиб, — сен ажойиб дори тайёрлабсан. Худо хоҳласа, хали кўп беморлар сендан шифо топади...

Ота ҳақ гапни айтган экан. Иброҳимжон бош мия саратонига чалинган синглиси Озода-хон ва онаси Марҳабо аяни том маънода ҳаётга қайтарди. «Ана кетди, мана кетди, ҳовли-жойларни тозалаб туришлар» деган гап-сўзлардан кейин буви бутунлай оёққа турди. Ҳозир бу муҳтарам онахон юз ёшни қаршиляпти.

Иброҳимжон Асқаров Андижон давлат тиббиёт институти лабораториясида тадқиқотлар олиб борган йиллари касалларни табиий воситалар билан даволашнинг ҳосияти қўплигига ишонч ҳосил қилди. Шу билан бирга, кимё фани тарраққиётига самарали хисса қўшди. Унинг 7-, 8-, 9-синфлар учун тайёрлаган «Кимё» фани дарслиги узок йиллардан буён мактабларда асосий манба сифатида ўқитилмоқда.

Циакрин елими суякларни кўз юмиб очгунча ёпиштиради

Яна бир хайратомуз кашфиёти шуки, таникли кимёгар Тўхтапўлат Рискиев билан ҳаммуаллифликда «Товарлар кимёси» фанига асос солди. Маълумот тарикасида шунини айтиш мумкинки, дунёда 20 турдаги кимё фани мавжуд бўлиб, шундан 19 тасини Америка ва европалик олимлар яраттишган. Осиё китъасида ягона — ўзбекистонлик профессорларнинг юқоридаги кашфиёти жаҳон кимё фани олимлари томонидан юқори баҳоланди. Германия Органик кимё университети профессори Холгер Бутеншён шундай деган эди: «Дунёда 20 та кимё фанининг 50 нафар асосчиси оламдан ўтган. Ҳам чин, ҳам мажозий маънода ифодалаганда ягона тирити Иброҳим Асқаровдир».

Дарвоқе, ихтироларидан яна бири ҳақида. Шу пайтга қадар инсон суякларини ёпиштиришда ишлатиладиган елим Японияда 3, Германияда 2, Россияда 1,5 дақиқада таъсир кучини кўрсатар эди. Бунинг натижасида кўп қон йўқотиладиган жигар, буйрак, талок каби инсон тана аъзоларини ёпиштиришда ўзига хос қийинчиликлар юзга келар эди. Ўзбек олими ана шу органларни кўз очиб қомгунча ёпиштира оладиган «Циакрин-АП» биологик елимининг ихтиро қилди. Бу кашфиёт бугун тиббиётда кенг қўлланилмоқда.

Дард борки, шифо бор

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи Иброҳимжон Асқаров ташаббуси ва ташкилотчилиги билан 2017 йили Ўзбекистон Халқ табобати академияси тузилди. Ҳозир унинг 300 нафарга яқин аъзоси бор. И.Асқаров бошқа хасталиклар қатори бош мия ўсимтаси касаллигини даволашда қатта ютуқларга эришляпти. Бу мавзуда табиб шундай дейди:

— Саратон — ўта мураккаб касаллик. Уни даволаш мушкуллиги, айниқса, умуман даволашнинг иложи бўлмайдиган ҳеч қандай сир эмас. Аммо бизнинг кўп йиллик

кузатишларимиз саратон ҳам шифоси бор хасталиклар қаторига киришини тасдиқламоқда. Ҳар қандай дардни фақат дорилар билан даволаш қийин бўлганидек, саратон билан оғриганларнинг муолажаси ҳам, энг аввало, беморнинг руҳиятини сошлаш, мижозини тартибга солишдан бошланиши керак. Бу соҳада, кўп ҳолларда кимёвий терапия ва нур билан даволаш муваффақиятли амалга оширилаётгани маълум. Фақат бунда бир нарсани эътибордан соқит қилмаслик зарур: организмнинг химоя қувватини мустақамламасдан туриб кучли кимёвий бирикмалар юборилиши ёки метёридан ортик берилиши салбий таъсир кўрсатиши — бир жойда тўхтатилган ўсманнинг бошқа ерда ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериши эҳтимолдан узок эмас.

Саратон нима сабабдан юзга келади?

Саратон сиқилиш, ғазабланиш, вақтида овқатланмаслик, шамоллаш, ҳужайраларнинг шикастланиши ва бошқа сабаблардан келиб чиқиши мумкин. Рак билан касалланган ҳужай-

ралар бошқа соғлом ҳужайраларга нисбатан ҳайвон ёғи, витаминлар билан озикланиб тез кўпайиш хусусиятига эга бўлгани боис, ушбу хасталик билан оғриганларга ҳайвон ёғлари, витаминли дори-дармонлар буюриш асло мумкин эмас. Уларга қизил лавлаги шарбати ва унинг қайнатиб пиширилгани, маржумак (грекча)нинг узок қайнатиш суви, помидор, бугда пиширилган саримсоқпёз, қўқ нок истеъмол қилиш маслаҳат берилади. Бизнинг тажрибаларимизда мазкур хасталикка қалинганлар, масалан, бош мия ўсмасига дучор бўлганлар махсус парҳез билан бирга гиёҳлардан ўзимиз тайёрлаган «Шифои Марҳабохон», «Асшифо», «Ас-тош», «Мажмуи Раҳмоний», «Аскальбий», «Мажмуи даво» каби озик-овқат қўшилмалари ёрдамида даволаняпти. Ҳолбуки, бош мия ўсмасини жароҳлик операциясиз даволаш қийин, кўп ҳолларда илжосиз дейилади. Умуман, эртароқ аниқланиб, астойдил ҳаракат қилинса, кимёвий, табиий усуллар, дори-дармонлардан оқилона фойдаланилса, ҳар қандай оғир хасталикларнинг ҳам шифоси бор, деб ўйлайман...

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ТАБИЁ ТАВСИЯЛАРИ

Бош мия ва орқа мия ўсмаси, кўкрак беzi, миома, лимфа безлари ва бошқа ўсма касалликларига қалинганлар қуйидаги маслаҳатларга риоя қилишлари лозим:

► сувда қайнатиб пиширилган қизил лавлагидан ҳар кун 1-2 донга истеъмол қилиш;

► қизил хом лавлагининг шарбатини олиб, усти очик ҳолатда 8-10 соат тиндириб, сариқ сабзи шарбати билан тенг миқдорда аралаштириб, овқатдан сўнг қунига 1-2 маҳал 150-200 мл дан ичиш;

► 100 грамм грекча устига тахминан 5 литр сув қуйиб, ярим литр қолгунча қайнатилди. Қолган суюқлик кун давомида ичилади, грекчанинг ўзини таъбга кўра ейиш мумкин;

► бугда пиширилган бир донга саримсоқпёз, 2-3 донга қизил пёзэни илиқ ҳолатда бир кунда 1-2 маҳал овқатдан сўнг истеъмол қилиш;

► помидор шарбатини илиқ ҳолатда бир кунда 100-150 мл дан ичиш;

► ҳар кун овқатдан сўнг 1-2 дондан қўқ нок ва хом ёки пиширилган қарамдан таъбга кўра тановул қилиш;

► ёғсиз гўшти овқатлар, балиқ ва парранда гўштарини истеъмол қилиш керак;

► асалдан бошқа ширинликлар, музқаймоқ, совуқ сув, совуқ минерал сувлар, тузланган бодринг, помидор, қарам, шунингдек, қалампирли маҳсулотлар, ҳамиртурушли овқатлар, тухум, қаймоқ ва ёғли қатиқ, ҳайвон ёғлари, пиво ва бошқа спиртли ичимликлар тақиқланади.

Юртимизда бачадон бўйни саратони касаллигининг олдини олиш чораси топилди.

Инсон танаси шундай тузилганки, агар бирор аъзо билан боғлиқ муаммо юзага келса, қолган органлар ишида ҳам жиддий зўриқиш кузатилади. Оғирлиги бор-йўғи 70-80 грамм келадиган ошқозоноти беzi ҳам бейфойда орган эмас. Ушбу без инсоннинг асосий ички органларидан бири, аммо кўпчилик унинг вазифаси, фаолияти бузилиши билан кечадиган касалликлар, ҳатто жойлашуви ҳақида деярли ҳеч нарса билмайди. Бу ҳақда пухта маълумотга эга бўлиш ҳар ким учун муҳим. Ошқозоноти беzi мустаҳкам орган бўлиб, унинг фаолияти ўз-ўзидан бузилмайди. Шундай бўлса-да, меъда остида оғриқ сезяпсизми, демак, бу кўплаб касалликларга бориб тақаладиган жиддий аломат эканини англашингиз керак.

Ошқозоноти беzi етишмовчилиги диабетга олиб келадиган инсулин гормонини ишлаб чиқаради. Озик-овқат ҳазми учун муҳим ушбу ферментнинг мунтазам ажралиши, ҳеч шубҳасиз, ошқозоноти безининг раво ва узлуксиз ишлашига боғлиқ. **Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Хусан Бекҷонов** билан суҳбатимиз ана шу без фаолияти, унинг касалликлари ҳамда профилактикаси доирасида бўлди.

Вазифаси ўта муҳим

Ошқозоноти беzi ошқозоннинг орқа тарафида жойлашган бўлиб, у ўн икки бармоқли ичакка уланган. Панкре-

сурункали холецистит ва бошқалар. 12 бармоқли ичакнинг чандикли деформацияси, бездаги Фатеров ўсмаси, яъни панкреатик суюқликнинг ичакларга чиқишидаги механик тўсиқ ҳам панкреатит ривожланишига замин яратади.

Бу касаллик болаларда ҳам учрайди, яъни норасидаларда ўт чиқариш йўллари ва ошқозоноти беzi патологияси мазкур ҳасталикни юзага чиқаради. Бу тўғра ёки ортирилган бўлиши мумкин.

Аломатлари қандай кечади?

Панкреатитнинг асосий белгиси — қорин соҳасининг юқори бўлмасида

оқим йўли зарарланган бўлса, буни бартараф этиш учун жаррохлик амалиёти қўллаш даркор.

Панкреатитга йўлликкан беморларга махсус овқатланиш тартиби белгиланади. Касаллик зўрайган маҳал 1-2 кун овқатдан тийилган маъқул, кейин эса секин-аста ширин чой, қокнон, суюқ бўтқалар, қуюқроқ шўрва, омлет ейиш мумкин. Ёғ ва углеводлар сакловчи таомлардан воз кечиш лозим. Тобланган ёки бугда пиширилган таомлар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Кунига кам-камдан 6 маҳал овқатланиш, таомни илик ҳолатда танаввул қилиш керак.

Ошқозон ости беzi «хуш кўрадиган» фойдали емакларга ёғсиз гўшт, парранда ва балиқ гўштлари, сули ёрмаси, соя, картошка каби махсулотлар кирди. Қоринни дам қилувчи қора нон,



МЕЪДАНГИЗ ОСТИДА ОҒРИҚ СЕЗСАНГИЗ...

Панкреатитга йўлликканлар буни қандай сезади, даволашнинг самарали усуллари нималардан иборат?

атит — мазкур орган тўқималарининг яллиғланиш **жараёни**да юзага келадиган ҳасталиқдир. Ошқозоноти беzi икки вазифани бажаради: ўн икки бармоқли ичакка тушиб, оксил ва ёғларни парчалашда фаол иштирок этувчи ҳазм қилиш ферментларини ишлаб чиқаради ҳамда гормонлар секретияси — қонга қўшиладиган ва глюкоза микдорини меъёрлаштирувчи инсулин ва глюкагонни ажратади.

Нимадир сабабли панкреатик оқим бузилса, босим ортади ва без ҳужайралари зарарлана бошлайди. Панкреатитнинг ўткир формасида тўқималарнинг «ўзини ўзи ҳазм қилиш» механизми ишга тушади. Сурункали яллиғланиш оқибатида ҳазм қилувчи ферментлар етишмовчилиги юзага келади. Ферментлар ўрнини ошқозоноти беzi ҳужайраларининг эгаллаши унинг ташқи секретор функциясини бузиш билан бирга, гормонлар ишлаб чиқиш вазифасини ҳам ўзгартриб юборади.

Унутмаслик керакки, панкреатит — бу ошқозоноти беzi фаолиятининг бузилишидир. Охирги 40 йилда бу ҳасталикка чалинганлар сони 2 баробарга ошиб кетди. Улар орасида ўткир ва сурункали панкреатит билан касалланганлар сафи ҳам кенгайди.

Панкреатит турли аломатларига кўра: ўткир, алкоғол асосли, сурункали турларга бўлинади.

Панкреатит қандай келиб чиқади?

Ҳасталикнинг 60 фоиз сабаби — алкоғол истеъмолидир. Аммо касаллик 5-7 фоиз ҳоллардагина ичувчиларда ривожланади. Бунга асосий сабаб ирсий мойилликдир. Қолаверса, ўт-тош касалликлари, ўт димланиши билан кечувчи

турли муддатли оғриқ. Қорин соҳаси юқори бўлмасида бирдан пайдо бўлиб, бел, кураклар ўртасига қадар ўтиб турадиган оғриқ, кўнгил айнаиши ва қайт қилиш, овқатдан сўнг оғриқнинг кучайиши, пайпаслаб кўрилганда қорин соҳасидаги юқори сезувчанлик, қалтираш, ваража, умумий ҳолатнинг ёмонлашуви, дармонсизлик каби белгилари

«**Унутмаслик керакки, панкреатит — бу ошқозоноти беzi фаолиятининг бузилишидир. Охирги 40 йилда бу ҳасталикка чалинганлар сони 2 баробарга ошиб кетди. Улар орасида ўткир ва сурункали панкреатит билан касалланганлар сафи ҳам кенгайди.**»

ошқозоноти безининг ўткир яллиғланишидан далолат беради. Агар ушбу аломатлардан камиди учтаси кузатилса, зудлик билан врач-гастроэнтерологга мурожаат этиш даркор. Ошқозоноти безининг 80 фоизи зарарланганидан кейин эса иккиламчи дард — қанд касаллиги ривожланади. Панкреатит ташхисида шикоятлар таҳлили, касаллик тарихи, шифокор кўригидан ташқари, мутахассис лаборатор ва инструментал ташхис усулларида фойдаланади.

Касалликдан бутулай қутулиш мумкинми?

Албатта. Панкреатитнинг ҳар бир ҳолатида даволаш усулини белгилаш учун гастроэнтеролог кўригидан ўтиш ва унинг маслаҳатини олиш талаб этилади. Касалликнинг ўткир шаклида касалхонага ётган маъқул. Агар безининг

дуққаклилар, узум, дағал клетчаткали махсулотлар, яъни хом сабзавотлар ва мевазлар, қаттиқ доғли бўтқалар, ҳазм қилувчи ферментларни рағбатлантирувчилар (ёғли шўрва ва қовурмалар, зираворлар, дулланган ва шўр махсулотлар) озик-овқатларни эса ушбу без асло «ёқтирмайди».

Касалликдан химояланиш учун нималарга амал қилиш керак?

Қатталарда панкреатитга асосий профилактика — спиртли ичимликлар истеъмолини чеклаш зарур. Болаларда эса тўғри овқатланиш, фаст-фудлар, тезпишар таомлардан воз кечиш, шунингдек, турли жароҳатлардан химоялаш муҳим аҳамиятга эга. Иккиламчи, яъни қайталанишлар, зўрайиш ва асоратлар профилактикасида



спиртли ичимликлардан бутунлай воз кечиш, холецистит, ўт-тош касалликларини даволаш, фермент препаратларини доимий қабул қилиш ва парҳезга амал қилиш тавсия қилинади. Шифокор кўрсатмаларига риоя этиш панкреатитнинг оғир асоратларга олиб қилиши эҳтимоли ва ҳаёт сифатига салбий таъсирини камайтиради.

ДАРВОҚЕ...

Ҳажми кичик, аммо вазифаси улкан

Қатта одамда ошқозоноти беzi узунлиги 14-18 см.ни, эни 3-9 см.ни, қалинлиги 2-3 см.ни ташкил қилса, унинг оғирлиги бор-йўғи 70-80 г.дан иборатдир.

Ошқозоноти беzi суюқлигининг фермент таркиби қабул қилинган озик-овқат тури(оксил, ёғ ва углеводлар)га боғлиқ.

«Қорин бўшлиғидаги тупук беzi» — бундан 100 йил олдин ошқозоноти беzi шундай номланган. Ошқозоноти беzi ишлаб чиқадиган фермент рангсиз суюқликдир.

Бир сутка ичида одамнинг ошқозоноти беzi 1,5-2,0 л. суюқлик ишлаб чиқаради.

Унинг таркибида ичакдаги оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг ҳазм бўлишига ёрдам берадиган ферментлар мавжуд.

Озик-овқат қабул қилиш бошлангандан 2-3 дақиқа ўтиши билан, ошқозоноти суюқлиги ажрала бошлайди.

Бир вақтлар ошқозоноти беzi ҳатто «номисз орган» дея номланган, чунки бу безининг инсон танасида қандай функция бажаришини аниқлай олишмаган.

Ушбу без инсулин ва гликоген гормонларини ишлаб чиқаради, улар тўғридан-тўғри қон оқимига қиради ва организмдаги углевод ва ёғ метаболизмининг тартибга солиди.

Юлдуз ХОЖИЕВА суҳбатлашди.

Олти ойда талоқ тушиб қоладими?

УЗОҚ ВАҚТ ХОРИЖДА ИШЛАБ ҚАЙТГАН ЭРЛАР АЁЛИГА ҚАЙТА НИКОҲЛАНИШИ ЖОИЗМИ?

Халқимиз — меҳнатсевар, оилапарвар. Бизда одамлар оиласининг Ҳаровон, тўқис яшашини хоҳлайди. Шу боис айрим юртдошларимиз чет элга ишлаш учун бориб, ўша ерларда узоқ вақт қолиб кетишмоқда. Ҳатто, тўрт-беш йиллаб қолиб кетаётганлар ҳам бор. Бу ҳолга эса аксарият юртдошларимиз кўникиб, уни борица қабул қилиб боришаётгани ачинарли. Чунки ҳаёт мазмуни фақат пул топишдан иборат эмас. Оилавий ришталар ўрнини моддий билан асло тўлдириб бўлмайди.

Биз ана шу ҳолатлар билан боғлиқ нозик масалага эътибор қаратмоқчимиз. Яъни чет элдан қайтиб келганларга айрим кўни-қўшнилари, таниш-билишлар: «Сизлар олти ой кўришмадингиз, талоқ тушиб никоҳингиз бекор бўлди, қайтадан никоҳ ўқитиб олинглар», деб айтишяпти. Масаланинг моҳиятини тўқил тушуниб етмаган оила аъзолари «қатталар айтишяпти-ку» қабилида иш тутиб қайтадан никоҳ ўқитаётган ҳоллар ҳам учрамоқда.

Нега тўрт ой ёки саккиз ой эмас?

Аслида «олти ой» деган гап каердан келиб чиқкан? Олдин шу ҳақда тўхталсак. *Кечаларнинг бирида ҳазрати Умар розияллоху анху Мадина қўчаларини айланиб юрганларида бир аёлнинг ноласини эшитдилар. У эрининг сафари чўзилиб кетганидан қайғуриб, аламли шевр айтарди. Дарҳол келиб қизлари Ҳафса онамиздан: «Аёллар эрлари сафарда бўлсалар, қанча муддат сабр қилишлари мумкин?», деб сўрадилар. «Беш, олти ой», деб жавоб бердилар Ҳафса онамиз. Бошқа ривоятларда тўрт ой дейилган. Шундан сўнг Умар розияллоху анху аскарларига ҳар тўрт ойда уйларига бориб келишлари учун таътил беришни одағ қилишлар. Бунда икки ой йўлда сафар қилиш инобатга олинган. Бир ой уйга етиб олиш, яна бир ой қайтиб келиш учун сарфланган. Шундай қилиб жами олти ой бўлган. Худди шу каби савол Ойиша онамизга берилганида у зот «тўрт ой» деб жавоб берганлар.*

Мана шу воқеадан келиб чиқиб ислом фикси уламолари эр-хотин муносабатларида «олти ой» муҳим аҳамият касб этганини айтганлар. Жумладан, сафар қилиш масаласида ҳам. Шунингдек, авваллари эркак ва аёл ўртасида никоҳ ўқиш чоғида агар эркак киши сафарга кетса, аёли ва фарзандларининг олти ойга етadиган нафақаларини олдиндан таъминлаш шарт қўйилган. Бу — оила, эркак кишининг ўрни ва бошқа муҳим жиҳатларнинг эътиборга олинишидир.

Айрим уламолар эркак киши олти ой ва ундан кўп муддатга сафарга кетиб, аёлининг нафақасига бефарқлик қилса ёки аёлида турли жинсий касаллик юзага келса ва шу сабабли аёл киши ажрим тўғрисида қозига мурожаат қилишини жоиз, деганлар. Аммо «талоқ» тушади, демаганлар. Мана шу гап халқ орасида «эр-хотин олти ой ва ундан ортқ вақт давомида бир-бирлари билан кўришмаса, талоқ тушади» деган гапга айланиб кетган.

Талоқ қачон тушади?

Ҳўш, мазкур масала юзасидан ислом фикси уламоларининг фикрлари қандай?

Марҳум Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф худди шу мазмундаги саволга қуйидагича жавоб берганлар: «Йўқ, ундай эмас. Ораларида талоқ масаласи қўрилмаган бўлса, бундай гапни ҳеч қўтаришнинг ҳожаги йўқ. Турмуш тақозоси ва яна баъзи бир сабабларга кўра орада айрилиқ юз берсаю, икки тараф рози, шунингдек, талоқ масаласи қўрилмаган бўлса, ўз-ўзидан талоқ тушиб қолиши мутлақо мумкин эмас. Олти ой эр ва хотин бир-бирини кўрмаса, талоқ тушиб қолади, деган гап қатта мусибатларимиздан бири. Бу хабарсиз кишиларнинг шариятга тикилиши ва маҳмадоналик қилиши, ўзини билим-дон кўрсатиш учун қилган нотўғри ҳаракатидир. Бундай нарсалар кишиларни ташвишга солади, шубҳалантиради. Бир оила қаттиқ ташвишланмоқда, ўз ихтиёридан ташқари мажбур бўлиб, эр сафарга кетган, аёлининг қавму қариндошлари ҳам, эр-хотиннинг ўзи ҳам олти ой кўришмаслик талоққа сабабми, деган ўйдалар. Бундай одамларнинг сон-саногги йўқ. Гапнинг эса ҳужжат-далили йўқ. Бунда кўпчилик эътибор бермаётган яна огир бир мусибат бор. Яъни, мана шундай ҳолатда бошқа ёққа кетган кишилар бир муддатдан кейин қайтиб келмасалар, «энди олти ойдан кўп вақт ўтди, талоқ тушган бўлса керак» деган гумон билан хотин эрга тегиб кетиши ёки ота-оналари уни бошқага турмушга бериб юбориши кузатишмоқда. Буларнинг бари шариятга хилоф ишлар. Ҳеч қаерда, ҳеч қим «эр-хотин олти ойдан ортқ кўришмаса, талоқ тушади» деган гапни айтган эмас. Талоқ эр кишининг хотинига «Сен талоқсан!» дейиши билангина тушади. Шунинг учун барча мусулмонлар яхши билиб олсинларки, эр маълум бир муддат оиладан узоқда юрган ҳолатда ҳеч қачон ўз-ўзидан талоқ тушиб қолмайди».

Олти ой аёлидан узоқда юриш бефарқлик эмасми?

Дарҳақиқат, эр-хотин ўртасидаги никоҳни бузилди, деб ҳукм қилиш учун етарлича асос бўлиши лозим. Жумладан, динимизда талоқнинг асосий руқнларидан бири талоқ сўзини ёки киноя талоқ сўзларини талаффуз қилишдир. Талоқ лафзини айтсагина ўртадаги никоҳ бузилади. Шу боис эркак киши узоқ вақт сафарда бўлиши ўртадаги никоҳга ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш лозим.



Олти ой ва ундан кўп вақт мобайнида эркак кишининг сафарда бўлиши хотини ва оила ишига бефарқлигини ифода қилади. Чунки аёл киши ожиза, табиатан меҳрга, эътиборга муҳтож. Шунингдек, бу бефарқлик аёл кишида эрига нисбатан эътиборсизликни келтириб чиқариб, айрим ҳолатларда атрофдагиларнинг эътибори уни хиёнатга бошлаши мумкин. Бу жуда-қатта гуноҳдир.

Эркак кишининг оиладаги асосий вазифалари фақатгина оила аъзоларини уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашдан иборат эмас. Балки аёлининг жинсий эҳтиёжи ҳақида ҳам қайғуриши лозим. Чунки бу нарсага бўлган эҳтиёж табиий бўлиб, ўз вақтида эътибор қаратилмаса, гарчанд аёл киши Аллоҳни танигани ва охиратини ўйлагани учун ҳиёнат қўчасига қирмас-да, турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса аёл кишига жисмоний зарар етказиш ҳисобланади.

«Сизларнинг яхшиларингиз — ахли аёлига яхши бўлганларингиздир...»

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деб марҳамат қилади: «Улар билан тотув турмуш кечирингиз». (Нисо сураси, 19-оят) Фазилатли шайх ҳазратлари «Тафсири хилол» китобида мазкур ояти каримани қуйидагича тафсир қилганлар:

«Ислом таълимотларига биноан, эр-хотин орасидаги алоқа муҳаббат, севги, раҳм-шафқат ва унесу улфатлик алоқаси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам орага тушган баъзи ноқулай ҳолат туфайли дарҳол бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас. Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоху анху хотинига муҳаббати йўқ бўлиб қолгани учун уни талоқ қилмоқчи бўлган одамга: «Шўринг қурсин! Оилапар муҳаббат учун қўрилмаганими?! Рияса қани?! Масыулият қани?!» деганлар.

Аллома Ибн Касир: «Уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борица кўринишинингизни

гўзал қилинг», деган. Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз — ахли аёлига яхши бўлганларингиздир. Мен ахлига яхшиларингизман», деганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари аёлларига гўзал муомалали бўлиб, доимо уларни эркалаган, дутф қўрсатган, нафақаларини қўпайтирган ҳолда яшаганлар. У зот солаллоху алайҳи васаллам аёллари билан ҳазиллашиб кулишар эдилар. Ҳатто Ойиша онамизнинг кўнгиллари учун у киши билан югуришда мусобақа ҳам қилганлар. Муҳаддисларимиз бу ҳақида Ойиша онамизнинг ўзларидан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Семирмасимдан аввал Пайғамбар солаллоху алайҳи васаллам билан югуришда мусобақа қилиб ўзиб кетдим. Семирганимдан кейин яна югуришган эдик, у киши ўзиб кетдилар-да: «Буниси билан аввалгиси биру бир бўлди» дедилар». Бунга ўхшаш ривоятлар кўп.

Ёқмай қолди деб талоқ қилишга шошилмаслик керак

Инсон ожиз, эргага нима бўлишини билмайди. Шунинг учун ҳам, ёқмай қолди деб хотинига ёмонлик қилишга, уни талоқ қилишга шошилмаслик керак. Аллоҳ таоло эркак кишиларни аёли билан тинч, тотув турмуш қилишга чақариши фақатгина уруш-жанжалсиз яшашни ифодаламайди. Балки эркак киши яқин ёки узоқда бўлишга қарамасдан аёлига меҳр ва эътибор кўрсатиши лозим. Акс ҳолда имони заиф айрим аёл кишилар ўша меҳр ва эътиборни бошқалардан кидириши, шайтоннинг васвасасига алдиниб фахш ишга қўл уриши турган гап.

Уламолар: «агар эркак киши аёлининг инжиқликларидан зерикиб уни жазолаш мақсадида узоқ вақт атайин сафарга чиқиб кетса ёки сафарда ишлари якунига етган бўлса-да, узрли сабабларсиз сафарни чўзиб юриши аёлига зулм қилиш ҳисобланади» деганлар.

Маъмуржон ЭРКАЕВ,
исломшунос.

Қуръони каримнинг навбатдаги ўн минг нусхаси сотувга чиқарилди.

Хитойнинг алоҳида мақомга эга маъмурий бирлиги – Гонгконг (Сянган) атрофида кечаётган тўполонлар тобора авж олмакда. Айрим хабарларга кўра, 18 август кунги бўлиб ўтган норозилик намойишида 1.800.000 инсон қатнашган. Гонгконг ҳукумати давомли норозилик акцияларига сабаб бўлган Хитой Халқ Республикасининг жиноятга қўл уришда гумонланган шахсларни экстрадиция қилиш бўйича сўровларини қондириш юзасидан Гонгконг Қонунчилик кенгаши томонидан тайёрланаётган қонун лойиҳасини тўхтатганига қарамай, норозилар тинмоқчи эмас. Энди улар Гонгконг маъмурияти раҳбари Кэрри Лемнинг истеъфосини, суд соҳасида ислохотлар ўтказиш талабини илгари суришяпти. Сўнгги икки ойдан бери гонгконгликлар намойишлар уюштиришди, юз минглаб кишилар кўчаларга чиқди. Бу мамлакат тарихидаги энг йирик намойишларга айланди.

Талаб бажарилди, тартибсизлик эса камаймаяти. Нега?

Аслида 1841 йилдан 1997 йилга қадар Буюк Британия мустамлакаси бўлган Гонгконг 1997 йилда ўз эгаси ХХРга «бир мамлакат, икки тизим» (социалистик ва капиталистик) тамойили асосида қайтарилди. Қўшма Хитой — Британия декларацияси ва Гонгконг Ассий қонунига кўра, ҳудудга 2047 йилгача кенг мухторият берилган. «Бир мамлакат, икки тизим» сиёсати доирасида Гонгконгни маҳаллий маъмурият юқори даражадаги мухторият шароитида бошқаради, ана шу йиллар давомида ХХР Марказий халқ ҳукумати ҳудуднинг муҳофаа ва ташқи сиёсатини ўз зиммасига олади, айни пайтда 8 миллионли Гонгконг қонунчилик, полиция, пул тизими, божлар ва мухожирлик сиёсати устидан назоратни сақлаб қолади, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва тadbирларда ўз ваколати доирасида иш юритади. Шунингдек, Гонгконг фукараларининг маълум ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, сўз эркинлиги ва митинглар ўтказиш ҳуқуқи кафолатланган. Айтиш жоизки, 1997 йилда белгиланган ўзига ҳос макомни ўзгартириш уринишлари айрим қаршиликларга дуч келмоқда, бунинг ақсини биз намойиш ва митинглар орқали кузатишимиз. 2019 йилнинг 31 мартдан бошланиб кетган ва ҳануз охири кўринмаётган намойишлар бунинг ўзига ҳос кўринишидир. Бир томондан, гонгконгликларни тушунса бўлади. 150 йил Британия бошқаруви остида яшаган ороликлар ўтказилган ислохотлар туфайли 1960 йилдан 1997 йилгача демократик қадриятлар, сўз, виждон, дин, митинглар ўтказиш эркинлиги остида яшагача ўрганиб қолди. Гонгконгда ўлим жазоси ҳам тақиқланган. Хитойда эса ўлим жазоси амал қилиши билан бир қаторда, кийноқлар мавжудлиги халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан танқид қилиб келинади.

«Қора қўллар» нимадан манфаатдор?

Энди танамизга бир ўйлаб кўрайлик. Намойишчилар талаби қондирилди. Қонун лойиҳаси кун тартибидан олиб ташланди. Унда нега чиқкан қичкина учкун алангага айланиб кетяпти? Бизнингча, қимлариди учкунга мой сеппи, уни алангалатишни ва унинг оловида исинишни қасд қилган кўринади. Ассий мақсад. Хитойнинг ҳудудий ахлитлиги, унинг тобора юксалиб бораётган иктисодий салоҳиятига путур етказиш, расмий Пекинни Гонгконгдаги намойишчиларни куч ишлатиш орқали бостиришга ундаш ва унинг обрўсига соя солиш ҳисобланади. Гонгконгдаги «бешинчи колонна» деб аталмиш муҳолифат айтии фурсатдан фойдаланиб керосин вазифасини ўтамоқда. Шу боис Хитой ҳукуматининг расмий баёнотида Гонгконгдаги намойишлар ортида

турган «жиноятчиларни» кескин оғохлантириш билан бир қаторда, уларни жавобгарликка тортишга ваъда берилган. Шу билан биргаллик, баёнотда намойишчиларнинг «олов билан ўйнашаётганликлари» ва расмий Пекиннинг оғир-босиқ реакциясини заифлик деб баҳолашлари қатта хато экани билдириб ўтилган.

Хитой ҳукумати маъсул амалдорлари баёнотларида келтирилишича, норозилик намойишлари аввалида иштирокчилар кичик бир гуруҳ радиокаллардан иборат бўлган. Бу гуруҳда, асосан, адашган ва нотўғри йўналтирилган оддий фукаралар жам бўлишган эди. «Биз виждонсиз ва ўзравон жиноятчиларга ва уларнинг орқасидаги кабиҳ кучларга қарага бир сўз айтмоқчимиз: ўт билан ўйнашганлар ҳалок бўлишад», — дейилади баёнотда. «Бу тартибсизликлар ортида турганлар оғир-оқибат албатта жазоланадилар». «Марказини ишғол эт» ҳаракатининг гиж-гижловчиси сифатида ҳуқуқ профессори Бенни Тай, социология профессори Чан Кин-Ман ва поп Чу Йиуминглар кўрсатилмоқда. Бу учасласининг ҳам ўхшаш томонлари узок йиллар Англияда яшаганлиги ва бу ўлкада таълим олганлиги билан. Қироличанинг амри билан ҳаракат қилаётган ушбу уқлик «демократия»ни баҳона қилиб олишган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу норозилик намойишлари Гонгконгнинг 1997 йилда Хитой ҳукуматиға қайтарилганидан буён юз берган энг қатта сиёсий ҳавф ҳамда 2012 йилда ҳукумат тепасига келган Си Цзиньпин маъмуриятида содир бўлган энг йирик муаммолардан бири сифатида баҳолашмоқда.

Расмий Пекин икки ойдан бери тўхтамаётган норозилик акцияларидан терор хиди келаётганини тан олди ва шахарга халқ полициясининг ҳарбий техникаларини олиб киришга қарор қилди. Полициячилар ва намойиш иштирокчилари ўртасида юзага келган тўқнашувлар оқибатида ўнлаб одамлар оғир араланган, 200 дан зиёд фукаро қўлга олинган. Намойишчилар нафақат кўчада, балки метрополитенда ҳам полициячиларни тошбўрон қилишдан тийилла олмаган. Бутун тўполон ва фитналарнинг ортида Хитой АҚШ ва Англия турганини илдоа қилмоқда ва уларни Гонгконгдаги тартибсизликларни кўзгадан манфаатдор «қора қўллар» деб атади. Бунинг исботи ўларок, Пекинда инглиз тилида чоп этиладиган China Daily нашри Твиттердаги ўз сарҳифасида жойлаштирган видеоларда намойишчилардан бирининг полиция ходимларига қарага М320 русумли Америкада ишлаб чиқарилган гранатомётдан ўк узаётгани ақс этган. Бу эса Американинг Гонгконгдаги бош қонсулхонаси муҳолифат жангчиларини ўз акцияларини давом эттириш учун пул ва varaқалардан бошқа нарсалар билан ҳам таъминлаётганига ишора қилади.

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШГАНЛАР ҲАЛОК БЎЛАДИ



Хориж аралашувига оид далиллар борми?

Хитойликлар фикрича, америкаликлар Гонгконгда инглизлар ҳукмронлик қилган даврдаги усуллардан, хусусан, гонгконглик элиталар таъсиридан, яъни полиция, суд ва бошқа маъмурий органлардаги «қулоқлар»дан фойдаланишмоқда. Қонсулхоналардаги ходимлар ҳам буздан мустанасо эмас. Албатта, биров таъсир кўрсатмаса, бундай оммавий ғалаёнлар келиб чиқмайди. Воқеалар ривожига гоҳида дунёнинг турли мамлакатларида ишлатилган «рангли инқилоблар»ни эсга солиб юбояпти. Шунинг учун Хитойнинг ҳукуматга қарашли «Жэньминь жибао» газетаси ёзади: «Хитойга қарши чиқаётган ва Сянгандаги тартибсизлик ортида турган кучларни иккиланмай тўхтатиш керак. ХХРда эҳтимолий ғалаёнларини тўхтатиш ва ташқи кучларнинг ёвуз режаларини бартараф этиш учун куч ва маблағлар етарли». Осмоноти мамлақати ташқи ишлар вазирлиги таркатган баёнотда эса «Гонгконг фақат ва фақат Хитой ички сиёсатиға тегишли масала. Биз яна бир бор Америка томонини Гонгконг ишиға бурунини тикишни тўхтатишга чақирамиз», деб айтилади. Бу АҚШ президенти Доналд Трампнинг Твиттерда пайдо бўлган хабарига муносабат ўларок янгради. Президент унда Америка разведкаси маълумотларига тавниб, Хитой армияси Гонгконг билан чегараға қўшин тортаётгани айтади.

Пекин норозилигини тушунса бўлади — Гонгконг, хитойча Сянган, мана 22 йилдирки, Хитой ҳудуди ҳисобланади, гарчи алоҳида мақомда бўлса ҳам. У ерда қандай тартибсизлик юз бермасин, уни тинчлантириш учун Пекин қандай чоралар кўрмасин, бу Хитойнинг ички иши. Қўшин киритиш ва боз устига «исёни бостиришга Хитой расмийлари қўл урмоқчи эмас. Сянган англосаксон молиявий тизими ва Хитой давлатининг ноёб «қўшма корхонаси» сифатида муҳим саналади. Болтон таъкидлаганидек, «қитъадаги Хитойға 60 фоизга яқин инвeстиция Гонгконг орқали келади. «У ерда инглиз тизимиға асосланган ипнотча лойиқ суд тизими мавжуд, судлари холис ҳисобланади. Агар Гонгконг Хитой ҳукуматининг ёмон қарори сабабли бу нуфузини йўқотса, Хитой учун жиддий иктисодий оқибатлар бўлади», деб айтган Болтон. У, шунингдек, АҚШ конгрессида Гонгконгдаги воқеалар сабабли «ўзгарувчан қайфиятлар» кузатилаётганини, Хитой

ҳукуматининг у ерда хатоға йўл қўйиши «Капитолий тепалигида портлаш келтириб чиқариши мумкинлигини» айтган. «Хитой етакчилари Гонгконгда амалға ошираётган қадамларига эътиборли бўлишлари лозим. АҚШдаги одамлар Тяньаньмэнь майдонидаги воқеаларни унутишмаган. Улар танклар олдида турган эркак сурати, озодлик ва демократияни сўраган хитойликлар овозларини эслашади. Гонгконгда шундай хотираларни вуждга келтириш қатта хато бўлади», деб қўшимча қилган Болтон.

Босимлар ортидаги мақсадлар

Аслида Хитойға кўрсатилаётган босимлар ортида бошқа гап бор. Чин кейинги пайтларда қиймати бир триллион доллардан ошиб кетган «Бир макон — бир йўл» ташаббусини илгари сураётти. Бу 100 дан зиёд давлатни инфратузилмалар — темир ва транспорт йўллари ҳамда денгиз орқали бирлаштириб турувчи, улар ўртасида савдо-иктисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус бўлиб, у Осиё, Европа ва Африкани ўзаро яқинлаштиради. Аммо айрим сиёсий доиралар бу режалар амалға ошмаслиги учун Пекинға турли усуллар орқали босим кўрсатишға уринапти. Тарғибот-ташвиқот йўналишида, биринчи навбатда, хитойликлар учун ҳиссиётли нукталарда, ҳатто Тайвань масаласида иш олиб бориляпти. АҚШ борган сари ўзининг севимли мавзуси — инсон ҳуқуқларини ўйламоқда: Шинжонда мусулмон аҳолининг ҳуқуқлари камситилляпти, улар учун концентрацион лагерлар қурилган қабилидаги айбловлар илгари сурилди, Тибетда будда диндорлари таъкиб қилиётгани, хитойлик ҳуқуқ химоячилари таъкиб остиға олингани, гонгконглик намойишчилар қалтакланаётгани ва ҳоказо танқидлар ёъдириляпти.

Иккинчидан, Хитой яқин 5-10 йил мобайнида ҳозирги суръатларда ривожлansa, яъни ички махсулот ҳажми бўйича АҚШни ортда қолдириб, дунёнинг биринчи рақамли иктисодиётига айланиши башорат қилинапти. Боз устига, Чиннинг Осиё, Африка ва Европадаги сармоялари ва таъсири шу қадар ошиб кетдики, бу дунёға эгалик қилиш умидидаги айрим сиёсий марказларға ёкмаслиги табиий.

Очинчи айтганда, Америка томонининг «Гонгконгдаги демократия ва сўз эркинлигини ҳурмат қилиш» тўғрисидаги баёноти у ердаги воқеаларға нисбатан мутлақо қўллаб бўлмади. Гап сўз эркинлиги ҳақида эмас, Гонгконг қонунчилигиға ўзгартишлар ҳақида бормоқда. Хулоса ўрнида бир нарсани айтиш жоиз. Ўзбекистоннинг ҳам ҳар қандай халқаро масалаларға оид ўз позицияси бор. Энг аввало, Ўзбекистон бировларнинг ички ишларига аралашмайди. Аммо бошқа давлатлар қаби Хитойнинг ҳам ҳудудий ахлитлигини ҳурмат қилади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Бугунги кунда бутун дунёда «Ўзбекистон боксчилари» деган ибора тез-тез жарангламоқда. Юртимиздаги спорт турлари ичида бокс жадаллик билан ривожланиб, спортчиларимизнинг дунё ареналарида эришган муваффақиятлари тобора ортаётгани қувонарли. Кетма-кет ғалабалар ва ютуқлар — барча-барчаси ўзимизники. Ҳаттоки мутахассислар томонидан «Ўзбекистон боксдаги муваффақиятлари билан дунёда иккинчи ўринда турибди», деган баҳолашлар ҳам бўлмоқда. Айни пайтда спортнинг бу тури бўйича ўсмирларимиз ҳам ҳаммани доғда қолдирмоқда. Яқинда ўтган Осиё чемпионатидаги натижалар бунга мисол бўла олади. Ҳозирда барча спортчилар ва мураббийларнинг Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада мусобақаларига тайёргарлиги авж палласида. Шулар хусусида Бокс федерацияси матбуот хизмати билан боғландик.

Ҳеч бири куруқ қўл билан қайтмади

— Август ойининг бошида Кувайтда бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ўтказилди, — дейди Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг ўринбосари Соҳиб Полатов. — Унда қитъамизнинг 21 давлатидан келган 150 нафардан зиёд ёш чарм қўлқоп усталари чемпионлик учун баҳс олиб боришди. Қувонарлиси, мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 14 нафар боксчи билан иштирок этиб, якунда уларнинг барчаси ўз вази тоифаларида совриндорлар сафидан жой олишди. Боксчиларимиз қитъа чемпионатида 10 та олтин, иккитадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, юртимиз байрогини кўкаларга кўтарди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бунақаси тарихда бўлмаганди. Бу эса барчамизда фахр туйғусини уйғотди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларнинг айнан спортнинг бокс турига бўлган қизиқиши кучли. Улар орасида хотин-қизлар ҳам бор. Айниқса, халқаро спорт мусобақаларида Ёлгорой Мирзаева ва Шахноза Юнусоваларнинг муваффақияти алоҳида таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда «Рио – 2016» Олимпиадаси қаҳрамонлари бўлмиш Фазилддин Ғойибназаров, Шахрам Ғиёсов, Муроджон Ахмадалиев, Баҳодир Жалолов, Шаҳобиддин Зоиров, Исроил Мадримов ва бошқалар ўз фаолиятларини профессионал боксда давом эттиришга қарор қилишган.



Бокс тарихидаги кутилмаган муваффақият

«Ўзбекистон» ёзувли футболкаларни биздан талашиб олишади. Биз бундан жуда қувонамиз ва фахрланамиз»

Муносиб тухфа

Кўпчилик олдинда турган мусобақаларда мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари қандай иштирок этишаркин, дея ҳавотирда турган бир паллада юртимиздан янги иқтидорлар етишиб чиқмоқдаки, бу кўнгилга таскин беради. Бунга Икболжон Холдоров, Бобо-Усмон Ботуров, Нодиржон Мирзаҳмедов, Миразизбек Мирзахалидов, Шункор Абдурасулов сингари умидли ёшларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг ортидан янги истеъдодлар авлоди етишиб келаётгани эса бир қувончга ўн қувонч қўшмоқда.

— АҚШ ва Куба бокс мактабига тўхналиб ўтсак, АҚШ профессионал йўналишида дунёдаги энг кучли бокс мактаби саналса, Куба ҳаваскор бокс бўйича энг таъриблиги мактаблардан, — дейди мураббий Раҳматжон Рўзиохунов. — Биз эса жаҳонда бокс бўйича кучли учлик пенжадами бўлиб турганимиздан хурсандмиз. Бу мақомни сақлаб қолиш учун изланиш ва ҳаракатдан тўхтамаслигимиз керак. Айтишим керакки, олинлари спорт мусобақаларига қатнашишга борганимизда «Ўзбекистон» ёзувли футболкани совға қилсак, ё қийиншарди ёки йўқ. Ҳозир биздан талашиб олишади. Ҳаттоки, хорижий мухлис-ларимиз ҳам келиб сўрашади. Биз бундан жуда қувонамиз ва фахрланамиз.

Мамлакат ўсмирлар терма жамоасининг Осиё чемпионатида пухта ҳозирлик кўриши учун Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан барча шарафити берилди. Бу эса ўз самарасини бермасдан қолмади. Кувайтдаги мусобақаларда терма жамоамиз аъзоларидан Хумоюнмурзо Абдурасулов, Хожнақар Махмудов, Фаррух Тўлаганов, Лазизбек Тўлқинов,

Бобурбек Бобожонов, Умидилло Абдурасулов, Далержон Бозоров, Жаҳонгир Нарзиев, Мирзоб Некбоев ҳамда Шавкат Болтаевлар ўз вази тоифасида китъа чемпионлигини қўлга киритди. Шунингдек, нуфузли мусобақада финалгача етиб борган ҳамюртларимиз Абдулазиз Абдурахмонов ҳамда Шаҳбоз Ҳамидуллаев кумуш, ярим финалда имкониятни бой берган Айназар Кенесбоев ҳамда Хусанбой Рихсбоевлар эса бронза медалига сазовор бўлишди.

Хуллас, Кувайт рингларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўғлонларимиздан ҳеч бири совринсиз қолмади. Нотасмий умумжамоа ҳисобида Ўзбекистонлик боксчилар китъада тенгсиз эканлигини яна бир қарра исботлашди. Вакилларимизнинг ушбу муваффақиятлари энг улуг ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

Тайёргарлик авж палласида

Спорт оламидаги энг йирик мусобақа бу Олимпиада ўйинлари ҳисобланади. Унда иштирок этиш барча спортчиларнинг орзусидир. Бугунги кунга қадар бошқа спорт турлари катори бокс бўйича эл меҳрини қозонган қўлаб етакчи чарм қўлқоп усталаримиз айнан ушбу тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида турли медалларга эга бўлишган.

— Ўзбекистонда боксининг ривож ва оммавийлигини янада юқори даражага кўтариш, халқаро мусобақаларда эришилётган ғалабалар салмоғини ошириш, ўзбек боксининг обрўси ва нуфузини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёш спортчиларни тайёрлаш мақсадида олимизга муҳим вазифалар қўйганмиз, — дейди терма жамоа

бош мураббий Марат Қурбанов. — Бу борадаги ишлар тизимли ва режа асосида олиб борилмоқда. «Токио – 2020» Олимпиадасига қатнашадиган терма жамоа таркиби тасдиқланди. Унга кўра 8 нафар боксчимиз иштирок этишади. Тайёргарлик бўйича муаммо деярли бўлгани йўқ. Аввалги жаҳон чемпионати билан солиштирадиган бўлсак, таркиб 60 фоизга ўзгарган. Ўйлашимизки, кейинги мусобақалардаги барча ғалабалар ўзимизники бўлади.

Дарҳақиқат, «Токио – 2020» олимпиада ўйинлари бошланишга ҳам оз вақт қолди. Айни пайтга келиб, нафақат спортчилар, балки мусобақа ташкилотчилари ҳам Олимпиадага пухта ҳозирлик кўришмоқда. Аъна-

Биласизми?

► Ўзбек бокс тарихида Олимпиада ўйинларининг бокс баҳсларида иштирок этувчи биринчи аёл спортчи Ёлгорой Мирзаевадир. Ёлгорой Мирзаева – 1996 йили Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида дунёга келган. Унинг боксдаги ilk мураббий — Ойбек Тожиёв. Спорт турига қизиқиш қизини Самарқанд олимпиада захиралари коллежига етаклаб келди. У ерда таърибли мураббий Шариф Нарзикулов қўл остида шуғулланишни давом эттирди.

► Жорий йил Осиё чемпионатининг 57 кг гача аёллар баҳсининг ярим финалида рингга кўтарилган Ёлгорой Мирзаевага Ю-Тинг Лин (Хитой Тайпейи) рақиблик қилди. Ёлгорой Ўзбекистон терма жамоасига учинчи бронза медални олиб берди.

нага кўра, ҳар бир халқаро федерация ташкилотчилар билан келишган ҳолда Олимпиадалардан бир йил аввал арена ва спорт объектларининг қанчалик тайёр эканлини кўздан кечириш мақсадида синов мусобақаларини ташкил қилиш даркор. Регламентга кўра, мусобақа ишланган тартибда ўтказилиши мумкин. Мисол учун, қайсидир федерация ёшлар ёки катталар ўртасидаги халқаро турнирни Токио шаҳрида синов мусобақасидек ўтказса, баъзилар бунинг учун махсус турнир ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, кунчиқар юртда бир қатор спорт турлари бўйича синов мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Кейинги босқичга ўтишди

Чеченистон пойтахтида давом этаётган бокс бўйича халқаро мусобақанинг навбатдаги беллашувлари ҳам ортда қолди.

Эътиборлиси, рингга кўтарилган боксчиларимизнинг барчаси терма жамоамизнинг муваффақияти иштирокини давом эттиришди. Ўз вази тоифаларида Баҳодир Жалолов, Махмуд Ғоипов, Қозимбек Мардонов ва яна 4 нафар боксчимиз кейинги босқичга муваффақиятли йўл олди.

Волейболчиларимиз ярим финалида

Непалнинг Катманду шаҳрида волейбол бўйича эркаклар ўртасида Жанубий ва Марказий Осиё чемпионати давом этмоқда. Мусобақада гуруҳ босқич беллашувлари ўз якунига етди.

Эътиборлиси, унда иштирок этаётган терма жамоамиз гуруҳдаги барча баҳсда ғалаба қозониб, ярим финалга йўл олди. Мусобақа доирасида дастлаб Бангладеш, кейин Туркменистон ва Афғонистон терма жамоалари 3:0 ҳисобида таслим этилди.

Турнир давомида бирорта ҳам партияни бой бермаётган ҳамюртларимиз ярим финал ўйинини Қирғизистон терма жамоасига қарши ўтказишади.



Мамлакатимиз бўйлаб Гимнастрада спорт фестивалига старт берилди.

ИЛТИЖО

Баҳор келса бошланур богда булбул хониши
Саъва, кумри нағмаси, суралай товланиши,
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йилбоши:
Тўхтагай табиидан ҳаққушлар зорланиши
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қингир зотга давр қайда, даврон қайда?
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?
Елғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?
Баҳор, сенсиз сахрою тоғу тошга жон қанда?
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Ўлмасликка ишора — ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора — замонга ошиқлигим
Теранликка ишора — уммонга ошиқлигим.
Ўзаликка ишора — бўстонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда ҳазонрезилик,
Қайларда ёз, қайда қуз, қайда жондан безилик,
Қўқламнинг ҳар нафаси умрга арзиғулик,
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзулик...
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш қўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринлар — қилмларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор ёслар уни қавми-қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорға зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,
Қуз келмай ҳазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Тўра СУЛАЙМОН.

Тупроқ қаърида асрлар давомиди
сукунатга чўмган бу жойлар олис
ўтмишда обод шаҳару кентлар
бўлганига ишонгингиз келмайди.
Тошкентнинг шимоли-шарқий қисмида
жойлашган Оқтепа археологик
ёдгорлиги билан танишар экансиз,
хаёлан олис мозийга сайр қилгандек
бўласиз. Илк ўрта асрларда, яъни 16
аср муқаддам бино қилинган улкан
истеҳкомнинг харобаси бўлган бу
тепаликда қаср, қўрғон ҳамда уларга
туташиб кетган хунармандчилик
маҳаллаларининг вайроналари бор.
Оқтепа пирамидага ўхшаш баланд тепа,
унга ёндашган пастроқ тепа ҳамда
уларга туташиб кетган бир нечта ясси
тепаликлардан иборат. Унинг энг баланд
қисми 21 метрга тенг. Бир пайтлар
худуди қарийб юз гектар майдонни
эгаллаган тарихий обиданинг бугунга
келиб атиги тўрт гектари қолган, холос.



ТАРИХ ҲАҚИҚАТЛАРИ



Юнусободдаги Оқтепа тепалиги остидаги сирлар

Кўҳна манзилнинг кашф қилиниши

— Мазкур тепаликларни ўрганиш
ўн тўққизинчи асрнинг 80-йилларидан
бошланган, — дейди **Ўзбекистон мил-
лий университети тарих факультети
ўқитувчиси Раҳмон Ибрагимов**. —
Дастлаб уни 1886 йилда В.П.Навский
қайд қилган. Кейин турли йилларда бу
ерда археологлар томонидан қазими-
ша ишлари бажарилган. Хусусан, 1940-
1941 йилларда А.И.Тереножкин қисман
қазималар олиб борган. 1975 ва 1977-
1983 йилларда эса Тошкент археология
экспедицияси кенг қўламда ўрганган.
Ушбу қазимиша ишлари Оқтепанинг
қандай ёдгорлик эканлиги, унинг тузи-
лиши, пайдо бўлган ва харобага айлан-
ган даврлари ҳамда вайронагарчилик
сабабларига ойдинлик киритди.

Маълум бўлишича, Оқтепа канали
бўйида жойлашган Юнусобод Оқтепа
ёдгорлиги тарихи V-XIII асрларга бо-
риб тақалади. Унинг жанубий томони
баландроқ тепалик кўринишидаги
арк ва қишлоқдан иборат бўлган. Арк
харобалари шимолдан жануб томонга
чўзилган ва қишлоқдан чуқур жарлик
билан ажратилган. Кенг ҳовли ва унинг
жанубий қисмида қаср харобалари
жойлашган бўлиб, қазмиш вақтида хом
ғишт ва пахсадан қурилган, меъморий
жиҳатдан яхши сақланган бинолар кол-
диклари очилган.

Осма кўприк, лабиринтсимон дарвоза...

«Тошкент» энциклопедиясида қайд
этилишича, мажмуада қурилиш 3 бос-

кичда амалга оширилгани аниқланган.
Биринчи босқичдан (V-VI асрлар)
қалъанинг ички қисмидаги бир неча
хона ва йўлақлар сақланиб қолган.
Қишлоқдаги ҳаётнинг сўнгги даври
(VII-VIII аср боши)га оид ансамбль
баланд қаср (майдони 80х80 м.), ҳовли
ва қаср этагида жойлашган сарой типи-
даги иншоотдан иборат. Ансамбль му-
лоффа девори ва хандак билан ўралган.
Қасрга ғарб томондаги хандак устига
қурилган осма кўприкдан ўтилган. Кўп-
рикдан ўтилган, лабиринт кўринишида-
ги дарвозага, сўнгра ҳовлига кирилган.
Дарвозалар олдида кўриқчилар хонаси,
шимолда саройсимон иншоот, қаср
жойлашган. Қасрга кватрат минора
оркали пандус билан кўтарилган. Қаср
икки қатор йўлақлар билан ўралган.
Устки қатор йўлақлар бурчақларида
думалок гўмбазли хоналар бўлиб, улар
ташқаридан айлана минорага ўхшаб
кўринган.

Қаср нимага мўлжалланган?

Қасрнинг ичи икки қисмга бўлинган.
Ғарбий қисм бурчагида икки қаватли
баланд минора — мўла кад кўтарган.
Пастки қаватда гўмбазли учта йўлак,
юқорида — деворий расмлар билан
безатилган зал жойлашган. Шу ерда
оташпарастларнинг икки хонали сажда-
гоҳи, кўшимча ёндош хоналар бўлган.

Асосий хонанинг деворлари таги-
да супалар, марказда оташгоҳ бўлиб,
унинг усти ёғоч билан рамзий ёпишган.
Кўёш нуруларидан муҳофаза қилинган
яланг деворли хона зардуштийлар

оташгоҳи талабларига мос равишда
бунёд этилган. Бу қисм марказида куб
кўринишидаги маҳобатли бино кад
кўтарган, унинг усти гўмбаз билан
ёпишган, деворлари қалин бўлган, ичи-
да супалари — новуслар жойлашиб,
уларга зардуштийлар удумига кўра
остадонлар қўйилган. Қасрнинг шарқий
қисмида хўжалик (ошхона, узум эзди-
ган қурилма, тандирлар) ва омборхона-
лар жойлашиб, улар узун, икки қаватли
йўлак кўринишида бўлган, у ердаги
супаларга хумлар қўйилган. Қасрдаги
йўлақларда шу давр учун хос бўлган
пинак-туйнуқлар бўлмаган, унинг му-
лоффаи йўлақларга ўрнатилган усти
томо кунгўрларидан ортидан амалга оши-
рилган. Омборхоналар ва минора те-
пасига зинапоҳ билан чиқилган, у ерда
майдонча бўлган, натижада қаср зина-
поясимон ташқи қиёфа кўринишини
олган. Ҳовлидаги сарой мажмуаси учта
йирик зал, кенг ҳовли ва ички хоналар-
дан ташкил топган. Заллар усти ёғоч
тўсинлар билан ёпишган, уларнинг бир
қисми қулаб тушган ҳолатда сақланган.
Деворлар рангли, нақшинкор сюжетли
расмлар билан безатилган. Марказий
зал — маросимлар ўтказиладиган зал
атрофи зинали супалар билан ўралган,
марказида тахт ўрнатилган.

Ноёб топилмалар жамламаси

Қалъадаги археологик топилмалар
алоҳида диққатга сазовор. Жумладан,

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани «Донишманд» маҳалласи Оҳангарон
шоҳ кўчаси 7 уй, 19 хонадонда яшовчи Акилова Гулноза Алишеровнага тегишли
уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

тош, суяк ва металдан ясалган қурол-
яроғ, зеби-зийнат, темир пичок, ханжар,
болта, ўроқ, уч парракли ўк пайкон-
лари, тош ёргучоклар, тоғ хрустали,
кўзли қумуш узук ва бошқа нарсалар
топилган. Айниқса, нуроний мўйсафид
тавирли терракота (сопол буюм) Шош-
да яшаган қадимги аҳолининг этник
қиёфаси ҳақида тасаввур беради.

Инкирозга нима сабаб бўлган?

Юнусобод Оқтепаси VII-VIII аср
бошида яшаган чочлик йирик зодагон-
нинг қасрли чорбоғи, саройи бўлгани
тахмин қилинади. Бу ерда ўша даврга
мансуб топилмалар, жумладан, умма-
вийлар халифалиги (VIII асрнинг бир-
инчи ярми)га оид қумуш тангаларнинг
кичик ҳазинаси топилган. Ушбу танга-
лар ва кўшк биноларидаги қучли ёнғин
асоратлари араблар босқини бу ерда
вайронагарчилик келтириб чиқаргани
ни кўрсатади. VIII асрнинг иккинчи
ярмида ёдгорлик худудида ҳаёт қайта
жонланган, IX-XII асрларда эса у Бин-
кат вилотианинг мустаҳкамланган
қишлоқларидан бўлиб, XIII аср бошида
мўғуллар истилоси даврида инкирозга
учраган.

Хуллас, қадимги Шарк меъморчили-
гининг ноёб обидаси бўлмиш Юнусо-
бод Оқтепаси илк ўрта аср шаҳар қу-
рилиш санъати ва маданияти намунаси
сифатида катта аҳамиятга эга.

Тўлқин ШЕРНАЕВ тайёрлади.

КАФОЛАТ

Уй бузилаётганда...

— Кейинги пайтларда фуқароларнинг ер участкалари турли сабабларга кўра олиб қўйилганда компенсациялар тўлиғи тўғрисида кўп гапириляпти. Бу борада мансабдор шахслар огоҳлантирилганидан ҳам хабардоримиз. Аммо компенсация миқдори қандай ўлчаниши тўғрисида аниқ тушунча йўқ. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

Нуридийла САЛИМОВА,
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри.



Гўзал РАХМОНОВА,
Термиз шаҳридаги 9-сон давлат
нотариал идораси нотариуси:

— Фуқароларнинг уй-жойи давлат ва жамият манфаатлари юзасидан бузилаётганда зарарни қоплаш бир неча турда амалга оширилиши мумкин. Масалан, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод тураржойни мулк қилиб бериш ва дов-дарактлар қийматини тўлаш орқали ёки бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарактлар қийматини тўлаб бериш. Шунингдек, ер участкасини ўзлаштириш даврида 2 йилгача муддатга ижарага вақтинча уй-жой бериб, бузилаётган уйлар, иморатлар, иншоотлар ва дов-дарактлар қийматини тўлиқ тўланган ҳамда етказилган бошқа зарарларни қоплаган ҳолда, фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш мумкин.

Юридик шахсларга тегишли ер участкаси давлат ва жамият манфаатлари юзасидан олиб қўйилаётганда эса юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ёки кўчмас мулкнинг бозор қийматини ва етказилган зарарларни қоплаш ёки етказилган зарарларни тўлалигича қоплаш мумкин. Шунингдек, бузилиши керак бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотларни қўчириш ва янги жойда тиклаш ҳам қонуний ечим ҳисобланади.

ҲУҚУҚ

Энди қудуқни ҳам рўйхатдан ўтказиш керакми?

— Яқинда ҳукуматимиз томонидан шахсий қудуқ — артизанларни қавлашнинг алоҳида тартиблари белгилангани ҳақида эшитдим. Бизнинг ҳудуд узоқ йиллардан буён «водопровод» суви билан таъминланмайдими. Ҳамма «качалка» орқали сув ичади. Энди ушбу қўрилмаларни рўйхатдан ўтказишимиз керакми?

Тўлқинжон КАРИМОВ,
Сирдарё вилояти Бобўт тумани.

Эркинжон АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги мутахассиси:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 август кунги қарори билан ер ости сувларида қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Унга кўра, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, юридик шахслар ер ости сувларида қудуқларни бурғулашга рухсатнома олиш учун Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиладилар. Рухсатнома бурғулаш ишларини бажариш даврига, лекин 1 йилдан ошмаган муддатга Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан юридик шахсларга уларнинг мурожаатига асосан берилади. Бунда давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи (66 900 сўм) миқдоридан йнгим ундирилади.

Аммо жисмоний шахсларга чуқурлиги 25 метргача бўлган қудуқларни қазиб суви учун ва суткасига кўпи билан 5 куб метр ҳажмдаги ер ости сувларини шахсий эҳтиёж учун яқка тартибда олишга мўлжалланган артизанлар учун рухсатнома талаб қилинмайдими.

ШАҲАРСОЗЛИК

Ўрта шаҳарлар ривожлантирилади

— Пойтахтимиз, вилоятлар марказларидаги бунёдкорликларни қўриб ҳавасимиз келарди. Яқинда эшитишимча, бизнинг шаҳримиз ҳам реконструкция қилинар экан. Чортоқда истироҳат боғлари, замонавий тураржойлар қад ростлайди, дейиляпти. Ислохотлар одими кичик шаҳарларга ҳам етиб келдими? Шу тўғрисида маълумот берсангиз.

Нилуфар ТУРҒУНОВА,
Наманган вилояти Чортоқ шаҳри.



Рустамжон ҲИКМАТУЛЛАЕВ, Қурилиш вазирлиги Архитектура ва ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш бошқармаси раҳбари:

— Дарҳақиқат, яқинда Президентимиз Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. Унга

кўра, лойиҳани амалга ошириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) Ўзбекистонга 100 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз маблағларини тақдим этган. Лойиҳа доирасидаги тажрибасинов шаҳарлари сифатида Янгийўл (Тошкент вилояти), Когон (Бухоро вилояти) ва Чортоқ (Наманган вилояти) белгиланган. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги лойиҳанинг ўз вақтида амалга

оширилиши, шунингдек, ХТТБ қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун маъсул ижро этувчи орган этиб белгиланган. Лойиҳани амалга оширишни умумий мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги томонидан амалга оширилади. Лойиҳани амалга ошириш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» ҳам тасдиқланган.

Кимлар бепул дарсликлар билан таъминланади?

— Кам таъминланган оила сифатида фуқаролар йиғини рўйхатида турамиз. Фарзанди мактабга чиққандан сўнг дарсликлар билан бепул таъминланиши мумкинми?

Нафосат УМАРОВА,
Андижон вилояти Избоскан тумани.

Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,



Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методиқ қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, дарсликлар билан умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари бўлган ўқувчилар, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчилар (нодавлат умумтаълим мактаблари бундан мустасно) умумтаълим мактаби кутубхона жамғармаси томонидан бепул таъминланади. Бунда дарсликлар тўплами билан бепул фойдаланиш учун берилган дарсликлар уч кун ичида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасига қайтарилиши лозим. Бунда умумтаълим мактаби маъмурияти томонидан ўқувчи жорий ўқув йилида дарсликлар тўплами билан бепул таъминланиши лозимлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Ўқувчи уни қабул қилган умумтаълим мактаби томонидан мазкур маълумотнома асосида дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади.

Текшир-текширлар қисқартирилади...ми?

— Тадбиркорлик фаолиятини тўхтатганимга беш йилдан ошди. Яқинда солиқ идораси вакили ўша пайтда ишлаган даврим ҳам қайта текширувдан ўтиши мумкинлиги тўғрисида айтиб қолди. Шу тўғрисида?

Абдусамал МУХСИНОВ,
Бухоро вилояти Ромитан тумани.



Акмал НАЗАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий

ахборот бўлими катта инспектори:

— Жорий йилнинг 7 июнда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган. Фармонга мувофиқ, келгуси йилдан тугатиладиган корхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишнинг энг узок даврийлиги уч йилни ташкил этади. Текшириш учун корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТимоий-СИЁСий
ГАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: С. Исмаилов
Мусахҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: С. Эшмуродов
Дизайнер: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоסי келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3,
8 босма табоқ,
22802 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-845
Топширилди — 02:30

1 2 3 4 5